



ME'MORCHILIK VA QURILISH MUAMMOLARI

ILMIY-TEXNIK JURNAL

ISSN 2901-5004

ПРОБЛЕМЫ АРХИТЕКТУРЫ И СТРОИТЕЛЬСТВА
Научно-технический журнал



Проект Центра исламской цивилизации в городе Ташкенте

2
2019

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIV VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI**

**MIRZO ULUG'BEK NOMIDAGI SAMARQAND DAVLAT
ARXITEKTURA-QURILISH INSTITUTI**

**ME'MORCHILIK va QURILISH
MUAMMOLARI**
(ilmiy-texnik jurnal)

ПРОБЛЕМЫ АРХИТЕКТУРЫ И СТРОИТЕЛЬСТВА
(научно-технический журнал)

PROBLEMS OF ARCHITECTURE AND CONSTRUCTION
(Scientific and technical magazine)

2019, № 2

2000 yildan har 3 oyda bir marta chop etilmoqda

SAMARQAND



ME'MORCHILIK va QURILISH MUAMMOLARI

ПРОБЛЕМЫ АРХИТЕКТУРЫ И СТРОИТЕЛЬСТВА PROBLEMS OF ARCHITECTURE AND CONSTRUCTION

(ilmiy-texnik jurnal)
(научно-технический журнал)
(Scientific and technical magazine)

2019, № 2
2000 yildan har 3 oyda
bir marta chop etilmoqda

Журнал ОАК Хайъатининг қарорига биноан техника (қурилиш, механика ва машинасозлик соҳалари) фанлари ҳамда меъморчилик бўйича илмий мақолалар чоп этилиши лозим бўлган илмий журналлар рўйхатига киритилган (гувоҳнома №00757. 2000.31.01)

Журнал 2007 йил 18 январда Самарқанд вилоят матбуот ва ахборот бошқармасида қайта рўйхатга олинди 09-34 рақамли гувоҳнома берилган

Бош муҳаррир (editor-in-chief) - т.ф.н. доц. С.И. Аҳмедов
Масъул котиб (responsible secretary) – т.ф.н. доц. Т.Қ. Қосимов

Таҳририят хайъати (Editorial council): м.ф.д., проф. М.Қ. Аҳмедов; т.ф.д., проф. С.М. Бобоев; т.ф.д., проф., академик А. Дасибеков (Қозоғистон); т.ф.д., проф., А.М. Зулпиев (Қирғизистон); и.ф.д., проф. А.Н. Жабриев; т.ф.н., к.и.х. Э.Х. Исаков (бош муҳаррир ўринбосари); т.ф.д. К. Исмоилов; т.ф.н., доц. В.А. Кондратьев; т.ф.н., доц. А.Т. Кулдашев (ЎзР Қурилиш вазирлиги); м.ф.д. проф. Р.С. Муқимов (Тожикистон); т.ф.д. проф. С.Р. Раззоқов; УзР.ФА академиги, т.ф.д., проф. Т.Р. Рашидов; т.ф.д., проф. Х.Ш. Тўраев; м.ф.д., проф. А.С. Уралов; т.ф.н. доц. В.Ф. Усмонов; т.ф.д., проф. Р.И. Холмуродов; т.ф.д., проф. И.С. Шуқуров (Россия, МГСУ); т.ф.д., проф. А.А.Лapidус (Россия, МГСУ).

Таҳририят манзили: 140147, Самарқанд шаҳри, Лолазор кўчаси, 70.
Телефон: (366) 237-18-47, 237-14-77, факс (366) 237-19-53. ilmiy-jurnal@mail.ru

Муассис (The founder): Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти

Обуна индекси 5549

© СамДАҚИ, 2019

МЕЪМОРЧИЛИК, ШАҲАРСОЗЛИК ВА ДИЗАЙН АРХИТЕКТУРА, ГРАДОСТРОИТЕЛЬСТВО И ДИЗАЙН

УДК 725 727

ROL SVETA V ARHITEKTURNOM PROEKTIROVANII

Adjitarova G. -star.prepodavatel; **Zairov R.Z.**-star.prepodavatel; **Najmieva S.R.** -assistent SamGASI

Мақолада ранг концепцияси ва унинг меъморий макон қурилишдаги ўрни муҳокама қилинади. Рангни ишлатиш меъморчиликдаги мураккаб ва қўптармоқли муаммоларидан биридир. Ранг лойиҳа ижодкорлиги жараёнида муҳим вазифаларни бажаради. Мақолада парчаланиш, миқийси, маром, динамикаси ёки композициясининг статикасини яратишда полихромиянинг ўрни ўрганилмоқда.

Kalit so'zlar: rol, rang, arxitekturada rang berish, arxitekturada rang, spektrlarning ranglari.

The article discusses the concept of color and discusses its role in the construction of architectural space. The use of color is one of the most complex and multifaceted problems in architecture. Color performs important functions in the process of project creativity. The article examines the role of polychromy in the creation of proportionality, scale, rhythm, dynamics, or compositional statics.

Ключевые слова: роль, цвет, колорит архитектуры, цвет в архитектуре, цвета спектра.

В статье рассматриваются понятие и роль цвета в построении архитектурного пространства. Использование цвета является одной из сложных и многогранных проблем в архитектуре. Цвет выполняет важные функции в процессе проектного творчества. В статье изучается роль полихромии в создании пропорциональности, масштабности, ритма, динамики или статики композиции.

Keywords: role, colour, architecture coloring, color in architecture, spectrum color.

«Я считаю, что цветовое решение должно исходить от архитектора, ибо его нельзя отделить от самой концепции здания» так писал Ле Корбюзье о цвете в архитектуре зданий. Цвет выполняет важные функции в процессе проектного творчества: способствует возникновению зрительно-пространственных образов, может быть активно использован для создания символического, смыслового, метафорического содержания архитектурного проекта. Среди множества проблем архитектурного образования вопросы изучения цвета выделяются своей актуальностью и слабой разработанностью. В программах ВУЗов на живопись, натюрмортов и пленэрные этюды до сих пор отводится львиная доля учебного времени. Это служит хорошей основой для обретения первичных навыков общехудожественной подготовки и фундаментом цветовой культуры архитектора, но всё остаётся далёким от сути и специфики профессионального овладения цветом будущим зодчим. Условия перехода от восприятия и мышления художественно-изобразительного к архитектурно-проектировочному весьма затруднены, что изолирует художественную дисциплину цвета от учебного проектирования. Предполагается, что студент сам легко сможет применить живописные принципы композиции в учебном, а в дальнейшем использовать их и в реальном проектировании. Но, во первых не

все принципы изображения и живописные средства применимы в архитектуре, и во вторых для применения знаний и навыков живописца в архитектуре необходимы переходные упражнения, адаптирующие их к задачам иной творческой деятельности.

Архитектурная колористика предоставляет архитектору возможность оперировать одновременно и последовательными образами, цветовыми гармониями и сочетаниями, цветовыми пропорциями, градациями, динамикой и статикой колорит позволяющими предвидеть в проекте и программировать в натуре в реальном пространстве цветовые зрительные впечатления (рис.1). Проблема изучения цвета архитекторами уходит своими корнями в глубины архитектурного творчества: восприятия, представления, воспроизведения и главное создания - архитектурной композиции в тесной и неразторжимой взаимосвязи формы и цвета.

Колорит архитектуры - это не только сильное средство эмоционального воздействия. Полихромия обладает широкими композиционными возможностями, которые участвуют в создании выразительного образа сооружения, ансамбля, города.

Студенты имеют возможность проследивать зрительные изменения под воздействием цвета основных свойств архитектурной формы: геометрического вида, параметров, положения в

пространстве, массы, фактуры, светотени и другие. Изучается роль полихромии в создании пропорциональности, масштабности, ритма, динамики или статики композиции. Не существует формы без цвета, и каждый использованный материал также обладает собственным цветовым элементом (рис.2). Цветовой эффект в архитектуре зависит от множества факторов – собственно цвета, соседствующих цветов, фона, источника света, а также личности наблюдателя. Использование цвета является одной из сложных и многогранных проблем в архитектуре. Требуются совместные усилия архитекторов, ученых, художников, так как потребности современного человека в цвете велики, подобно движению и развитию.

За цветом признана способность выступать в качестве знака оценочного характера, который ориентирует человека в пространстве. Но это лишь одна из задач онтологического плана, обеспечивающая первый уровень организации архитектурного пространства, когда цвет способен выполнять роль биологически необходимых пространственных констант. На последующих уровнях цвет помогает выявить функциональную и семантическую значимость пространства. Создание цветовой среды, обладающей признаком цельности и законченности, требует комплексного подхода к определению целей использования цвета в архитектуре. Архитектор решает комплекс задач и с помощью цвета выявляет логику объемно-пространственной структуры, которая неотделима от создания психофизиологического комфорта человека. Цвет является важной составляющей архитектурной формы. При соответствующих сочетаниях цвет представляет собой средство выражения содержания архитектурного сооружения, его эстетических достоинств.

Визуальная архитектурная форма невозможна без композиционного единства пространства, объема и цвета. Связывая объем и пространство, полихромия выступает как материал и инструмент для формирования архитектурной композиции. Формообразующее действие цвета в архитектуре многообразно – это видоизменение геометрического вида и размеров сооружения, гармонизации цветового чередования его фрагментов, создание эмоционально-символического образа.

И сегодня специалисты разных стран изучают влияние цвета на архитектурную среду, образ здания (рис. 3). Трудно решается этот вопрос в жилищном строительстве, где четкий геометрический ритм типичных домов объединяет среду.



Рис. 1.



Рис.2.



Рис. 3.



Рис. 4.

Именно поэтому сегодня все чаще в новых районах Самарканда и других городов появляются яркие фасады многоэтажных жилых до-

мов, комплексов. На светлом фоне неба такие фасады отличаются насыщенностью суперграфического рисунка. В современных новостройках преобладают белые, терракотовые, желтые, розовые и голубые тона (рис.4).

Теоретические исследования в области цвета и развитие функционально-эстетических требований архитектуры открывают новые горизонты в использовании цвета в архитектуре.

УДК 712.01

ТОШКЕНТ ШАХРИ ЛАНДШАФТЛАРИ

Мамашарипов Ё.

Тошкент архитектура-қурилиш институти

Мақолада Тошкент шаҳри бош тарҳининг ривожланиш тарихи босқичма-босқичма кўриб чиқилган. Шунингдек, Тошкент шаҳрининг ландшафт ривожланиши таҳлил қилинган.


В статье поэтапно рассматривается история развития города Ташкента. Также проанализировано ландшафтное развитие города Ташкента.

This article discusses the history of development of the city of Tashkent in a step-by-step manner. In addition, analysis of the development of the landscape of the city of Tashkent.

Калит сўзлар: Шаҳарсозлик, боғ-парк санъати, ландшафт архитектураси, ривожлантириш лойиҳаси, экологик ва транспорт муаммолари, қайта режалаштириш ва кўкаламзорлаштириш лойиҳалари, хиёбонлар, истироҳат парки

1867 йилда Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил топиши биланоқ унинг пойтахти Тошкент шаҳрининг бош тарҳи учун лойиҳа чизмалари тайёрлана бошланди. Бунга бошчи сифатида генерал-губернатор Фон Кауфманнинг имзоси билан 1870-йилда муҳандис-капитан Макаровга Тошкент шаҳрининг бош тарҳини қуриш топширилди.

Ушбу бош тарҳ кейинги асрларда ҳам ўз асосини йўқотмади. Архитектор Ноткиннинг асарларида айнан ўша бош тарҳ чизмасини учратиш мумкин



1-расм. XIX асрда Тошкент шаҳрининг бош режаси.

Ўзбекистоннинг XX аср бошлари ва ўрталарида шаҳарсозлик ва ландшафт архитектураси, боғ-парк санъатининг шаклланиши шуни кўрсатадики, асосан мунтазам боғ-парк санъати кенг ривож топган. Бу эса бевосита ўрта асрлар

Литература:

1. Гидион З. Пространство, время, архитектура. – Москва, 2004.
2. Иконников А., Степанов Г. Основы архитектурной композиции. –М., изд. Искусство. 1971.
3. Кудрашов К.В. Архитектурная графика. –М.: Стройиздат. 1990.

ландшафтларига боғлиқдир.

Ўрта Осиё республикалари, шу жумладан, Ўзбекистонда XX аср бошлари ва ўрталаридаги шаҳарсозлик ва ландшафт архитектураси, хусусан боғ-парк санъатининг қўлланилиши ва унинг ғоявий йўналишини белгилашда 1935-йилда қабул қилинган “Москва шаҳрини қайта қуришнинг бош режаси” ҳақидаги қарори муҳим аҳамият касб этган. Москва шаҳрини қайта қуриш ва ривожлантириш лойиҳасида кўрсатилган аксарият меъморий ва шаҳарсозлик тамойиллари Марказий Осиё республикаларининг пойтахтлари-Тошкент, Душанбе, Олма-ота, Ашхобод, Бишкек шаҳарларининг ҳам бош режаларини ишлаб чиқишда асос бўлиб хизмат қилди. Шунини таъкидлаш зарурки, ушбу шаҳарларнинг бош режаларини лойиҳалашда маҳаллий шаҳарсозлар билан бир қаторда Москва ва Сан-Петербургда меъморлари ҳам фаол қатнашдилар. Бу лойиҳаларда қўрилган масалалар нафақат режавий, техникавий, экологик ва транспорт муаммоларига, балки ландшафт архитектураси ва боғ-парк санъатига ҳам алоқадор эди. Жумладан, дастлаб 1924-1931-йилларда, сўнгра 1933-1937-йилларда ишлаб чиқилган Тошкент шаҳрини қайта режалаштириш ва кўкаламзорлаштириш лойиҳаларида “эски” шаҳар билан “янги” шаҳарни қўшиб, яхлит бир шаҳарсозлик организмни вужудга

келтириш, янги турар-жой худудлари ва марказини янгидан ташкил этиш, транспорт магистралларини ўтказиш, боғ-парклар, хиёбонлар барпо этиш, шаҳар худудидан ўтувчи мавжуд сув ҳавзаларидан фойдаланиб, уларнинг соҳилларида кўкаламзор истироҳат масканларини ташкил этиш кўзда тутилди.

Тошкент шаҳри учун маданият ва истироҳат паркиннг биринчи лойиҳасини Й.К.Гаазенкопф ишлаб чиқди. Гаазенкопфнинг асл мутахассислиги агроном бўлса-да, у айти пайтда ландшафт архитектори ҳам эди. У 1926-1932-йилларда Тошкент ва Ашхабод шаҳарлари учун 20дан зиёд турли хил ландшафт объектлари: хиёбонлар, боғлар, парклар, гулзорлар лойиҳаларини ишлаб чиқди ва амалга оширди.

Гаазенкопф ўша йиллари Тошкент шаҳрининг кўкаламзорлаштирилиши ва боғ-паркчилигининг ўзида акс эттирган учта ажойиб альбом яратди. Уларга ўзи ишлаган ва амалга оширган ишларини киритди.

Биринчи альбом - “Тошкент шаҳрини кўкаламзорлаштириш. Шаҳар қурилиши, 1926-1932-йиллар” деб номланиб, унда Тошкентнинг 1929-йилдаги режаси ва шаҳар худудида кўзда тутилган барча катта-кичик боғлар, парклар, хиёбонлар, скверлар ва уларнинг лойиҳалари кўрсатилган. Дам олиш боғи, Кафанов номидаги боғ, Обухов хиёбони, Тошкент шаҳар совети олдидаги гулзор, Қардошлар мазори ва Федерация парки, Хива сквери, Ўрда-Халқа яшил халқаси, Баланд масжид қошидаги боғ, Кичик госпитал қошидаги 1-Май номи парк, Университет олдидаги гулзор, 1-Май парки, Форобий парки, Головачев сквери, Жангоҳ (Пушкин) парки, шаҳар гулзор боғи шулар жумласидандир. Альбомда ушбу объектларнинг лойиҳагача ҳолати ва қайта ишланиб амалга оширилгандан кейинги ҳолати кўрсатилган.

Гаазенкопфнинг иккинчи альбоми (1931-йилда) Тошкент шаҳрининг маданият ва истироҳат боғ-паркларига бағишланган. Альбомда паркиннг икки хил худудда бажарилган лойиҳалари берилган. Тошкент кўчаларини мақсадли кўкаламзорлаштириш учун уларнинг 11та кўндаланг кесимлари, болалар ўйингоҳлари, жисмоний тарбия-спорт майдончалари, марказий оранжереядан тортиб гул дўконларигача мўжаз меъморий шакллар ишланиб, уларнинг аксарияти ўша йилларда амалга оширилган.

Учинчи альбомдан эса Туркманистон ботаника боғининг лойиҳаси ўрин олган (1929-йил).

1938-1939-йилларда архитектор А.Кузнесов раҳбарлигида Тошкент шаҳрининг янги бош режаси ишлаб чиқилди. Бу Тошкентнинг истиқболдаги 20-25 йилга мўлжалланиб тасдиқланган биринчи бош режаси эди. Унда шаҳар аҳо-

лисининг лойиҳавий сони 900 минг кишига, худуди эса 13,8 минг гектарга ҳисобланган эди. Москва шаҳри тажрибаларига асосланиб, Тошкентнинг асосий магистраллари радиал-доира режали кўчалар орқали олти та маъмурий туманни бирлаштиради. Ҳар бир туманда турар-жой массиви, жамоа бинолари, маданият ва истироҳат боғлари, хиёбонлар жойлашиш, сунъий сув ҳавзаларини ташкил этиш, кўкаламзорлаштириш ва сув таъминоти масалалари кўзда тутилган.

1939-йилда тошкентликлар майдони 29 гектарга тенг, дам олиш ва сув спорти билан шуғулланишга мўлжалланган чиройли парк-кўл (ҳозирги Ўзбекистон Миллий истироҳат боғи)га эга бўлдилар (2-расм). Паркда пляжлар, очиқ сув стадиони, яшил театр, қайиқ станциялари, болалар темирўли, аттракционлар, кўлнинг гир атрофи бўйлаб сайлгоҳ хиёбон ташкил қилинди.



2-расм. а) Комсомол кўли; б) ҳозирги Миллий боғ парки ва кўли.

Парк объектларини ўзаро боғловчи ушбу хиёбон гоҳида сув бўйига яқин келтирилиб соҳилга айлантирилган, гоҳида дарахтзорлар ичига киритилган. Хиёбон бўйлаб юрган кишининг кўз ўнгида янгидан-янги гўзал табиат пей-

зажлари -очик ва ёпиқ яшил майдонлар, соҳиллар ва сув ҳавзалари алмашилиб туради.

Тошкент шаҳри боғ-парк санъатининг шаклланишида сунъий сув ҳавзалари: кўллар, анҳорлар, фавворалар муҳим ўрин тутди. Ўзбекистон Миллий боғи парк-кўлининг қурилишидан сўнг кўп ўтмай катта табиий сув ҳавзасига эга бўлган “Ғалаба” паркиннинг қурилиши (1946-1947-йилларда) бошлаб юборилди. Ҳар иккала парк шаҳар микроклимини соғломлаштириш ва унинг чиройини оширишда муҳим аҳамият касб этди.

Бугунги кунда Ўзбекистон Миллий истироҳат боғи шимол томонга кенгайтирилган. Бу кенгайтирилган қисм Навоий ҳайкали билан бирга анъанавий чорбоғ услубида шакллантирилиб, бу боғ муҳити “Истиклол” санъат саройи худудига қўшилиб кетган. Боғда ҳар йили Шарқ халқларининг янги йили ва баҳор миллий байрами - “Наврўз” оммавий тарзда тантана қилинади. Бунинг учун унда бош ва ёнбош хиёбонлар, сайлгоҳ йўлаклар, театрлаштирилган томошалар учун махсус жойлар ташкил этилган. Боғ худуди чамандек яшнаб туради.

Тошкент шаҳрининг ҳозирги маркази асосан 1966-1974-йилларда қуриб битирилди. Марказ ўрнида илгари 1966-йилда ер силкинишидан вайрон бўлган турар-жой мавзеси мавжуд эди. Асосий масала пойтахт маркази бинолари учун янги замонавий микёс топиш, Ўзбекистоннинг бугуни ва келажагини ушбу марказ ҳамда ундаги марказий майдон ва биноларда акс этириш лозим эди. Архитектор Л.А.Адамов ва С.Адиловлар бошчилик қилган муаллифлар гуруҳи бу вазифани усталик билан адо этдилар. Умумий майдони 1,5 минг гектар, шарқдан ғарбга чўзилган ўқ бўйлаб узунлиги 5 километрга яқин бу янги марказ ҳукуматнинг маъмурий бинолари, маданий-маърифий бинолар, спорт иншоотлари ҳамда йирик савдо марказлари ва улкан кўкаламзорларни ўз ичига олади. Шаҳарнинг қоқ марказида ташкил этилган “янги воҳа” ва унинг кенг очик ҳамда ёпиқ яшил майдонлари, бу майдонлар узра жойлашган жамоат биноларидан тузилган ансамблларни, шаҳарнинг тарихий ташкил топган аввалги марказларини Навоий шоҳ-кўчаси орқали бирлаштирди. Бу янги марказ ўзининг ноёб композицияси, маҳобатли меъморий-шаҳарсозлик кўлами ва ландшафт ечими билан ажралиб туради.

Улкан ва кенг Мустақиллик майдонини

ташкил этган тик композицияли кўп қаватли бинолар ва уларга контраст тарзда чўзинчок жойлашган маъмурий муассасалар, майдонни бир неча поғонага бўлиб турувчи кенг ҳавзалари, улкан фавворалар шаршараси ўзига хос ва такрорланмас ишланган. Марказий майдоннинг шаклланишига ва унга эмоционал-бадий тус беришда Мустақиллик монументининг роли катта. Унинг меъморий композицияси, жойи ва майдонга нисбатан масштаби жуда оригинал топилган. Мустақиллик майдони Навоий шоҳ-кўчаси томонидан илган. Номалум аскар ёдгорлиги асосида “Хотира ва қадрият” хиёбони билан тугалланади. Ушбу хиёбон атрофи гўзал ва мафтункор манзарали “чорбоғ” режасида шаклланган. Бу майдонда жуда қулай жойлашган “чорбоғ” бугунги кунда шаҳар ландшафти композициясида етакчи ҳисобланади.

Марказий майдон майсазорлар, дарахтлар қатори, гулзорлар ва фавворалар билан тўлдирилган. Ушбу майдондаги очик ва ёпиқ яшил муҳитлар сатҳининг нисбати бир-бирига яқин. Шунинг учун ҳам улкан шаршарали отма фавворалар иссиқ ёз кунлари майдондаги ҳароратнинг ошиб, намликнинг эса пасайиб кетишига йўл қўймайди. Аксинча, ушбу фавворалар чегарасида ва бинолар соясида кишига ёқимли, енгил шабада эффекти вужудга келган. Мустақиллик майдонида ҳар йили Ўзбекистоннинг Мустақиллик миллий байрами оммавий тарзда тантана қилинади.

Хулоса. Ҳозирги Тошкент шаҳри кўчалари, айниқса шоҳкўчалар, жамоат бинолари атрофлари янада кенгайтирилиб, яшил тусга, боғлар файзига киритилган.

Шаҳар марказидаги яшил муҳитга Буржар каналининг гўзал ва мафтункор соҳиллари, Бўзсув ариғининг обод қирғоқлари келиб қўшилган. Буларнинг ҳаммаси “Пахтакор” стадиони мавзесидаги яшил массив ва хиёбонлар билан бирга Тошкент марказида ўзига хос “яшил оазис”ни вужудга келтирган.

Худди шундай истироҳат марказлари, боғ-хиёбонлар, майдонлар ва очик муҳитлар ландшафт архитектураси Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарларида ҳам амалга оширилган.

Адабиётлар:

1. Раҳимов К.Д., Уралов А.С. Шарқ мамлакатларининг боғ-парк санъати. Т.:2013
2. Уралов А.С., Адилова Л.А. Ландшафт архитектураси. -Т.: 2014.

УДК:728.32

ИСЛОМ МАМЛАКАТЛАРИДА ЖАМОАТ ШИФОХОНАЛАРИНИНГ АЛОҲИДА БИНО ТАРЗИДА ВУЖУДГА КЕЛИШИ

Abatova Sh.
(СамДАКИ)

Мазкур мақола Ислом мамлакатларида жамоат шифохоналарининг алоҳида бино тарзида вужудга келиши ва ударнинг архитектурасини график қайта тиклаш орқали ушбу Ўзбекистон тарихи ва архитектурашунослик фани учун ўта ноёб бўлган, бироқ бизгача сақланмаган бинони кенг жамоатчиликка оммалаштириш в илмий муомалага киритиш маласига қаратилган.

Social Hospitals as special building in Islamic countries

This shown about Social Hospitals as special building in Islamic countries. The study consist of learn science and graphic architecture in Uzbekistan history. After this research we can help to Uzbekistan history and architecture subject.

Science news of this research are learned “Bemriston as a object memorable history and restauration its architectural projects (history, fasad, rooms) and give new ideas on how to using them.

Илмий мақоланинг долзарблиги. Истиқлолимиз шарофати, Республикамиз раҳбарияти раҳнамолиги ва ташаббуси билан мамлакатимизнинг турли вилоят ва тарихий шаҳарларида мавжуд бўлган меъморий обидаларни бусбутун ҳолда сақлаб қолиб, келгуси авлодларга етказиш учун уларни таъмирлаш, консервациялаш ҳамда улардан замонавий эҳтиёжлар учун самарали фойдаланиш, бу эҳтиёжларга уларни мослаштириш, уларнинг атроф–муҳитини ободонлаштириш, шунингдек, мудофаа зоналарини белгилаш ва тартибда сақлаш каби қатор долзарб ва эзгу ишлар навбати билан ўз ечимини топиб, амалга оширилиб келинмоқда. Бу ҳақда сўз юритганда Самарқанддаги Имом ал–Бухорий, Имом Мотрудий ва Шоҳизинда зиёратгоҳларини, Бухородаги Баҳовуддин Нақшбанд, Чорбақр ва Масжиди Калон меъморий мажмуалари, Фарғонадаги Ахмад Фарғоний ва Бурхониддин Марғилоний ёдгорликларини, Сурхондарёдаги Ҳаким ат–Термизий ва Имом ат–Термизий, Хивадаги Ичан қалъа ёдгорликлари, Шаҳрисабздаги Дор ут–тиловат, Кўк масжид, Қарши шаҳридаги Одина масжиди ва Кўк гумбаз обидалари, Тошкентдаги Ҳазрати Имом меъморий мажмулари ва улар сингари ўнлаб, ҳатто юзлаб қадамжоларни обод ва кўркем ҳолга келтириш бўйича бажарилган ишларни эслаш ўринлидир.

Мақсади. Ватанимиз ва хорижий мисоллар ва маҳсул адабиётлар асосида илмий таҳлил қилиш ва умумлаштириш, ўрта аср шифохоналари архитектурасини ўрганиш орқали Самарқанд шаҳрида қурилиб, бизгача сақланмаган жамоат шифохонасини график қайта тиклаш асосида Самарқанд шаҳридаги XI–XII асрлар тиббий маданий меросини кенг оммалаштириш ва илмий муомалага киритишдир.

Мазкур мақсадга эришиш учун тадқиқотда қуйидаги илмий вазифалар қўйилди:

- Ўрта Осиё ўрта асрлар жамоат шифохоналари ҳақидаги умумий маълумотларни тўплаш

ва имий ўрганиш;

- Ўрта Осиё тарихий шифохоналарининг шаҳар ҳудудида жойлашиши ва меъморий типологиясини таҳлил қилиш ва аниқлаш;

- хусусан бизгача сақланмаган ўрта аср Самарқанд шифохонаси – “Бемористон”ни комплекс ўрганиш;

- жамоат шифохоналарининг функциявий, меъморий–режавий ва композициявий жиҳатлари ва хусусиятларини таҳлил қилиш;

- Самарқанд шифохонаси – “Бемористон”нинг архитектураси, интерьерлари, конструктив ва муҳандислик жиҳатларини ўрганиш;

- ушбу шифохона биносининг архитектурасини график қайта тиклаш бўйича лойиҳавий тақлиф бериш ва уни асослаш, шу йўл билан мазкур шифохона илмий оммалаштириш.

Асосий қисм. Қадим замонлардан бошлаб Шарқ мамлакатлари халқлари табобатга оид турли хил тиббий муассасалар: дорихоналар, касалхоналар, гармобалар ва даволаниш шифохоналаридан фойдаланиб келганлар.

Тарихчи И. Тўхтиевнинг ёзишича, Шарқий Туркистон ва Ўрта Осиё халқларида ислом динигача (VII–VIII асрларга қадар) кенг тарқалган будда ибодатхоналарида роҳибларга илоҳий билимлар билан бирга табобат, грамматика, мусика, ер, шамоллар ва юлдузлар ҳаракатига доир билимлар ҳам ўқитилган [2]. Шуниси қизиқки, буддизм кенг тарқалган даврларда Шарқий Туркистонда катта ёшдаги эркакларнинг учдан бир қисми саводхон бўлган. Шарқда қўлланилаётган тиббий ёрдам ва хизмат турлари ҳали ўрта аср Европасига маълум эмас эди.

VIII асрдаёқ Сурия ва Мисрда йирик шифохоналар – “бемористон”лар ташкил қилиниб, уларда ётиб даволаниш имкони бўлган. Мазлум халқ учун шифохоналар қуриш, унинг саломатлиги ҳақида қайғуриш, табобат хизматини тўғри йўлга қўйиш–булар хайрли хизматлар турига кириб, ҳокимият томонидан қўллаб–

қувватланган. "...Беморлар ҳақида ғамхўрлик қилиш бу ислом ҳокимлари, салтанат эгалари ва мамлакатни идора этувчиларнинг бурчидир", –деб ёзган эди XIII асрнинг эътиборли кишиларидан бири Рашид ад-Дин [10].

"Рашид ад-Дин ўз даврининг йирик сиёсий арбоби ҳисобланиб, мўғуллар ҳукмронлиги даврида Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатларининг тарихи ва иқтисодини ёритувчи ажойиб асарлар ёзиб қолдирган [9;10]. У мамлакатда "Мадраса, хонақоҳ ва шифохоналар каби хайрли муассасаларнинг барқ уриши муҳим аҳамиятга эга, бу ишларда беғамлик ва пала-партишлик йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолат", деб ҳисоблаган ва Эрон мамлакатининг Табриз ва Ҳамадон каби шаҳарларида бир нечта шифохоналар қурдирган.

Рашид ад-Дин Ҳиндистон, Миср, Чин, Шом ва бошқа музофотлардан таклиф қилинган 50 та табибга махсус турар жой ажратиб, улар яшайдиган кўчага "табиблар кўчаси" деб ном берган. Бу кўча шу ерда қурилган шифохона ва боғга яқин бўлган. Табиблар ҳар куни беморлар ҳолидан хабар олиб турганлар. Уларнинг ҳар бирига ўнтадан шогирд ва бештадан кул бириктирилиб, шогирдлар турли касалликлар бўйича жарроҳлик, шикастбандлик ихтисосликларига бўлинганлар.

Рашид ад-Диннинг ўзи шифохона ва табиблар фаолияти билан шуғулланиб, табобатда муттаҳамликка йўл қўймаслик чорасини кўриб турган. У шифохонага яхши мутахассисларни тўплаган, бош табибни тайинлаш ҳақида фармонлар чиқарган" [10].

Ҳазанхон подшолигидаги вақфга оид ҳужжатларда (XIII аср охири XIV аср бошлари) қайд этилишича, беморларга кўрпа-ёстик, кийим-бош, дори-дармонлар, шифобахш ичимликлар, доривор қоришмалар, хушбўй, моддалар, кулол идишлар, елпиғич, мато, гиламлар ва озиқ-овқат учун маблағ ажратилган, табиблар, шикастбандлар, омборчилар ва бошқа хизматчиларга мояна белгиланган [10].

Рашид ад-Дин ўзининг "Ёзишмалар" асарида Эрон табобати ҳақида қизиқарли маълумотлар келтириб, Широш шаҳрида илгаридан ҳам шифохона бўлгани ва унинг кўп йиллар давомида қаровсиз ҳолда қолгани ҳақида қайғуриб ёзади. Шифохона ишини қайта тиклаб, унга ўз даврининг (XIV аср) етук табиби мавлоно Махмуд ибн Илйасни раҳбар қилиб тайинлайди. Шунингдек, Эроннинг таниқли илмий марказларидан бўлмиш Рей, Исфаҳон шаҳарларида X–XI асрларда йирик шифохоналар бўлиб, уларда халқ этиборини қозонган табиблар фаолият кўрсатганлар [10].

Бағдод шаҳри ўрта асрларда Шарқ табобат

илмининг йирик марказларидан бири бўлган. У ерларда X асрда бешта шифохона ташкил этилган бўлиб, уларни ўз даврининг машҳур табиби Синан ибн Собат бошқарган. Шифохоналарнинг иккитаси Дажла дарёси бўйига манзарали ва хушхаво жойларга қурилган. Мазкур даволаш муассасаларида табиблардан ташқари санитарлар (муъалиджинлар), хизматчилар (хуззанлар), қоровуллар (баввабинлар), хўжалик ишларини бошқарувчилар (вукалалар), осойишталик ва тартиб сақловчилар (натуринлар) сингари штатлар ҳам белгиланган.

Бағдод шифохоналарини ташкил этганлар орасида шаҳар ҳокими Адуд ад-Даула ҳам бўлган. У ўзи қурдирган шифохонага 24 та етук табибларни йиғиб, уларга ҳомийлик қилган ва ўз даврининг машҳур табиби Абул-Ҳасано ибн Гилмизни касалхонага бош табиб этиб тайинлаган [10].

Табиблар, одатда, бир нечта тилларни билганлар. Бу уларга беморлар билан мулоқотда бўлишда, шогирдларга тиббиётдан дарс беришда кўл келган. Бағдод касалхоналарида кўз касалликларини даволаш ҳам яхши йўлга қўйилган бўлган. У ерда телбалар учун ҳам махсус шифохона ташкил этилиб, у шаҳардан бир оз четроқда жойлаштирилган.

Пойтахтдан узоқда жойлашган Широш, Исфаҳон, Восит каби шаҳарлар ҳам ўз шифохоналарига эга бўлган. У ерларда табиблик маҳорати эга бўлганлиги ҳақида шаҳодатномаси бор мутахассисларгина ишлаганлар [5].

Қадимги арабларнинг шифохоналар олдида машшоқларни тез-тез олиб келиб туриши одат бўлган. Мусиқа ҳам дардни олдини олишга, ҳам чарчокни йўқотишга ёрдам берган.

Жамоат шифохоналарини араб мамлакатларида қуриш бутун ўрта асрлар даврида давом этиб келган. Масалан, XIII аср ўрталарида Ҳалаб шаҳрида (Сурия) жамоат касалхонаси мавжуд бўлиб, XV асрда яна янгиси-Аргун ал-Камил мористони қурилган [4]. Касалхона бир нечта ҳовлиларни бириктирувчи катта бино кўринишида бўлиб, алоҳида ҳовлилар атрофида ётиб ва қатлаб даволанувчи беморлар учун махсус хоналар, ошхоналар ва бошқа ёрдамчи хоналар жойлашган бўлган. Касалхона биносини зийнатли сталактитлар, тўпбаргул тарзидаги безаклар, мрамор ва фаянсдан ишланган садаф нақшлар билан безатилган.

Қадимий Ҳиндистон шаҳри-Аджантада (милоддан олдинги II–I асрларда) топилган деворий расмда маликани даволаётган табиб, бир гуруҳ сарой канизақлари ва хизматкорлар тасвирланган. Канизақлардан бири маликанинг оёғини уқалаш билан овора. Маликанинг ёнида ўтирган йигит-бу табиб. Қизиқ, у бошида мах-

сус ускуна кийиб олган. Канизакларнинг бири соябон, бири ойна, яна бири дори–дармон, шарбат суви кўтариб турибди. Хизмат кўрсатётган йигитлар эҳтимол эвнуқлардир. Маликани даволаш очик ҳавода кечмоқда [6].

Шундай қилиб, ўтмишда қурилган Ислом Шарки мамлакаларидаги жамоат шифохоналари бир ёки кўп ҳовлили иморатлар тарзида, улар таркибида эса беморлар учун ётиб ва қатнаб даволанадиган махсус хоналар, дорихоналар, ҳаммомлар, ошхоналар ва бошқа хоналар бўлган. Бинолари бир ёки икки қаватли қилиб қурилиб, ташқи кўринишидан кўпинча мадраса биносига ўхшаш бўлган.

Хулоса. Ўрта Осиёда жамоат шифохоналарининг қурилиш ва шаклланишида ислом динининг роли ва ўрни каттадир. Ўтмишда бундай шифохоналарнинг вужудга келиши исломий шариат ва тасаввуф ақоибларининг ҳукмдорларга пиру–устоз бўлишлиги, уларга ана шундай биноларни кўриш орқали халқ оммасининг ҳурматига сазовор бўлишликка даъватчилик ҳаракатлари катта аҳамият касб этган. Бу эса ўша даврлар ижтимоий ҳаётида ва ислом ҳукмдорлари фаолиятида эл–юрт тинчлиги, унинг осойишталиги ва, энг муҳими, инсоний кадрларнинг мустаҳкамлигини билдирган.

Ўрта Осиёдаги илк шифохоналар алоҳида бинолар тарзида XI аср бошларидан бошлаб шаклланган. Буларга мисол қилиб Самарқанд шифохонасини кўрсатиш мумкин. Шифохона-

лар вазифасига кўра, асосан, икки хил: жамоат шифохоналари ва хусусий (сарой, арк ва чорбоғлар қошидаги) шифохоналарга бўлинган. Ақли заиф ва оғир ногиронлар учун эса алоҳида шифохоналар ташкил этилиб, улар шаҳарлардан ташқарисида шакллантирилган.

Адабиётлар:

1. Аҳмад Муҳаммад, Мубашшир Аҳмад. Ислом ҳазораси.–Тошкент: “Мовароуннаҳр” нашриёти, 2004.
2. Беруний. Избранные произведения. Т. Памятники минувших поколений. –Ташкент, 1982.
3. Ибн Хордадбех. Книга путей и стран / пер. с арабского. коммен., исс., указ. и карты Наили Валихановой/. Баку, 1986.
4. Рашид–ад–дин. Сборник летописей. т.3. /Пер. с персидского А.К. Андерса/.–М.–Л., 1946.
5. Рашид–ад–дин. переписка/Пер., введение и комен. А.И. Фалиной/.–М., 1971.
6. Аҳмедов Б. Хондамир.–Тошкент, 1965.
7. Уралов А.С., Кадыров А.А. Строительство больничных учреждений в странах средневекового Востока. Медицинский журнал Узбекистана, 1989, №11.
8. Уралов А.С. Больничные учреждения средневековой Средней Азии.–Маскан, 1992, №1.
9. Getter Dieter. Zur Architecture islamischer Krankenhauser.–SYDHOFFS AKCHIV. Fiir Geschichte der Medizin und der naturivissrnschaften. Ban. 45 (1961).
10. Sami Hamarneh. Development of Hospitals in Islam.–Jouenal of the History of Medicine and Allied Sciences. Vol XVII, 1962, №3.

УДК 721.011

ИНДИВИДУАЛЬНОСТЬ АРХИТЕКТУРНОГО ОБЛИКА ГОРНЫХ ПОСЕЛЕНИЙ С ЕСТЕСТВЕННЫМ ЛАНДШАФТОМ В УСЛОВИЯХ УЗБЕКИСТАНА

Зубайдуллаев У. З., старший преподаватель

Самаркандский государственный архитектурно-строительный институт (Узбекистан)

O'zbekiston sharoitida tabiiy landshaftlarda joylashgan tog'li aholi punktlarining me'moriy ko'rinishining o'ziga xosligi

Maqolada milliy tog' arxitekturasi ahamiyati, an'analarni o'zaro ta'siri, davomiyligi va zamonaviy me'morchilik amaliyotida ularning ahamiyati sharoitida asl milliy me'morchilikning shakllanishi va rivojlanishining xususiyatlari ko'rsatilgan.

Kalit so'zlar: tog' landshaftlari, me'moriy ko'rinish, yashash muhiti, milliy arxitektura.

The peculiarity of the architectural appearance of mountainous settlements, located in natural landscapes in Uzbekistan

The article discusses the value of the national mountain architecture, shows the features of the formation and development of the original national architecture in the conditions of mutual influence and continuity of traditions and their significance in modern architectural practice.

Keywords: mountain landscape, architectural appearance, living environment, national architecture.

Опыт зодчества горных районов Узбекистана является коллективным творчеством многих

поколений, поэтому он может быть соотнесён с новыми требованиями жизни, новыми политическими и социальными идеалами. Сочетание современных тенденций формирования жилой среды с местными прогрессивными строительными традициями - основополагающий фактор дальнейшего развития инфраструктуры жилища в горных местностях. В этом плане формирование жилых образований в условиях горного Узбекистана является органическим продолжением и развитием местных традиций градостроения, сложившихся в результате длительного и сложного процесса развития, культурных контактов и взаимовлияний различных архитектурных школ и течений.

Древние зодчие чутко понимали единство своего творения и природы и в своей градостроительной деятельности интуитивно использовали принципы пластического взаимодействия архитектуры и природных форм, учитывали роль ландшафтных элементов. Современным архитекторам необходимо эти принципы из области народной интуиции, неосознанности превратить в сознательный художественный метод современного строительства в горных местностях.

Один из главных критериев в оценке современных поселений - наличие взаимосвязи с природным окружением. Традиционно в народном зодчестве это условие соблюдалось тактичным, органическим вторжением в окружающую среду. При этом природа, естественное окружение, ландшафт занимали ведущее место, а жилые здания, хозяйственно-бытовые и другие постройки - подчиненное.

Традиционные композиционные принципы взаимодействия застройки и природного окружения проявляются в следующем:

- максимальное сохранение естественного строения поверхности и растительности на склонах;
- масштабное соответствие форм рельефа и построек хозяйственного и жилого назначения;
- колористическое единство жилой застройки с окружающим ландшафтом;
- обеспечение визуальной связи жилой застройки с природным окружением.

Несмотря на огромное разнообразие объёмно-пространственных решений и индивидуальность архитектурного облика отдельных поселений, формирование их планировочных структур подчинялось определённым условиям и закономерностям, обусловленным строением рельефа местности. Образовавшиеся на этой основе композиционные структуры, включая линейную, компактную, лучевую и другие, могут быть предметом рассмотрения при форми-

ровании современных поселений в горной местности.

Вполне приемлемы в нынешних условиях традиционное зонирование территорий застройки на жилые и хозяйственные зоны, во многом продиктованные соображениями санитарной безопасности. В современной трактовке это может выражаться в разграничении зон селитебной и производственной, зон приложения труда и отдыха.

Изучение архитектурного наследия горных районов дало возможность выявить некоторые типологические закономерности формообразования народного жилища. В результате его исследования в различных ландшафтно-климатических зонах Узбекистана установлено, что воздействие природных условий подчинено единой закономерности - связи жилища, с окружающей средой.

В народе дом традиционном жилище горных районов Узбекистана всегда существовала главная проблема - нейтрализовать неблагоприятные погодные воздействия, создать оптимальные условия жизни в объёме жилого дома, в первую очередь, при помощи доступных средств архитектурной композиции, активного использования благоприятных природных особенностей для повышения комфортных качеств жилища.

Выработанные народными зодчими приёмы адаптации планировочных структур народного жилища к различным климатическим режимам эксплуатации требуют к себе более внимательного отношения со стороны проектировщиков при решении планировочных задач, оптимизации структуры жилища в различных ландшафтно-климатических зонах Республики Узбекистан.

Принимая во внимание слабую разработку вопросов градостроительства в горной местности, объёмно-пространственной организации жилого образования и дома в отдельности, возможно предложить для современной архитектурной практики ряд прогрессивных традиций, которые должны стимулировать новаторские поиски в направлении их творческого освоения:

- рациональное использование территорий, строительство поселений на непригодных для сельскохозяйственных нужд землях;
- гармоничная связь жилой застройки с естественным ландшафтом и элементам природной среды, сохранение естественного порядка природных образований;
- соподчиненность архитектурно-пространственной структуры горных поселений рельефным ситуациям, его формам и элементам;

- активное включение элементов природного ландшафта в общую объёмно-пространственную композицию;

- возведение двух и трехэтажных домов каскадно, с максимальным использованием прилегающего склона под застройку заглубленных в грунт жилых и хозяйственных построек;

- террасная организация застройки на склонах различной крутизны и экспозиции, использование принципа компактности;

- индивидуальность архитектурного облика каждого жилого образования, при принципиальной общности планировочного решения традиционного жилища, достигаемое разнообразием пропорций и вариантностью сочетания их объёмов;

- правдивое отражение структуры внутреннего пространства жилища в его внешнем облике, композиционное построение архитектурного объёма и фасадов в соответствии с характером и назначением помещений;

- планировочная цельность жилых образований с продуманными функциональными взаимосвязями между отдельными его частями и зонами, где жильё и хозяйственные постройки естественно составляют полноценный архитектурный организм;

- дифференциация летних помещений - композиционных и функциональных узлов горного жилища в зависимости от локальных особенностей климата;

- широкое использование богатых пластических свойств и фактуры местных строительных материалов (камня, глины, дерева и др.), художественно-декоративная обработка элементов жилища и конструкций (колонн, подбалок, ста-

вень и др.), повышающих эстетическую выразительность жилой среды.

Перед архитекторами, градостроителями, социологами, экономистами и другими специалистами стоят большие задачи по реализации национальной программы возрождения горных кишлаков и устойчивого развития всего горного региона. Горные районы Узбекистана имеют не только древнюю и самобытную архитектуру, но и до сих пор сохраняют специфику образа жизни и хозяйствования. Поэтому проектирование инфраструктуры жилища в этих районах требует от архитектора тщательного анализа и творческого осмысления многих не имеющих аналога вопросов.

Горы не любят неточности и не прощают даже малейшей оплошности. Здесь первостепенная задача - мягкое, гуманное отношение к природе и сомасштабность с окружающей средой. Горы осторожны и осмотрительны ко всему радикальному, и связь с историей является здесь традиционной. Поэтому современную архитектуру в горных районах надо развивать с позиций нового отношения к проблеме традиций и новаторства.

Литература:

1. Воронина В.Л. Народные традиции архитектуры Узбекистана. М., 1951.
2. Земельный кодекс республики Узбекистан.
3. Майкова В.Н. Художественная культура народного жилища Узбекистана. Ташкент. 1990.
4. Уринбаева М.Б. Традиции и преемственность интерьера жилых домов в Узбекистане. Ташкент. 1992.

УДК: 712.01

КРЕАТИВНЫЕ ЗАДАЧИ В ОБУЧЕНИИ ЛАНДШАФТНОМУ ПРОЕКТИРОВАНИЮ

Зубайдуллаев У. З. - старший преподаватель

Самаркандский государственный архитектурно-строительный институт (Узбекистан)

В статье рассматриваются проблемы развития инновационного подхода в постановке задач при проектировании открытых пространств. Отмечается важность поэтапного моделирования, которое помогает по новому увидеть и осмыслить проектируемое пространство, открывает возможности к широкой вариативности решений в ландшафтной архитектуре.

Ключевые слова: ландшафтная архитектура; ландшафтный дизайн; учебное проектирование.

Maqolada ochiq joylarni loyihalashda vazifalarni shakllan-tirishda innovatsion yondashuvni ishlab chiqish muammolari muhimlik qilinadi. Asta-sekinlik bilan modellashning ahamiyati, bu loyiha maydonini yangi shaklda ko'rish va anglash imkonini beradi, peyzaj me'morchiligida turli xil echimlar uchun imkoniyatlar ochadi.

Kalit so'zlar Landshaftlar arxitekturasi, landshaft dizayni, o'quv jarayonidagi loyihalash.

The article deals with the problems of developing an innovative approach in the formulation of tasks in the design of open spaces. The importance of step-by-step modeling, which helps to see and comprehend the projected space in a new way, opens up possibilities for a wide variety of solutions in landscape architecture.

Keywords: landscape architecture; landscape design; designing of educational process.

В последнее время в Узбекистане происходит качественное изменение в отношении к ландшафтному проектированию и дизайну. Мы все чаще ощущаем не просто спрос на проектирование ландшафта, а потребность в грамотной организации пространства, востребованность и необходимость в выдержанном стилевом решении. В современном ландшафтном решении должны быть объединены творческое начало, оригинальность композиции и грамотное техническое исполнение. Такое объединение задач требует «комплексного» специалиста, который с равным успехом разбирался бы в вопросах дизайна, дендрологии, агротехники. К сожалению, таких специалистов наши ВУЗы пока не выпускают, поэтому лучшие профессиональные ландшафтные объекты рождаются в сотрудничестве дизайнеров с архитекторами, дендрологами и другими смежными специалистами. Однако образная или артистичная трактовка ландшафтного дизайна вполне по силам студентам. Студенческие проекты по ландшафтному дизайну, конечно, не отвечают всем профессиональным требованиям, но в них может проявиться главное качество дизайнера как такового – концептуальность, способность моделировать пространство, артистизм, индивидуальность и креативность.

В архитектурной школе Самаркандского Государственного архитектурно-строительного института (СамГАСИ) метод макетирования и моделирования широко применяется в учебном архитектурном проектировании практически на всех курсах. Он помогает по-новому увидеть и осмыслить проектируемое пространство «цель образования – открывать перед студентами новые способы мышления и давать возможность по-новому оценивать и создавать архитектуру».

Макетирование и моделирование будущего пространства производится как в виде поискового макета, так и в виде компьютерных разработок. Создание поисковых моделей в ландшафтном проектировании преследует цели формирования различных композиционных структур с дальнейшей разработкой вариативных форм и пространств на их основе.

Значение использования метода моделирования в образовании будущих архитекторов трудно переоценить. Он позволяет методически грамотно и интересно построить учебный процесс, обучая студентов решать при этом целый комплекс задач, которые необходимы в архитектурной практике, концептуальном проектировании и обучении. Среди задач, лежащих «на поверхности» архитектурного творчества, можно выделить следующие:

Абстрагирование. Очень сложно выразить

абстрактными формами представление о реальности. Композиция не является копией реального пространства, а представляет собой самостоятельное произведение, выявляющее характер элементов и их взаиморасположение в пространстве. Композиционная модель является импровизацией на тему не только абстрактных объемов, но и абстрактных процессов, связанных единым пространственным сценарием.

Концептуальность позволяет студенту объединить процесс творчества и процесс его исследования. Концепция помогает выявить основную мысль, сформировать понятие будущего ландшафтного произведения без субъективных эмоций и вкусов, исследовать условия его социальной значимости, функционирования и эстетического восприятия. В концепции моделируются не только пространство и объемы, но и особенности их восприятия, их пространственная адаптация в среде.

Сценарное моделирование – это вполне конкретное программирование заданной «окраски» восприятия ландшафта как сценарного пространства. Сценарное моделирование помогает созданию эмоционально окрашенных городских пространств с сохранением устойчивых признаков выбранного места. Тематический сценарий рождается с учетом целого комплекса факторов. Среди них: физические размеры ландшафтного объекта, его вместимость, ландшафтные характеристики, градостроительное окружение, существующие традиции, память места и т. д.

В студенческом проектировании сценарное моделирование может происходить в несколько этапов:

- составление легенды – концепции заданного пространства;
- формирование ассоциативного ряда в виде коллажа;
- выявление на его основе знаков и символов, характеризующих заданное пространство;
- построение поисковой модели-макета с учетом выявленных знаков и символов.

Все ландшафтные композиции строятся в пространстве и во времени и развиваются в движении. Движение, или система связей, является основой композиции. При моделировании различают несколько принципиально разных типов организации пространства:

-закрываая, самодостаточная классическая композиция, характеризующаяся закрытостью границ, отсутствием внутреннего движения и противоречия элементов, иерархичностью членения пространств, четкой направленностью движения внутри пространства;

-открытая гибкая композиция пространства,

развитие которого ориентировано во внешнюю среду. Композиция характеризуется открытостью границ, отсутствием пространственной иерархии и развивается на основе группирования однотипных элементов;

-открытая универсальная композиция пространства без иерархии, строящаяся по принципу универсального движения и повторения приема организации системы прямоугольных перетекающих пространств;

-супрематическая художественная композиция, построенная на свободном экспериментальном взаиморасположении простых геометрических пространств и объемов.

Стилизация. В работе над ландшафтным проектом студент часто сталкивается с задачами выбора определенного стиля проектируемого пространства. Стиль в ландшафтном проектировании – это трактовка основных правил и приемов планировки, оборудования, колористики пространства и его связи с архитектурными сооружениями. Понятие стиля складывается прежде всего из мировоззрения, а потом уже конкретного планировочного решения, использования определенных растительных форм и их сочетаний, типа декоративного мощения и формы садового оборудования. В учебном проектировании, да и в практике ландшафтных архитекторов, чаще применим термин «стилизация» или целенаправленное воспроизведение чужого стиля как определенной эстетической и идеологической позиции в новом художественном контексте.

В каждой стране и историческом периоде стилевые особенности могут приобретать национальные черты, поскольку сад связан с бытом и жизнью общества и, несмотря на узкий прикладной характер, отражает общее состояние культуры общества. Как существует понятие национальной культуры, так существуют и национальные сады. Ярким примером такого подхода является стилизация японского сада (рис.4).

Одной из важных задач обучения ландшафтному проектированию является учет современных тенденций ландшафтного проектирования. Ландшафтная архитектура приобрела в последнее время функциональное, стилевое и художественное многообразие. Многие идеи и тенденции современного искусства начали активно проявляться в сфере ландшафтного проектирования. Поэтому, говоря о различных подходах проектирования городского ландшафта, нельзя исключить художественный подход проектирования пространства. Основная цель такого подхода – создание средствами художественной выразительности новых воз-

можностей формирования эстетически комфортного пространства с включением так называемых «арт-объектов» в среду обитания современного человека. Одной из попыток художника украсить городскую среду своими творениями является скульптура в городском ландшафте. Человек хочет видеть соразмерную ему скульптуру не в музее, а рядом с домом, на улице, в саду.

Произведения ведущих ландшафтных архитекторов и дизайнеров, отражающие основные современные направления, созданы в разных географических зонах, отличающихся по климату, рельефу, почвам, растительности; в разных странах с определенными сложившимися традициями и под влиянием самых разных воздействий и факторов. Однако всех их объединяет стойкая тенденция создания оригинальных, остро- современных, порой причудливых и вызывающе смелых решений, концептуальность и артистизм. Художественный образ ландшафтного объекта можно рассматривать как часть культуры общества на определенном этапе его развития, ведь вся история развития садово-паркового искусства представляет собой совокупность культур разных стран.

Изучение творчества известных ландшафтных архитекторов часто вдохновляет студента на поиск новых идей формирования функциональных и эстетически привлекательных пространств. Примеры инновационного подхода к проектированию можно найти в практике ведущих ландшафтных архитекторов мира. Спецификой ландшафтного проектирования является широкое использование растительного материала для создания композиций – это предъясвляет к обучению ландшафтному проектированию дополнительные требования по дендрологии, без знания которых работа по созданию оригинальных растительных композиций может быть обречена на провал.

Эти методы открывают богатые перспективы по решению большого круга важных и интересных проблем, решать которые придется новому поколению архитекторов и дизайнеров. Затронутые в статье тенденции, касающиеся обучения ландшафтному проектированию, лишь частично отражают существующие проблемы и богатейший арсенал средств их решения.

В итоге можно сделать заключение о том, что современная ландшафтная архитектура развивается в различных направлениях. И, следовательно, обучение ей должно строиться на учете современных тенденций в проектировании ландшафта и на решении нестандартных креативных задач в нестандартной ситуации. В

одном процессе мы наблюдаем два результата: изучение объективных закономерностей восприятия человеком архитектурного пространства и развитие объемно-пространственного мышления будущих проектировщиков, которые имеют огромное значение в творческой деятельности архитекторов.

Литература:

1. Адылова Л.А. Ландшафтная архитектура учебное пособие, Ташкент – 2009г.

2. К. Ж. Рахимов Современные направления в проектировании садов и парков Ташкент – 2016.

3. Шишкина Г.С. Ландшафтный дизайн на рубеже тысячелетий / Г.С. Шишкина // Ландшафтный дизайн. – 2000. – №

4. Лекарева Н.А. Ландшафтная архитектура и дизайн. Традиции и современность / Н.А.Лекарева. – Самара, 2005. – 220с.

5. Advanced architectural design //Abstract: Columbia Architecture Planning Preservation, – 2003. – № 2. – P.76.

УДК 72.7.02.7.04

ҚАДИМГИ ПАНДЖАКЕНТ СУҒДИЙ СЮЖЕТЛАРИ ЗОРО АСТРИЗМИ ИБОДАТХОНАЛАРИНИ ТАДҚИҚОТ ОБЪЕКТЛАРИ СИФАТИДА ЎРГАНИШ

Камалова Д.З.-phd(arch), доцент; Холодоров Х., магистрант
Самарқанд давлат архитектура қурилиш институти (Ўзбекистон)

The article summarizes the experience of the archaeological finds of the ancient Penjikent. In Sogd, a special type of buildings was developed, influenced by the architectural traditions of Bactria-Tokharistan, which, in turn, are closely linked to the cultural heritage of Greece and the ancient Near East. This allows us to consider the history of Sogdian temples an integral part of the history of world architecture.

Статья обобщает опыт археологических находок древнего Пенджикента. В Согде был выработан свой особый тип зданий, сложившихся под влиянием архитектурных традиций Бактрии – Тохаристана, которые, в свою очередь, тесно связаны с культурным наследием Греции и древнего Ближнего Востока. Это позволяет считать историю согдийских храмов составной частью истории всемирной архитектуры.

Ключевые слова: фрески, зороастризм, оссуарии, согдийские храмы.

Панджакент Суғдиёнанинг энг шарқий шаҳарларидан бўлиб, Самарқанд шаҳаридан икки кунлик қаров йулига тенг келадиган масофасига жойлашган. Уни баъзан “Шарқнинг қадимги” шаҳари деб аталади, лекин у энг катта шаҳар бўлмас ва ўзида қадимги рўзгор ва маданий ашёлари миқдори билан бутун Суғдиёнага нисбатан кўпроқ қазилмаларга эгадир, афросиёб шаҳарчаси эса унга умуман тенг кела олмайди. Панджакент қадимги қазилмаларини Ўзбекистон, Душанбе, Петербург музейларига олиб кетилган. Биз бу мақоламизда шу эски топилмалар жуда гўзал томонларини турли хил йўллардаги хусусиятларини кўриб чиқамиз. Панджакент аввалдан ҳам 6 аснинг энг катта бўлмаган бутун ён атроф ва қабристонлари билан бирга 13 гектар масофани эгаллаган бўлиб, бунда Афросиёб хатто бутун Самарқандни эгалламаган бўлса ҳам, Панджакент ундан 3 марта кичикдир. Панджакент шаҳри баланд тепаликда жойлашиб атрофлари жарқиклар билан қамраб олинган, унинг қирғоқида арк – қалъа жойлашган унг томондан жуда зич жойлашган аҳоли яшайдиган кварталлар бўлиб, кўп кўчалар усти ёпиқ бўлиб, бир икки дарахтлар эса 2 та ибодатхона ҳовлисида ўсар эди. Ислондан олдинги Суғдиёна ривожланиб, сомон ва хом ғиштдан қурилар эди. Ташқаридан кўримсиз, лекин ички жу-

да томони билан бежирим безатилган масжидлар қурилар эди[1].

Истарафшонда ислонгача бўлган даврларда барча ибодатхоналар, қасрлар ёки бой савдогарчилар уйлари бўладими, барчаси ташқаридан кўримсиз лойсувоқ саройлар қўрилишида бўлиб ичкараси жуда шоҳона безатилган ҳайкаллар ва фрескалардан тузилган эди. Панджакент Қадимги Тутанхамон мақбарасига ўхшаб, жаҳонга шунча археологик топилмаларни берганким, у фақат ўзининг ўлчами ва бойлиги қараб эмас, балким тасодифий сабаблар билан бошқа шаҳарларга қараганда кўпроқ сақланиб қолган. Археологик қазилмалар натижасида Панджакентда шаҳар худудида даврлари билан бир-бирига қараган. Зороастризм даври табиий офатларидан сақланиб қолган 2 та ибодатхона қолганлиги аниқлашган. Бу жуда маълум ҳодиса – чунки Суғдиёна давлати империя эмас, балким мустақкам бўлмаган хонликлардан ташкил топган бўлиб, Эрон зороастрийларининг мунтазам босимлари ва кучли таъсири остида қолиб келган эди. Лекин бу босим таъсири ижобий томони шундан иборатким, лашкарлар суғд аҳлини тинчлигини қўриқларди, улар эса савдо-сотик билан йулларда ўз бойликларини кўпайтирар эдилар. Бу ерда нисбий диний этикод озодлиги мавжуд эди. Зороастризм маҳаллий диний этикодни

йуқ қилмасдан, аста – секинлик билан сиқиб чиқарган ва Панджакентда то араблар босқинигача бўшлиқ ҳосил бўлган бойликларни толон торож қилиб, тупроқ уюмлари ва эскидан қолган фрагментларни қолдирдилар ва бу қолдиқлар ҳар хил давлатлардан келадиган археологларини кутмоқда эди. Панджакентдаги иккита ибодатхона ўзининг кўриниши билан Ўрта Осиё масжидларидан жуда ҳам кўп фарқ қилмас эди: майдонга безатилган айвон чиқар, унинг орқасидан иккита безак берилган ҳовли ва ғарб томонидан иккинчи ҳовлининг шарқда деворсиз ибодатхонаси жойлашган бўлиб, йиғилганлар олдида куёш нури билан ёритилган “сахна”да кохинлар сўзга чиқишар эди. Бу ерда икки тоифа одамлар – оқ суғдийлар ва буғдойранг турклар табиатнинг ўлик ва тирилиш ҳудодларга сиғинар эдилар. Саҳна орқасида кўримсизгина эшик, “авлиёлар авлиёси” бўлган илоҳий ҳайкалга йул очади ва у ер ҳамма вақт жуда қоронғи бўлар эди. Иккинчи ибодатхона эса то араблар истилосигача фаолият юритиб келган, чунки ундан кейин ҳеч нарса қолмаган эди. Ўша пайтларда Панджакент ҳуқумдори Деваштич бўлиб, баъзан араблар, баъзан кўчманчилар ёки хитойликлар билан бирлашиб, билимдонлик билан иш юритарди. Лекин шуниси ҳайратланарликим, Панджакент бир неча ўн йилликлар давомида зороастризм шаҳари бўлиб қолди, мисол учун 750 йилда бир бой савдогар ёки аристократнинг уйи қурилган бўлиб унинг жуда катта меҳмонхонаси Кўк кошона ёки Рустам кошонаси бўлган эди. Булар аввалдан ёниб кетган китобларнинг нусхаси эди. Унинг каттагина қисми Кўк фондда “Шоҳнома” асаридан олинган бўлиб, унинг қаҳрамони Рустамга бағишланган. Унинг остида, кўримсизгина эртақлар, ҳаётий кечинмалар, маданий кўриниш олган масалларидан тортиб, то Хўжа Насриддин ҳикоялари акс эттирилган. Одамлар акс эттирган киёфаларда тоби йуқлиги, қадимги Суғд, Ўрта Осиё мусурмонлигига кўра яқинроқ ва тушунарлироқдир. Суғдиёна жангарлар эмас, балки савдогарлар давлати эди ва ҳар хил топилмалар мавжуд эди. Зороастризм жуда ҳам яхши ва ёрқин эмаслиги, унинг ўликларни дафн маросимлари акс этган. Ўлик таналарни на оловга, на ерга бериш мумкин эмас эди. Шунинг учун ўлик таналарни Сукут сақлаш минорасига ҳайвонлар ва паррандалар учун қолдирилар эди. Кейин бу таналардан қолган суяклар ажратилиб олиниб, оксуарияларда жойлаштирилар эди ва суякларни биронтасини юқотиш ёмон хислат саналар эди. Шунинг учун бойроқ одамлар суякларни ажратиб олиш учун махсус

одамларни ёллашар эди. Бу жойларнинг мазорлари колумбарийлардан иборат бўлиб, бу суяклар билан Ўрта Осиё йирик музейлари тўлиб кетган. Оксуарий – бу шу ерлар қадимий фозовий бирликлари ҳисобланади [3]. Ўзининг ҳажми билан ёғочли барельефлар ва ҳайкаллар туради, булар урушлар ва вайроналар натижасида ўзгарган лекин ёниб қулга айланмаган чунки лой ва қумлар билан қўшилиб қолгандир. Буларнинг кўпчилиги бой одамларнинг уй ибодатхоналари ва катта залларида қолган. Суғдлар буюмларида Греция, Форслар, Ҳиндистон ва Хитойга таълуқли қисмлар мавжуддир, чунки тарихий чорраҳада жойлашган давлат учун хос бўлиб, савдо йуллари Белгиядан то Японияга тарқалган. Суғдийларда жуда бой Пантеон ва Бестиарий ва кўп афсонавий ҳайвонлар образлари бор эди. Одамлардан ва Адбоғ худоси ҳам шулар жумласидандир. Панджакент жанубий тепаликларда жойлашган Қайнар шаҳарчасида қазилма ишлари 1946 йилларда бошланган бўлиб, ҳозирги давргача давом этиб келмоқда. 770 йилларда Қайнар шаҳарчасида ҳаёт тухтаб қолганлиги тарихий манбалардан аниқланган, бу эса Зарафшон сувининг йуналиши ўзгарганлиги туфайли одамлар яқинда қурган янги уйлари ташлаб, пастликларга қараб йул олганлар. Қайнарғача етиб бориш унча ҳам қийин эмас, ҳар 10 – 20 дақиқада микроавтобуслар бозор томонидан қатнайди ва шаҳар марказидан пиёда ҳам 20 дақиқада етиб бориш мумкин. Қайнарға шаҳар марказидан баланд арк – қалъа шаҳар марказидан пастқамлик билан ажратиб туради. Тарихидан Панджакентда 3 та охириги ҳуқумдори маълум: Суғд – Чамукьян, Турк – Чечен Чор Бильге, у Бичутнинг ўғли ва бизга энди таниш бўлган Деваштич – Йодхештак ўғли бўлиб 708 – 22 йилларда ҳуқумронлик қилган. Арк – қалъа саройи фрескалари ҳаётий эпос ва қуймалардан иборатдир. Ўрта Осиё шаҳарчалари бизга маълум бўлганидек шаклсиз лой чалпак кўринишида бўлиб, қадимги шаҳар қолдиқлари эканлиги ҳамма ҳам ажрата олмайди. Шаҳар деворидан анча йироқда пастқамликдан иккита ибодатхона гумбазига олиб боровчи асосий кўча мавжуддир. Шаҳар кўриниши вайроналарга айланган. Бу ерларда юрган одамлар суяклари ҳам қолмаган. Одамлар оқ танли қора сочлари ва ажойиб номлари билан ҳамда “антик” гулли кўйлақларда юришар эди. Одalar туғилиб ўсар, ўлар, савдо билан шуғулланар, қарвон экспедицияларига ва урушларга борар эдилар. Худого сиғинар ва узоқ танишларига хатлар ёзишар эдилар. Кейинчалик юқолиб кетадилар. Туркистон тоғлари

этадиган Зарафшон дарёси жойланиб туради. Шаҳарчадан то Зарафшон қирғоқларигача маҳалла ва кварталлар жойлашган. Бир неча ўн йилликлар давомида, шаҳарчанинг фақат яримида жойланган 150 қурилмалар археологлар томонидан ўрганилиб чиқилган. Шунинг учун бу қолдиқлар Суғдиёнанинг ҳам кўп йуқолган сюжетларини тақдим этиш мумкин. Эслатиб ўтилган қурилмалар ва суғдий ибодатхоналари орасида хронологик узилиш бор, лекин баъзи ибодатхоналар жуда узоқ йиллар сақланиб қолган. Окса ибодатхонаси ўзгаришсиз бир неча юз йилликлар давомида архитектуравий кўринишда сақланган. Узоқроқда жойлашган ибодатхоналаридан одамлар ибодат қилиншар, бошқа мамалакатлардан келган қурувчилар ҳар хил давлатлар тажрибаларининг архитектура ва санъатида олдинги қадимий цивилизация анъаналари акс эттирилган [4]. Қадимги шарқ тажрибалари билан боғлиқ Суғдиёнанинг V-VI аср архитектура ёдгорликлари лойдан ва керамикадан ясалган ҳайкалида эллинизм таъсири бор эди. Панджакент ибодатхоналари архитектурасида маданий бино бўлиб, Ай – Ҳоним, Тати Сангина, Сурх Котале ва Дилбержин қабилар шулар жумласига киради. Бошқа суғдийлик ибодатхоналари – Еркурган ва Жар-

тепа шундан далолат берадики, Суғдиёнада ўзига хос шаклдаги бинолар, Бактрия – Тоҳаристон архитектуравий анъаналари таъсирида қурилган бўлиб, бу ўз навбатида Греция ва қадимги Яқин шарқ маданий бойликлари билан ҳамбарчас боғлиқдир. Бу эса суғдийлар ибодатхоналари бутун жаҳон архитектураси тарихининг асосий ташкилий қисми эканлигидан далолат беради.

Адабиётлар:

1. Рахматуллаев И. “Городище древнего Пенджикента первый археологический музей-заповедник Таджикистана”// «50 лет раскопок древнего Пенджикента»: (Тез.докл. научн. Конф.). - Пенджикент, 1997.
2. Распопова В.И. “Археологические данные о согдийской торговле”// КСИА.-М. 1973. Вып 138. - С. 79-86
3. Маршак Б.И., Распопова В.И. Отчет о раскопках городища древнего Пенджикента в 2002 году. СПб.,2003. - 57 с. 70 л. ил.-(Материалы Пенджикент. археол. экспедиции, Вып. 5.
4. Беленицкий А.М., Маршак Б.И., Распопова В.И. “Согдийский город в начале средних веков: (итоги и методы исследования древнего Пенджикента)” // СА. 1981. - №2. - С. 94-110.

УДК 725.573

ПРОБЛЕМЫ ПРИ РЕКОНСТРУКЦИИ ДЕТСКИХ САДОВ В ГОРОДЕ САМАРКАНДЕ (НА ПРИМЕРЕ ДЕТСКОГО САДА №64 ПО УЛИЦЕ БЕРУНИЙ)

Юлдашева М.К. и.о. доцент; Садикова Ш.Н. архитектор

Самаркандский государственный архитектурно строительный институт (Узбекистан)

В статье рассматриваются вопросы реконструкции существующих детских садов, их перепланировка функционально-планировочного решения и обновление образа по современным, инновационным требованиям.

Samarkand shahridagi bolalar bog'chalarini rekonstruksiya qilish bilan bog'liq muammolar (Beruniy ko'chasidagi №64 bolalar bog'chasi мисолида)

Mavjud bo'lgan bog'chalarni rekonstruksiya qilish,ularning funktsional rejalashtirish echimini qayta ishlash va zamonaviy, innovatsion talablarga mos-ravishda tasvirni yangilash bilan bog'liq.

Problems with the reconstruction of kindergartens in the city of Samarkand (such as Beruniy children link number 64)

The Article deals with the reconstruction of existing kindergartens, their redevelopment of a functionally planning solution and updating the image according to modern, innovative requirements.

Во исполнение Указа Президента Республики Узбекистан «О мерах по совершенствованию управления системой дошкольного образования» от 30 сентября 2017 года № УП-5198 и в целях дальнейшего расширения сети государственных и негосударственных дошкольных образовательных учреждений.

Дошкольное образование имеет важнейшее

значение в формировании гармонично развитой личности, поскольку знания и ценности, заложенные ребенку в дошкольном возрасте, определяют всю его последующую жизнь.

С учетом этого за прошедший период в Республике Узбекистан принят ряд нормативно-правовых актов и реализованы комплексные меры, направленные на развитие и эффектив-

ное функционирование дошкольного образования.

Изучение данной темы показало, что действующая система управления дошкольным образованием не позволяет своевременно выявлять и устранять имеющиеся проблемы, а также разрабатывать и внедрять инновационные решения для дальнейшего развития данной сферы.

Нынешнее состояние инфраструктуры и материально-технической базы дошкольных образовательных учреждений не позволяет обеспечить полный охват детей дошкольным образованием. Низкий уровень материального состояния государственных детских садов не позволяет создать комфортные условия для физического и умственного развития молодого поколения. Также отмечаются серьезные недостатки в организации продовольственного и материального обеспечения, медицинского обслуживания в дошкольных образовательных учреждениях.

Утверждение Кабинетом Министров Республики Узбекистан 15 января 2017 года программы действий по обеспечению благополучия детей Узбекистана и ее реализация на всех уровнях государственного управления при активной поддержке негосударственных, некоммерческих организаций также является важным шагом в данном направлении, что и является актуальной темой для научного исследования.

Архитектура детских садов должна быть как своеобразный стимул в воспитании и научном развитии в детях личность, заинтересовать, привить желание жить и радоваться окружающему миру.

Сегодня с уверенностью можно говорить о том, что в стране создана крепкая и устойчивая система законодательства о защите прав ребенка, что также подтверждается многочисленными мнениями и позитивными оценками известных международных организаций и экспертов.

Реконструкцией зданий и сооружений детских садов проводятся строительные работы в целях изменения существующих технико-экономических показателей и повышения эффективности их использования, предусматривающих реорганизацию объекта, изменение

габаритов и технических показателей, капитальное строительство, пристройки, надстройки, разборка и усиление несущих конструкций, переоборудование чердачного помещения под мансарду, строительство и переоборудование инженерных систем и коммуникаций и другие.

При реконструкции зданий детских садов в соответствии с действующими нормами проектирования могут осуществляться:

- изменение планировки помещений, не влияющее на прочность здания, а при наличии необходимых обоснований и согласований, возведение встроенно-пристроенных помещений;
- повышение уровня инженерного обеспечения, включая наружные сети (кроме магистральных);
- улучшение архитектурной выразительности зданий детских садов, а также благоустройство прилегающих территорий;
- улучшение качества и количества услуг детских садов.

Анализируя материалы по дошкольным детским учреждениям, нами был выбран существующий детский сад №64 в городе Самарканде, где инфраструктура не соответствует современным требованиям. Нами проделана реконструкция и сделано предложение по усовершенствованию его архитектурно-планировочного решения.

В планировочном отношении было добавлены игровые комнаты отдельно от спальных комнат, на первом этаже в блоке - перехода разместили пище блок. для удобства раздачи пищи, на 2 этаже над кухонным блоком расширили актовый зал для проведения общественных мероприятий, при входе в актовый зал есть уголки флоры и фауны. Уменьшилось количество групп, но увеличилось качество и комфорт в группах, а также сделан план благоустройства территории участка. Предложены летние теневые навесы на игровых площадках, обновлен фасад здания, с применением новых элементов и яркой колористики здания детского сада.

Выявленная проблема по реконструкции детских садов требует дальнейшего научного изучения в архитектурном направлении.



Литература:

1. Мирзиеев Ш.М. «О мерах по совершенствованию управления системой дошкольного образования». 2017г.

2. Убайдуллаев Х.М. Типология общественных зданий. Ташкент, 2002.

3. Ковальский Л.Н. Архитектура учебно-воспитательных зданий. Киев: Будильник, 1988.

UDK 734.129

O'RTA OSIYO SHAHARSOZLIGINING RIVOJLANISHI

Xidirov M.M., dotsent; **Narziev A.**, magistrant
Samarqand davlat arxitektura qurilish institute (O'zbekiston)

Развитие градостроительства Средней Азии

Формирование и многовековая история урбанизации Центральной Азии были изучены в ходе археологических раскопок и исследований. История развития градостроительства в Центральной Азии включает в себя период от самых ранних моделей развития городов, состоящих из простейших поселений, постепенно улучшающихся на протяжении веков до современных городов.

Development of urban planning in Central Asia

Formation and development of centuries-old history of Central Asian urbanization have been studied during archaeological excavations and scientific research. The history of development of Central Asian urban development includes the period from the earliest to the modern urban development patterns, consisting of caves and basements, gradually improving over centuries.

O'rta Osiyo shaharsozligining rivojlanishi

O'rta Osiyo shaharsozligining shakllanishi va ko'p asrlik rivojlanish tarixi arxeologik qazilmalar va ilmiy izlanishlar davomida o'rganilgan. O'rta Osiyo shaharsozligining rivojlanish tarixi asrlar davomida bosqichma bosqich mukammallashib g'orlar va chaylalar asosida tashkil topgan ilk manzilgoxlardan boshlab hozirgi zamonaviy shaharsozligi namunalari gacha bo'lgan davrni o'z ichiga olgan.

Odamlarni hayot uchun zarur bo'lgan moddiy taminlashning zaifligi odamlarni jamoa bo'lib yashash, mehnat qilishga da'vat etdi. Ular kuch birlikda ekanligini sezidilar va bu kuch ularni tabiat

sirlarini o'rganishga boshladi. Ana shu holat ularni jamoa bo'lib yashashlari va manzilgoxlarni shakllanishi uchun poydevor bo'ldi.

Ibtidoiy davr shaharsozligi va me'morchiligi

tarixi odamzod ongi va hissiyotini anglashi va rivojlanishidan boshlab dunyoda birinchi davlatlarning paydo bo'lishigacha bo'lgan davrni o'z ichiga oladi. Ibtidoiy jamoa davridan bizgacha yetib kelgan tarixiy dalillar - mehnat va ov qurollari, uy - anjom va bezak buyumlari, odamlar yashash manzil bo'laklari shaharsozligning moddiy va ma'naviy manbalari, ibtidoiy jamoaning shaharsozligi madaniyati haqida tasavvur hosil qilishga ko'maklashadi.

Ona zaminimiz bag'ridagi madaniy va moddiy yodgorliklar, odam va hayvonlar jasadining suyak qoldiqlari g'or va yerto'la devorlariga ishlangan rasm va bo'rtma tasvirlar ibtidoiy jamoa davri shaharsozligi va memorchiligi tarixini o'rganishning asosiy manbalaridan hisoblanadi. Shaharsozlig va me'morchilik ibtidoiy davr kishilari hayotida mehnat jarayonida paydo bo'ldi va shakllanib bordi.

Sayyoramizda birinchi shahar qayerda va qachon paydo bo'lgan degan savol haligacha javobsiz qolmoqda. Insonlar hayoti uchun zarur bo'gan turar - joylarni paydo bo'lishi va shakllanishi asrlar davomida hozirgi zamongacha davom etib kelmoqda va shu asosda shaharsozligi rivojlanmoqda.

Dastlabki shaharlar hunarning inson faoliyatining asosiy bo'lagi sifatida shakllana boshlagan davrda, jamiyatda mehnat taqsimoti vujudga kelishi natijasida rivojlanadi. Shaharni rivojlanishiga to'sqinlik qiluvchi tashqi omillardan himoyalash uchun harbiy istehkomlar (qal'a shaharlar) paydo bo'la boshladi. Mustahkam himoyaga ega bo'lgan shaharlarda savdo, hunarmandchilik, san'at, me'morchilik shakllana boshladi.

Shaharlar asrlar davomida rivojlanishi jamiyatning talab va extiyojlaridan kelib chiqib o'z ko'rinishini, sifatini, shaklini o'zgartirib borgan. Shakllangan shahar jamiyatning hayot tarzi va hayot kechirishi uchun qulay bo'lgan sharoitlarda rivojlanib brogan. Ijtimoiy va funktsional sharoitlar bilan bir qatorda geografik muhit va iqlim ham shahar shakllanishi va rivojlanishining muhim omiliga aylandi.

Geografik muhitning jamiyat taraqqiyoti va shu bilan birga shahar shakllanishi va rivojlanishiga ham tasiri katta. Chunki yashash uchun, dehqonchilik qilish uchun unumdor yer va suv albatta kerak. Shuning uchun shaharlar daryo va soylarning yaqinida serxosill yerlarda joylashgan. Geografik muhit, ya'ni tabiat sharoitlarining har xil xususiyatlari atrof-muhit shakllanishiga qattiq ta'sir qilishi mumkin, uning rivojlanishini tezlashtirishi yoki sekinlashtirishi mumkin. Qadimgi shahar - davlatlarning tashkil topishida

o'troq aholining dehqonchilik va hunarmandchilik xo'jaligi asosiy iqtisodiy omil bo'lib, ular dastlab atrof aholisi joylarining xo'jalik markazi, tuman, viloyat yoki ma'lum bir o'lkaning siyosiy, diniy va o'z-o'zini idora etuvchi tabaqalashgan jamoalarning ijtimoiy boshqaruv markazi, ya'ni ilk davlati bo'lgan. Shaharlarining tashkil topishida asosan jamiyat xo'jalik hayoti va u bilan bog'liq yana uch omil mavjudligi tarixan asos bo'ladi. Birinchisi — qulay tabiiy sharoit, ya'ni unumdor tuproq, suv va boshqa geografik omillar, ikkinchisi hosildor sug'orma dehqonchilik va uni ta'minlovchi agrotexnika. Bular shaharlarning paydo bo'lishidagi iqtisodiy omillar hisoblanadi. Uchinchisi, ana shu iqtisodiy omillar asosida vujudga kelgan tabaqalashgan jamiyatning diniy, harbiy va siyosiy jihatdan boshqaruv tizimi tug'ilishiga sharoit yaratilgan bo'lishi kerak, ya'ni iqtisodiy xayotda yuz bergan tub o'zgarishlar (dehqonchilikda sun'iy sug'orish sistemasining kashf etilishi, daryolardan katta kanallar orqali yangi yerlarga suv chiqarish, yerni ishlashda omoch va hayvon kuchidan foydalanash, hunarmandchilikning to'qimachilik sohasida yigiruv va to'quv dastgohining kashf etilishi, kulolchilikda charxning va murakkab xumdonning qashf etilishi, metall eritish va quyish usullarining kashf etilishi, uy hayvonlaridan transportda foydalanishga o'tish, qurilishda reja asosida uy-joy va monumental binolar qurishga o'tish, atrof-muhit haqida to'plangan bilimlar asosida astronomiya, astrologiya, quyosh soati, kalendar, murakkab hisoblash sistemasini ixtiro etish va boshqalar) tufayli ijtimoiy hayotda tabaqalanish yuz beradi. Ana shu tabaqalanish jarayoni ma'lum nuqtaga yetgach, jamiyatni boshqarish zaruriyati tug'iladi. Bu ijtimoiy omil edi. Qachonkim bu uch omil birgalikda mavjud bo'lishini keraklicha taminlaganligi va buning uchun tarixiy sharoit tug'ilgandagina qadimgi shaharlar va ular bazasida shahar-davlatlar paydo bo'ladi. O'rta Osiyo qadimgi shaharlari erta tashkil topishi va shakllanishi uchun yuqorida keltirilgan uchta omil yetarli bo'lgan.

Ilmiy manbalarga ko'ra, bir aholi yashash joyini shahar deb nomlanishi uchun jamiyat hayoti uchun muhim omillarning mavjudligi talab etiladi. Ya'ni shaharnig maydoni 5—6 ga aholi zich joylashgan bo'lishi, aholi yashash joylarining hamma tomondan mustahkam mudofaa devorlari bilan tashqi tasirlardan himoyalangan bo'lishi, shahar yuqori tabaqa va hokimlarining turar joylari oddiy aholi turar – joylaridan ajralib turishi, shahar hokimining baland poydevor (baland tepalik) ustiga qurilgan monumental qasri, shahar jamoa maydoni, ya'ni shahristonda shahar aholisining

barcha qatlamlari uchun xizmat qiluvchi muhaddas diniy markaz muhtasham mahobatli ibodatxona tashkil topgan bo'lishi, shahar iqtisodiy asosini ko'p tarmoqli hunarmandchilik va savdo-sotiq tashkil etgan bo'lishi, shahar ramzi va belgisi hisoblanmishmuhri, tug'rosi, mavjudligi va yana birqancha omillar ko'rsatilgan aholi yashash joylarini shahar deb nomlanishi ko'rastilgan.

O'rta Osiyo yerlari juda qadim zamonlardan boshlab asrlar davomida hayot manbai bo'lib kelmoqda. Yer kurrasining quruqliklarga ajralish jarayoni hamda nabotot va mavjudot olamining vujudga kelish jarayoni bu o'lkalarda ham o'ziga xos xususiyatlarga ega bo'lgan. Jumladan 40—20 mln yillar avval dengizlar qurib, quruqliklarning paydo bo'lish davrida Farg'ona vodiysi, Orolbo'yi havzalari (Oligosen va Neogen davrlarida) o'simliklar va hayvonot dunyosiga boy ekanligi olimlar tomonidan aniqlangan.[2] Ko'pgina olimlar bir qancha katta bo'lmagan (50—300 kishi yashagan) qarorgohlar eramizdan oldingi V—IV minginchi yillarda 100—200 kishi yashagan Qoratepa, Ko'ksur kabi markazlar vujudga kelganligini qayd etadilar. Eramidan oldingi III minginchi yillarda Oltintepa va Namozgohtepa qarorgohlarida 500—10000 aholi yashagan, ohangarlik va sopolsozlik markazlari vujudga kelgan. Bu davrga kelib ikki qatorli xumdonlar va sopolsozlik charxi paydo bo'ladi. O'rta Osiyoda Qadimgi sharqning o'ziga xos ilk jamiyatlari tashkil topa boshlaydi. Bu esa davlat shakllanishidan dalolat beradi. Asta-sekin diniy dunyoqarash shakllana boshlaydi. Masalan Oltintepada balandligi 12m va uzunligi 28m bo'lgan to'rt bosqichli (oshyonalik) minora bir qarashda Mesopotamiya bosqichli minoralari — zikkuratlarini eslatadi. Umuman olib qaralganda Oltintepa madaniyati juda katta badiiy xususiyatga ega. Xuddi shu davrda hozirgi Afg'oniston yerlaridan O'rta Osiyoga qalay olib kelinadi va bronza (brinji-jez) qotishmasini hosil qilish yo'llari izlab topiladi hamda uning misdan ko'ra mustahkamroqligi aniqlaniladi. Bronzaning kashf etilishi, dehhonchilik va chorvachilikniyag vujudga kelishi bularning barchasi F. Engels ta'biri bilan aytganda ilk ijtimoiy mehnatning taqsimlanishiga olib keladi.[3] Bu esa o'z navbatida quldorlik munosabatlari shakllanishiga va sinfiy jamiyatning barpo bo'lishiga olib keladi. Miloddan oldingi 2 ming yillikning oxirlari va 1 ming yillikning boshlari O'rta Osiyo tarixida quldorlik munosabatlarining yuzaga kelishi bilan belgilanadi. Amudaryoning quyi etaklarida, Farg'ona vodiysi va Zarafshon vohasida chorvachilik bilan shug'ullangan qabilalarning qarorgohlari ma'lum. Shu vaqtga qadar tuyalar uy

hayvonlari sifatida ma'lum bo'lgan bo'lsa, endilikda otdan ham shu maqsadlarda foydalanila boshlaydi. Miloddan oldingi X—VII asrlarda bir qator ish qurollari temirdan yasilib, yirik sug'orish inshootlari barpo etilganligi izlanishlar asosida aniqlangan. Mana shu davrga kelib quldorlik munosabatlariga asoslangan ilk davlat kurtaklari paydo bo'la boshlaydi. Bir-birovi blan yer va mulk talashgan qabilalarning o'zaro urushlari natijasida va yengilgan tomon odamlarining qul qilib olinishi arzon ish kuchini keltirib chiqaradi. Natijada ma'lum xalq—banda va uning hokimi xudo yuzaga keladi Bu esa eziluvchi va ezuvchi sinf munosabatlarini keltirib chiqaradi. Bu davrga kelib sug'orma dehqonchilik olib borilgan yerlar shimolga qarab kengayadi va ilk davlatchilikning shakllanishidagi dastlabki birlashmalar yuzaga keladi. O'rta Osiyoni yag shimolida va Sharqiy Eron da olov muqaddas hisoblanganligi miloddan oldingi 1 ming yillikning boshlariga to'g'ri keladi va bir necha yuz yildan so'ng Midiya va Fors davlatining boshqa yerlariga tarqaladi. Otashparastlarning muqaddas kitobi "Avesto" ayni shu paytda (m.o.X—IV asrlar) yozila boshlangan degan fikrlar bor. Chunki unda miloddan oldingi VI asrning ikkinchi yarmida shakllangan markazlashgan Eron davlati haqida hych handay gap yuritilmaydi. Atrek, Go'rgon, Qunduz, Murg'ob, Amudaryo va Zarafshon daryolari havzalarida bir hancha yurtlar yuzaga keladi. Miloddan oldingi X—VI asrlarda qadimgi G'irhoniya (Kaspiy dengizini janubi sharqiy qirg'oqlarida), Parfiya (hozirgi Turkmaniston janubida), Bular o'ziga xos viloyatlarni tashkil etadilar. Bundan tashqari qadimgi farg'ona (yunon tarixchilari sharhida Parakan — Parkanus) va qadimgi Xorazm mamlakatlari haqida ham ma'lumotlar bor.[4] Jumladan Abu Rayhon Beruniyning xabariga ko'ra Qadimgi Xorazm markazlashgan davlat bo'lib, u o'z davlat tiliga, hamda yil hisobiga ega bo'lgan, Iskandar Zulqarnayn (yoki Maqduniy va yana Aleksandr Makedonskiy miloddan oldingi IV asr) boshchiligidagi grek—makedoniya askarlari bostirib kelishganda mahalliy taqvim hisobi bilan X asr bo'lgan[5].

Adabiyotlar:

1. S.A. Masharipova san'at, arxitektura va shahar-sozlik tarixi. Toshkent - 2013 y
2. T. G. Maotinson. V poiskax drevnix ozyor Azii. L.: "Nauka", 1989, s. 155
3. V. M. Masson. Srednyaya Aziya v III—I tmsyachiletiyax do n. e., Istoriya drevnego Vostoka. M.: "Vishaya shkola", 1988, s. 283, 290.
4. Istoriya Uzbekskey SSR (s drepneyshix vremen do nashix dnei). Tashkent: Fan. 1974, s. 19.

5. S. P. Tolstov. Drevniy Xorezm. M.: MGU, 1948, s. 59—66.

УДК 711,553

КАРВОНСАРОЙЛАР МЕЪМОРЧИЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Хасанов А.О.

Тошкент архитектура қурилиш институти (Ўзбекистон)

Карвонсаройлар меъморчилигининг айрим жиҳатлари хусусида

Мақолада Буюк ипак йўли бўйлаб шаклланган карвонсаройларнинг фаолияти ва ривожланиш босқичлари тадқиқ этилган. Уларни қайта тиклаш ва замонавий авлодларини яратиш. Миллий услубдаги карвонсаройларни шакллантириш бўйича лойихавий таклифлар берилган.

Некоторые особенности зодчества каравансараев.

В статье рассмотрена история формирования и развития каравансараев, и некоторые вопросы их современного использования. Даны проектные предложения по созданию новых стоянок в стиле традиционных каравансараев.

About several types of caravanserais architecture.

In this article is considered history of the shaping and developments of caravanserais and some questions of their modern use. Design offers on creation of new parking in type of traditional caravanserais are given.


Ўзбекистон тарихий-жуғрофий жиҳатдан Буюк ипак йўлининг асосий йўналишлари ўтган ҳудудда, Евроосиё қитъаларининг муҳим транзит йўллари кесишган чорраҳада жойлашганлиги-унинг Шарқ ва Ғарб мамлакатлари билан ўзаро мулоқотга киришадиган маскан сифатидаги аҳамиятини оширувчи муҳим омиллардан ҳисобланади.

Дарвоқе, қайд қилиш лозимки, Буюк ипак йўли инсоният ривожланиши тарихида ўзининг бетакрор аҳамиятга эга бўлган феномен ҳисобланади. У турфа маданий қадриятларни ўзида сингдириб қатор мамлакатлар ва шаҳарларни бирлаштириб турган мамлакатлараро бозор вазифасини ўтаганлиги билан характерланади.

Мазкур ҳалқаро йўл бўйлаб шаклланган йўл бўйи хизмат кўрсатиш иншоотлари минтақадаги алоқа-коммуникация тизимининг муҳим таркибини ташкил этиб, уларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши ўзаро мос равишда бўлган. Нисбатан узоқ масофани пиёда босиб ўтишга мажбур бўлган қадимги қабилалар ҳудуддан-ҳудудга кўчишда, овчи гуруҳларининг кўп кунлик ов сафари даврида ва бошқа вазиятларда тўхташ жойларида ҳавфсизлик нуқтаи назаридан чайласимон иморатлар барпо этишган. Қисқа муддат фойдаланишга мўлжалланган бундай чайласимон иншоотларга йўл бўйи иншоотларининг илк кўриниши сифатида қараш мумкин. Ривожланган давлатларнинг вужудга келиши, жамият тараққиёти, қурилиш-меъморчилик соҳасида қўлга киритилган ютуқлар, савдо-сотикнинг раванқ топа бориши талаблари эса карвон йўллари бўйида махсус иншоотлар барпо этилишига ундовчи муҳим омиллар-

дан ҳисобланади. Демак, бундай иншоотлар дастлаб кудуқлар бўйида, тоғ доvonлари бошланадиган жойларда, дарё кечувлари яқинида муҳим, яъни зарурат туфайли ҳарбий-стратегик аҳамиятга эга йўллар йўналишида барпо этила бошланган. Мазкур йўл бўйи иншоотлари орасида барпо этилган карвонсаройлар ўзига хос аҳамиятга эга эканлиги билан ажралиб турган.

Таъбир жоиз бўлса, Ўзбекистон ҳудудининг тарихий шаҳарлари ва хусусан бу ўлка орқали ўтган Буюк ипак йўлини карвонсаройларсиз тасаввур қилиш қийин. “Карвонсарой” атамаси форсча бўлиб, унинг сўзма-сўз маъноси “карвон уйи”, яъни карвон йўллари ва шаҳарларда карвончилар ва савдогарларнинг тунаш ва савдо қилиш уйи тушунчаларини англатган.



1-расм. Туркманистондаги Доя хотин карвонсаройи тарҳи

Буюк ипак йўлининг шаклланиши ва ривожланиш даври мобайнида бу йўл бўйлаб карвонсаройлар, ҳазоралар, бозорлар, масжидлар, ҳонақоҳлар ҳаммомлар, сардобалар ва кўплаб бошқа иншоотлар барпо этилган. Ушбу йўл бўйи иншоотлари бир-биридан бир кунлик ҳамда бир ҳафталик карвон йўллари узоклигида, яъни марҳалаларда жойлашган¹.

Карвон йўллари ва умуман савдо-сотикнинг энг муҳим элементларидан бўлган карвонсаройлар тизими тузилишини ўрганиш, халқимизнинг бой меъморчилик тарихини ўрганишда муҳим аҳамиятга эгадир. Карвонсаройлар одатда савдо марказлари бўлган шаҳарларда, муҳим карвон йўллари бўйида барпо этилган бўлиб, улар тузилишига, ҳажмига ва айрим ҳолларда бажарадиган функцияларига кўра бир-биридан фарқ қилган. Шу боис ҳам карвонсаройлар турларига (типологияси) шарҳ берамиз.



Транзит йўллар бўйлаб шаклланган карвонсаройлар одатда “работ” деб номланган ҳамда у ерда нафақат савдогарлар ва уларнинг уловлари, балки зиёратчилар, саёҳатчилар, давлат арбоблари ва элчилар ҳам тўхтаб ўтишган. Шунинг учун работлар таркибида хўжалик ҳовлилари ва хоналари, оғилхоналар, омборхоналар, яшаш ҳовлиси ва хоналари, дам олиш хоналари, масжид, ошхона, сардоба ва бошқа зарур хоналардан ташқари кўшин ҳамда қоровулбошилар учун махсус хоналар қурилган.

Аксарият карвонсаройлар ўзининг катта-кичиклигига қараб бир, икки, уч ва ҳатто ундан ортиқ ҳовлилар ҳамда бир нечта кудук ва сардобаларга эга бўлган. Икки ва ундан ортиқ ҳовлили карвонсаройларда биринчи ёки иккинчи ҳовли хўжалик ҳовлиси ҳисобланса, бошқалари яшашга мўлжалланган. Барча хоналар ҳовли атрофида ёнма-ён тарзда ёки ҳовли билан долон (галерея) орқали боғланган тарзда жойлашган. Яшаш хоналари хужраларга долондан кирилган. Карвон йўлларида қурилган карвонсаройлар муҳофазаланган истехком кўринишида, таркибида миноралар ва масжид бўлишлиги билан ажралиб турса, шаҳарлардаги карвонсаройларда бундай қисмларнинг қурилишига эҳтиёж бўлмаган. Уларда, асосан меҳмонлар учун яшаш хужралари, савдогарлар учун хоналар, хўжалик хоналари - оғиллар,

омборхоналар, дўконлар бунёд этилган. Айрим карвонсаройлар ҳовлилари тарҳининг марказий композицион ўқларида айвонлар жойлаштирилган.

XI асрда Туркменистон ҳудудида қурилган Доя хотин карвонсаройи ана шундай тарҳга эга. Марв воҳасида ал-Асқар шаҳарчаси ёнидаги карвонсаройда ҳам хоналар олдида ана шундай айвонлар мавжуд бўлган.

Кўп ҳовлилик карвонсаройга мисол қилиб, замондошларини ҳайратга солган йирик йўл бўйи иншоотлари ичида Бухоро – Самарқанд йўлида, Кармана яқинида қурилган Работи Малик карвонсаройини кўрсатиш мумкин. Шунингдек, бу гуруҳга Султон Санжарнинг Марвдаги ноиб Абу Тоҳир ибн Саъд томонидан Нишопур – Марв йўлида барпо этилган ва энг маҳобатли ҳисобланган Работи Шариф карвонсаройи ҳамда Абдуллахон II томонидан Қоровулбозорда қурилган йирик карвонсарой ва бошқаларни киритиш мумкин.



2-расм. Работи Малик карвонсаройи

Работи Малик карвонсаройининг пештоқи, пойдеворлари ва унинг яқинидаги сардоба ҳозирги кунгача сақланиб қолган. XII асрда тикланган пештоқмонохрон, яъни бир тусли декор билан безатилган (ғиштли ва ўйма рельефлар). Шу асрдан бошлаб, йирик қалъалар сифатидаги работлар ўзининг вазифасини йўқота бошлади. Улар йўл олди меҳмонхоналари

¹ Марҳала—бу карвонларнинг бир кунлик босиб ўтган йўллари ҳисобланади. Яъни (ҳанафий уломалар наздида карвон қишда кун бўйи ўртача 8-соат юрадиган масофа)=29,568 км (16 мил), (жумҳур уломалар наздида карвонлар ёзда кун бўйи 12 соат юрадиган масофа)=44,352 км (24 мил), ҳисобга олинган.

хамда карвонсаройлар сифатида хизмат қила бошлади. Работи Малик (подшо қароргоҳи) улкан бино, яъни, томонлари 86 м. квадрат шаклида ҳамда отлар учун қурилган равоқли айвон (галерея)ларга эга бўлган. Унинг ортида ҳашаматли ҳовли жойлашган бўлиб, бу ердан энсиз ўтиш жойи орқали бош хонага олиб борилган. У Ўрта Осиёда энг йирик, бешта турли ҳашаматли ҳовлига эга Работи Малик карвонсаройи таркибида биз юқорида санаб ўтган хоналардан ташқари, бетоб меҳмонларга тиббий хизмат кўрсатиш хонаси (дормонгоҳ) ва йўловчиларнинг ғусл қилиб олишлари учун махсус ҳаммом ҳамда жамоатхоналар ҳам бўлган. Карвонсарой қошида унинг сардобаси жойлашган бўлиб, у бугунги кунда тўлиқ таъмирланган.

Кўпчилик карвонсаройларнинг тарҳи квадрат, тўғри тўртбурчак шаклларда, деворлари пишиқ ғиштдан ишланган. Айрим карвонсаройлар хом ғиштдан қурилиб, олд томони пишиқ ғишт билан пардозланган. Асосий кириш қисми пештоқ билан бўрттирилиб, тарзнинг ён томонлари гулдасталар билан безатилган. Тарзи ғиштин нақшлар ёки кошинурушлик билан пардозланган карвонсаройлар қурилган.



Работи малик карвонсаройининг ҳозирги кўриниши

Карвонсаройлар баъзан икки ошёна қилиб қурилган. Икки ошёналик карвонсаройлар кўпроқ шаҳарларга хосдир. Уларнинг кўпчилигида биринчи ошёнада дўконлар ва омборлар мавжуд бўлиб, савдогарлар савдо қилишган, иккинчи ошёнада эса хужралар жойлашган. Шунинг учун аксарият шаҳар карвонсаройлари бозорлар кўринишини олган ҳамда уларда асосан улгуржи савдо олиб борилган. Шаҳарлардаги карвонсаройлар усти ёпиқ бозор-тимлар, тоқлар ва савдо кўчалари билан бирлашиб, яхлит савдо иншоотлари ва бозорлар тизимини ташкил қилган.

Умуман олганда, ўрта асрларда карвон йўллари ҳамда савдо марказлари жойлашган шаҳарларда бунёд этилган карвонсаройлар ту-

зилиши жиҳатидан ўхшаш бўлиб, улар тўртбурчак шаклдаги ички ҳовлига (баъзи карвонсаройлар иккита ҳовлига эга бўлган) ва унинг атрофида жойлашган яшаш хоналари билан безатилган. Карвонсаройлардаги ички ҳовли бўйлаб айвонлар қурилгани, яъни йирик карвонсаройларда савдогарларнинг маҳсулотлари сақланадиган махсус хоналар ва масжид барпо этилган.² Шу билан бирга, карвонсаройлар тузилиши жиҳатидан айрим ҳолларда бири-биридан фарқланиши ҳамда, шаҳарлардаги карвонсаройлар ҳажми, меъморий безаклари ва бошқа хусусиятлари билан карвон йўллари бўйида қурилган карвонсаройлар ва работлардан ажралиб турган. Агар савдо йўллари бўйида қурилган карвонсаройлар ва работлар ичида уловлар учун мўлжалланган махсус отхоналар қурилган бўлса, йирик шаҳарларда асосий улов воситалари карвонсаройдан ташқарида, айрим ҳолларда эса озодалиқни сақлаш мақсадида, шаҳар ташқарисида жойлаштирилган.


Савдо-сотик ҳамда иқтисодий алоқаларнинг ривожланишига кўра, карвонсаройлар сони ҳам ошиб борган. Буни худуддаги айрим шаҳарлар, масалан, Бухоро хонлигининг маркази Бухоро, Қарши, ҳамда Шаҳрисабз ва бошқа шаҳарлар мисолида кўриш мумкин. Агар XIX аср бошларида Бухорода 14 та карвонсарой мавжуд бўлиб, асрнинг 60-йилларида улар сони 36 тага етди. XIX асрнинг 40-йиллари бошида Қаршида 3 та, 1863 йилда 10 та карвонсарой фаолият кўрсатган. XIX асрнинг 60-йилларида Шаҳрисабзда 7 та, Китобда 3 та карвонсарой бўлган бўлса, XX аср бошида Шаҳрисабздаги карвонсаройлар сони 28 тага, Китобда эса 6 тага етган. XIX асрда Қўқонда 6 та йирик бозорлар ва карвонсарой мавжуд бўлиб, уларнинг 4 таси кўшни давлатлардан келган савдогарларга тегишли бўлган³. Бу маълумотлар карвонсаройлар сони савдо-сотик ривожига мос бўлгани ва карвонсаройларнинг савдо-сотик билан боғлиқ функциялари ҳақида хулосалар чиқаришга имкон беради.

Карвонсаройлардаги хужраларда кўп ҳолларда 10 тадан 15 тагача йўловчилар яшаган. Шу тариқа карвонсаройлар нафақат савдо йўллари бўйида, балки савдо марказлари ҳисобланган шаҳарларда, йирик кишлоқлар ва

²Немцова Н.Б. По караванным дорогам Бухарской степи // Великий шелковый путь. Культура и традиции. Прошлое и настоящее: Материалы международной научно-теоритический конференции – Ташкент, 2006. – С. 139.

³Ў.М.Мавлонов. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари -Тошкент: академия нашриёти. 2008 й. 291-311-б.

кўрғонларда ҳам барпо этилган. Умуман олганда минтақамизда жойлашган ва бизнинг давримизгача сақланиб қолган йўл бўйи карвонсаройлари ва работлари асосан ўрта асрлар даврига оид бўлиб, улар одатда савдо карвонлари бир кунда босиб ўтадиган масофада, бири-бирдан 5-6 фарсах узокликда, яъни бир кунлик марҳалаларда қурилган. Фарсах – форсча фарсанг атамасининг арабча шакли. Тадқиқотчилар орасида 1 фарсах қанча масофани билдириши масаласида ягона фикр йўқ. Хусусан, фарсах карвонлар 1 соатда босиб ўтадиган масофа бўлиб, ўртача 5-7 км га тенг масофани ўз ичига олиши ҳақида фикрлар мавжуд.



Карвонсарой кўринишидаги катта ҳажмдаги дам олиш майдони лойиҳаси

Очиғини айтганда, бизнингча, ҳозирги давр талаблари асосида, яъни Ўзбекистон миллий автомагистрალი бўйлаб тарихий карвонсаройларимизни эслатувчи замонавий йўл инфратуз-

илмаси ҳамда сервиси мажмуаларини яратиш зарурати туғилмоқда. Шунинг учун ҳам, Ўзбекистон миллий автомагистралининг Навоий эркин индустриал иқтисодий зонаси, Жиззах ва Ангрен махсус индустриал зоналари атрофида карвонсаройлар типидagi йўл инфраструктура ва сервис мажмуаларини лойиҳалаш мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари, Буюк ипак йўли бўйлаб шаклланган ва ҳозирги кунга қадар сақланиб қолган сардоба, ҳовуз ва карвонсаройлар таъмирланиб ёки қайта тикланиб сервис объектлари билан мужассамлаштирилган, ҳамда жиҳозланган ҳолда фойдаланилса, ўйлаймизки катта иқтисодий самара ҳамда социал мукамалликка эришган бўлар эдик. Муҳими, карвонсаройлар меъморчилигининг кечаги ва бугунги бой тарихи билан транзит йўловчилар ҳамда туристларни тўлиқроқ таништириш имконияти яратилиб, мамлакатимизнинг ривожланган давлатлар сафига кириши омилларидан бирига айланмоқда.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан колсин. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 1994. 60-б.
2. Аҳмедов М.Қ., Хасанов А.О. Буюк ипак йўлида Ўзбек миллий автомагистралининг шаклланиш тарихи /“Меъморчилик ва қурилиш муаммолари” САМДАКИ. 2013. №2 30-б.
3. Уралов А.С., Қодирова Т.Ф. Ўрта осие архитектура ёдгорликларининг типологик асослари. Ўқув қўлланма. Тошкент 2011 й. 38-41-б.

УДК 72.025.4

МЕЪМОРИЙ ЁДГОРЛИКЛАРНИ ТАЪМИРЛАШНИНГ ТАРИХИЙ ШАКЛЛАНИШ АСОСЛАРИ

Абдураимов Ш.М., мустақил тадқиқотчи

Самарқанд давлат архитектура қурилиш институти (Ўзбекистон)

В статье рассмотрены исторические корни формирования принципов современной реставрации, возникновение интереса к памятникам архитектуры античности и средневековья, «стилистическая и археологическая реставрация», реставрационная теория конца XIX, XX и начала XXI вв.

Калит сўзлар: меъморий ёдгорликлар, ёдгорлик тушунчаси, меъморий ёдгорликларни таъмирлаш ва тиклаш тарихи, обидаларни таъмирлашнинг илмий-назарий асослари.

Меморий обидаларни таъмирлаш ва тиклаш, улардан замонавий мақсадларда фойдаланиш ҳозиргизамон архитектурашунослик илми ва амали-ётининг долзарб масалаларидан биридир. Бу борада меъморий ёдгорликларни таъмирлашнинг тарихий шаклланиш асосларини ўрганмасдан туриб, ушбу мураккаб ва республикамиз учун долзарб бўлган масалани ечишда самарага эришиш қийиндир.

Тарихий биноларга обида, яъни маданий мерос объекти сифатида қараш фикри Европанинг “Уйғониш даври”да юзага келади [1]. Бирок, бу даврда ҳали тарихий биноларни обида сифатида қадрлаш ва авайлаб-асраш қонуний кучга кирмаган эди. Оқибатда улар етарлича қадрланмади, баъзан ҳатто улардан қурилиш ашёси сифатида ҳам фойдаланилди.

Тарихий объектларга бўлган муносабат

XVII асрга келиб тубдан ўз-гаради, фандаги илмий тавсифлаш тамойиллари тарихий объектларга ҳам тадбиқ қилинади [2]. XVIII асрда Винкелман “Қадимиятнинг санъат тарихи” номли китобини ёзади. Бу даврга келиб шикастланган ёки бузилган меъморий обидаларни таъмирлаш алоҳида соҳа тарзида шаклланади. XIX асрда аввал Римдаги қисманбузилган Колизей иншооти, сўнгра Тит аркаси таъмирланади. Арканинг вайрон бўлган қисми жойига тикланиб, алоҳида ажратиб қўйилади. Бироқ, обидаларнинг асли қисмларига эҳтиёткорлик билан ёндошиш фақат антик обидаларгагина тегишли бўлган.

XIX аср ўртаси ва унинг иккинчи ярмида таъмирлаш ишлари ўрта аср обидаларини ҳам қамраб олади. Бироқ, Франциядаги инқилоб даврида обидаларга феодализм асорати сифатида қаралиб, кўп ҳолларда улар бузиб ташланади. Обидаларни бузишга қарши қонун Францияда расман 1793 йилда қабул қилинсада, баъзи ҳолларда уларнимустасно тарзда бузишга ҳам рухсат берилган [1].

Ўрта аср обидаларини таъмирлаш XIX аср бошидан амалга киради. Бу жараён турли мамлакатларда ўзгача бўлган. Англияда, масалан, таъмирланаётган обидалар асл ҳолига келтирилмай, фақат “яхшиланган” тузатилган. Францияда эса обида қисмлари эркин талқин қилинган ҳолда тикланган [3].

XIX аср ўртасига келиб таъмирлаш ишларида яна қатор муаммолар пайдо бўлади. Биринчиси, обиданинг қурилмай қолиб кетган ёки йўқ бўлиб кетган қисмларини қай даражада тиклаш масаласи бўлса, иккинчиси обидага кейинги даврларда қўшилган қисмларга меъморий муносабат эди. Бу муаммолар устида қизғин бахслар бўлади ва шу тарзда таъмирлаш назариясининг асослари шакллана боради. Инглиз адиби ва танқидчиси Жон Рёскин таъмирлашни ҳатто танқид қилиб чиқади. Унинг фикрича, “таъмирлаш ўрнига обидага мутасил қараб туриш, иложи бўлмаганда эса обида йўқ бўлаётганини кузатиш лозим” [1]. Француз археологи Адольф Дейрон эса “таъмирчининг ҳуқуқларини чеклаб туриш керак”, деб ҳисоблаган. У обидани кейинги қўшимчаларидан тозалаб “стилистик яхлитликка эришиш”ни ҳам қоралайди ва хатодан сақланишнинг биргина йўли ўрта аср обидаларини пухта ўрганиш, деб билади [2]. Аслиятга тақлид қилиш, ундан нусха олиш ҳам хатолар олдини олиш, деб тушунилади. Шу тариқа тарихий обидани унга “ўхшаш (аналоги) бўйича таъмирлаш” усули вужудга келади.

XIX аср ўртасида Европада “стилистик ёки

романтик таъмирлаш” усули кенг тарқалади [2]. Бироқ, аср охирига келиб, бу усулга норозилик пайдо бўлади, чунки бу усулда ёдгорлик ўрнига унга ташқи жиҳатдан ўхшаш бўлган янги бино вужудга келарди. Бу эса обиданинг тарихий қиммати ва аслигини йўқотиш билан баробар эди. Италиялик Камилло Бойто бунга муносабат билдириб, меъморий таъмирлашга қўйиладиган талабларни ўта қаттиқ қўяди: дастлабки ва кейинги қисмларни стилистик жиҳатдан фарқлаш, уларни турли ашёда ишлаш, янги киритилган қисмларда майда деталларни, чунончи нақшларни бермаслик, обиданинг таъмирланган қисмларини махсус белги ва ёзувлар билан ажратиб қўйиш, топилган қисмларни ёдгорлик олдида намойиш қилиш, ўтказилган таъмир тўғрисида махсус лавҳ ўрнатиб қўйиш, баённома тузиш, ўтказилган тадқиқий ва таъмир ишларини суратга олиб қўйиш, уларни чоп этиш ёки ёдгорликларнинг ўзида сақлаш, қабул қилинган ечимларни жамоатчиликка кенг овоза қилиш [3].

Австриялик Анолз Рнглининг фикрича, ёдгорликнинг фақатгина энг қадимги қисмлари эмас, балки ундан кейинги қисмлари ҳам қимматлидир. Бу эса таъмирчиликда “вақт чегараси” тушунчасининг англашилганлигини билдириб, ёдгорликлардаги кейинги ўзгаришларни ҳам сақлаб қолиш зарурлигини англатади. XX аср бошларида бу услуб “археологик” усул деб аталган. Археологик таъмирлашнинг асосий тамойилларини италиялик Густаво Жованони ишлаб чиқади [3] ва бу тамойиллар 1933 йилда Афинада ўтказилган халқаро архитекторлар конгрессида Ле Корбюзье ва Дьобинилар тайёрлаган “Таъмирлаш харитаси”нинг асосини ташкил қилган. Г. Жованони таъмирлашни беш турга ажратади: мустақамлаш (консервация), анастилоз, очиш, тўлдириш ва янгилаш [3]. Анастилоз деб обиданинг асл тош қурилмалари ва қисмларини ўз жойига ўрнатиб қўйиш назарда тутилган. Янгилаш деб таъмирлашнинг айнан ўзи эмас, балки уни утилитар мақсадларга “мослаштириш” тушунилан.

XX аср бошида Ўзбекистонда машҳур меъморий ёдгорликлар ва ман-зил гоҳлар халқ мулки деб эълон қилинган ва давлат назоратига олинган. 1920 йилда ёдгорликларни илмий ўрганиш ва таъмир этиш ишлари учун Туркистон осори-атика, санъат ва табиат ёдгорликларини муҳофаза қилиш қўмитаси-“Туркомстарис” ташкил этилган. Кейинроқ у “Средазкомстарис”, сўнгра “Узкомстарис” деб аталган. 1923 йил 8-мартда Туркистон Халқ Комиссарлари Советининг “Қадимият ва санъат ёдгорликларини ҳисобга олиш ва рўйхатдан ўтказиш

хақида”ги декрети эълон қилинган. Туркомстарис ва унда ишлаган мутахассис олимлар томонидан дастлаб меъморий ёдгорликларнинг муҳофаза рўйхатлари тузилган. Уларнинг баъзиларида биринчи навбатдаги тузатиш-таъмирлаш ишлари ўтказилган, улардан илгари ва улар билан баравар ўлчов чизмалари бажарилиб, археологик қазилма ишлари ва меъморий тадқиқотлар олиб борилган. Бу ишларда турли хил даврда В.Л.Вяткин, М.Ф.Мауэр, М. Е. Массон, Б. Н. Засыпкин, А. П. Удаленковнинг ўлчов ишлари, нақшинкор копланмалар ва ўймакор ишларни қайд этувчи рассомлар И. С. Казаков, А. В. Исупов, М. В. Столяровлар иштирок этганлар. Таъмир ишларини олиб боришга халқ усталари, меъмор-қурувчилар Абдуқодир Боқиев, Ширин Муродов, Юсуфали Мусаев, Болта Жураев, Жалол Жўраев, Қули Жалилов, меъморчилик, кошинкорлик ва таъмирлашда катта тажрибали усталар – Шамсиддин Ғофуров, Акрам Умаров, Ота Полвонов, Мирхамид Юнусов, Тошпўлат Арслонкулов ва бошқалар жалб қилинган.

Бу даврда Ўзбекистонда халқ усталарининг фаол иштироки билан маҳаллий таъмирлаш мактаби ташкил этилди ва шаклланди. Ёдгорликларни таъмирлаш, консервациялаш, муҳандислик жиҳатидан мустаҳкамлаш бўйича маълум анъаналар, қоидалар ва усуллар юзага келди.

Шундай қилиб, юқорида келтирилган маълумотлардан кўрдикки, тарихий биноларни маданий мерос объекти сифатида тан олиш, уларни таъмирлаш асосларининг шаклланиши ва бу соҳадаги илмий-назарий ва амалий ишлар узок тарихий йўлни босиб ўтиб, қизғин баҳс ва музокаралар асосида бизгача ривожланиб келган. Эндиги вазифа ана шу назария ва амалиётни, обидаларни таъмирлаш ва тиклашдаги анъанавий усуллар ва қоидаларни ўрганиш, уларни замонавий тажрибалар билан бойитиш, ривожлантириш ва такомиллаштиридан иборатдир.

Менинг архитектура бўйича фалсафа докторлигига ёзаётган диссертациям ҳам айнан ана

шу масалаларга, хусусан Самарқанд шаҳри миносида архитектура ёдгорликларини таъмирлаш ва қайта тиклашнинг асосий тамойилларини тадқиқ қилиш, ўрганиш ва аниқлашга қаратилган. Ушбу тадқиқотимдан кутилаётган амалий натижалар қуйидагилардан иборатдир:

- Ўзбекистон архитектура ёдгорликларини таъмирлаш ва қайта тиклашнинг замонавий тамойиллари аниқлаш;

- меъморий ёдгорликларни таъмирлашда, уларнинг конструктив мустаҳкамлигини сақлашнинг анъанавий усулларини аниқлаш;

Ушбу қарор билан Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан республика ҳудудлари бўйича аҳоли сонини, мавжуд деҳқон бозорларининг аҳоли пунктларига нисбатан жойлашув масофасини ҳисобга олган ҳолда тўрт типдаги гипермаркет, супермаркет ва минимаркетлар кўринишидаги, шунингдек уларга туташ майдонларда барпо этиладиган сэндвич-панеллардан кенг фойдаланилган енгил конструкцияли, вақтинчалик йиғма павильонлардан иборат замонавий савдо мажмуаларининг намунавий лойиҳалари ишлаб чиқилганлиги маълумот учун қабул қилиниб, қуйидаги:

Ҳозирда, Ўзбекистон вилоят марказларида савдо-маиший хизмат кўрсатиш мажмуаларига қаршли биноларини лойиҳалаш жараёнида ҳудуднинг табиий иқлим шароити ва рельефи асосида энергияни тежаш, имкони бўлса, энергоактив қурилмалардан фойдаланиш, марказга ташриф буюрувчилар ва харидорлар, шу марказда ишловчи ходимлар учун қулай шароитлар (бино атрофида боғлар, бино ичкарасида микроиқлимни) яратиш билан марказ ва унга оид биноларнинг ўзига хос кўринишини таъминлаш муаммоси муҳимдир.

Экотизимни ташкил этувчи ва замонавий жамоат бинолари учун энг муҳим бўлган ва унинг структурасини ҳосил қилувчи табиий-иқлимий жиҳатлари қуйидагилардир:

- бинолар ориентацияси ва конфигурациясини аниқлаш мақсадида вилоят марказларида лойиҳаланадиган ҳудуднинг иқлимий шароитини таҳлили;
- хоналарни, шу ҳисобда, ҳар бир иш жойини табиий ёруғлик билан таъминлаш;
- хоналарнинг табиий вентиляциясини таъминлаш;
- энергияни тежаш, иқлимий шаротига боғлиқ равишда бинони иситиш ва совутиш нуқтаи назаридан самарали лойиҳалаш ишларини бажариш;
- бинодаги микроиқлимни ташкиллаштиришда ўсимлик ва гуллардан кенг фойдаланиш;
- динамик адаптация асосида қурилган энергоактив биноларни қуриш қиради.

Савдо-маиший марказларни лойиҳалашда,

яна бир асосий эътибор бериладиган жиҳат, бу табиий ёритилганликдир. Ёруғлик муҳитини лойиҳалашда ишчи хонанинг табиий ёритилганлиги учта ўзаро боғланган компонентларини яъни, ташқи тўсиқ конструкциялари орқали ишчи хона фазосига кирувчи ёруғлик оқимини хона ичи текисликлари ва юзаларидан қайтувчи ёруғлик ҳамда хонадаги ёруғлик даражасини ҳисобга олишни талаб этади.

Савдо-маиший марказлари асосан, атриумли схемада лойиҳаланади. Бунда, табиий ёритилганлик муаммоси ишчи хоналарнинг чуқурлиги билан тўғридан-тўғри боғлиқлиги айниқса, биноларда жиддий кўриниш олади.

Одатий режа асосида амалиётда лойиҳаланадиган хоналарни ёритилганлик бўйича ҳисоблаш усуллари атриумли бинолар учун яроқсиз бўлиб қолади.

Чунки, атриумли биноларда нурлар ишчи юзага тушгунга қадар бир неча марта қайтарилади.

Шунинг учун, бундай биноларда чуқур бўлмаган хоналар периметри бўйича дераза ўринлари орқали ёритиш мумкин. Бунда, қўшимча ёритиш воситалари талаб этилмайди. Аксинча, чуқур бўлган хоналарда қисман табиий ёритилганлик ва қисман сунъий ёруғлик манбаларидан фойдаланиш (интеграл ёритишни қўллаш) самарали ҳисобланади.

Бунда оптимал иқтисодий самара олиш учун табиий ва сунъий ёруғлик ўзаро махсус бошқариш системаси орқали боғланиши керак. Бино структурасини энергияни тежовчи жиҳати сифатида аниқловчи электротехник концепцияни атриумли бино мисолида кўриб чиқамиз. Атриумли биноларни лойиҳалашда икки ҳодиса: оранжерея эффекти ва аэродинамик тортувчи куч эффекти учрашиб, улар қулайлик даражасини яхшилаши ёки ёмонлаштириши мумкин. Оранжерея эффектида-ёруғлик нурини ташкил этувчи қисқа тўлқинлар шишадан ўтиб интерьерни иситиб юбориши мумкин.

Шундай қилиб куёш иссиқлиги интерьерда тутилиб қолиши қишда ижобий рол ўйнаса, ёзда салбий эффектни ҳосил қилади. Ҳавони тортувчи куч ҳодисаси турли хил баландликда ҳаво босимининг фарқи билан аниқланади. Иссиқ ҳаво ёпиқ ҳажмда пастдан юқорига қараб ҳаракатланади. Бу тортувчи кучдан вентиляция-

яни таъминлаш учун самарали ишлатиш мумкин.

Бу икки ҳодиса Марказий Осиё худудида айниқса, кескин континентал (ёзи-жазирама иссиқ, қиши-совуқ) бўлган Ўзбекистон худудида сезиларли таъсирга эга, шу сабабли уларни жиддий ўрганиш ва лойиҳалаш жараёнида тўғри қўллаш ҳамда лойиҳаланаётган мажмуа марказларни иқлимий шароити учун ҳароратни тартибга олиб муаммоси анча жиддий масала бўлиб қолади.

Вилоят марказларида қуриладиган савдо-маиший марказлари аввало аҳоли сонини ошириб бориш даражаси, четдан кириб келадиган одамлар оқими эътиборга олинган ҳолда инфратузилмаси яратилмоғи лозим. Бунда коммунал, техник, тиббий, банк ва бошқа хизматлар яратилиши.

Келажакда аҳоли учун қулай савдо-маиший хизмат кўрсатиш мажмуалари уй-жой қурилиши, сув, электро-энергия ва газ билан таъминлашни яхшилаш, марказлаштирилган иситиш ва совутишни ташкил этиш, канализацияни ривожлантириш ишлари давом эттирилмоқда. Дунёнинг бир қанча ривожланган давлатларида барпо этилаётган савдо-маиший хизмат кўрсатиш мажмуалари, меҳмонхоналар ва шу каби бино ва иншоотларнинг замонавий архитектураси ҳамда ҳар томонлама оммабоплиги билан ажралиб келмоқда. Бундай мажмуалар нафақат инсонларга хизмат кўрсатиши, ўзининг замонавий архитектураси билан шаҳарнинг кўркига кўрк қўшмоқда. Келгусида марказлаштирилган савдо-маиший марказларни лойиҳалаштиришда жаҳон архитектураси ютуқлари ва янгиликларидан унумли фойдаланмоқ ҳамда уларни ривожлантирмоқ принципиал қоидага айланмоғи лозим.

Адабиётлар:

1. Адамович В.В. и др., Архитектурное проектирование общественных зданий и сооружений М., Стройиздат, 1984.
2. Урбах А.И., Хорошилов В.Б. Перспективы развития торговых центров городского значения. Обзорная информация. ВНИИТАГ, 1989, вып. 13;
3. Малиборская Г.М., Иванов С.В. Торговые центры и их оценка / под общ. Ред Я.И. Маркуса. Киев, 2008.

УДК: 72.032(575)

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИЙ ШАҲАРЛАРИНИНГ САРОЙЛАР АРХИТЕКТУРАСИ

Маликов У.Э. – мустақил тадқиқотчи

Самарқанд давлат архитектура қурилиш институти (Ўзбекистон)

В данной статье на основе исследования архитектуры дворцовых зданий античного, раннесредневекового и средневекового периодов Узбекистана выявлены общие закономерности развития архитектурно – композиционного решения этих сооружений.

In this article, on the basis of a study of the architecture of the palace buildings of the ancient, early medieval and medieval periods of Uzbekistan, the general patterns of the architectural and compositional solution of these buildings are revealed.

Саройлар архитектурасини шакллантиришда буюртмачилар ва меъморлар асосий эътиборни бинонинг маҳобати ва мунаққашлигига, сарой биносини атроф муҳитга уйғунлаштиришга, уни баландроқ табиий саҳнда ёки сунъий тепаликда жойлаштиришга ва ниҳоят, сарой биносининг мудофааланганлик даражасига қаратганлар. Сарой биноси архитектурасининг симметрик композицияда бўлишлиги, композициянинг яхлитлиги, меъморий шакллар пропорционалиги ҳам асосий талаблар қаторида бўлган.

Ўзбекистоннинг антик даври саройлари (мил.авв.IV – мил.IV аа.) архитектурасига хос хусусиятлар: атрофидаги иморатлардан ўзининг улканлиги ва маҳобати, ташқи муҳитдан берклиги, мудофааланганлиги, тарҳий симметриялилиги ва яхлитлиги, асосан ҳовлили – айвонли, айрим ҳолларда кўп заллили ва ҳовлили композициявий ечимларда шаклланганлиги, интерьерларидаги мунаққашлиги ва функциясидаги универсаллиги билан ажралиб турган. Бу давр саройларига хос режавий – композициявий элемент – бу турли хоналар ва каридорлар билан айлантирилган йирик зал ёки ҳовлидир (Бақтриядаги Айртгом форт – саройи ва Саксонохур сарой – эхроми, Согдианадаги Ерқўрғон саройи ва бош.) [1].

Илк ўрта асрлар саройлари архитектурасига хос хусусият шундаки, уларда асосий хоналар тўғри тўртбурчак тузилишда бўлган. Хона деворлари бўйлаб супа ўрнатилган. Хона шифтининг бир қисми антик даврагидек "чорхона" шаклида ёпилган [2]. Уларнинг асосий хоналари деворларида ҳар хил мавзудаги рангли тасвирлар ишланган. Шифтнинг марказий қатори ўртасидаги бўлинманинг "чорхона" услубида ёпилиши залга ёруғликнинг майин тарқалишига имкон берган. Ёруғлик тушадиган манба катта залнинг марказида жойлашиб, яхлит кўринишга эга бўлишига омил бўлган.

Амир Темур хукмронлиги даврида Шаҳрисабзда қурилган Оқсарой, Самарқанддаги Бўстонсарой, Кўксарой ҳамда Амир Темур боғларидаги кўплаб боғ-саройларининг меъморий тузилиши, архитектурасининг салобатлилиги ва мунаққашлиги, улардаги серҳашам безаклар ўзига хос нафислиги билан ажралиб турган.

М.Е.Массон ва Г.А.Пугаченкова ўрта аср

ёзма манбалари ва археологик тадқиқотлар маълумотларига асосланиб, 1950 йилда биринчи бўлиб Оқсарой қурилган ҳудуднинг бир – бири билан боғланган уч қисмдан иборат бўлгани, саройнинг ўзи эса икки қаватли бўлгани ҳақидаги фикрни билдиришган [3]. Сарой ҳовлиси безакларга бой галереялар билан айлантирилган, ҳовлида бир нечта ҳовузлар бўлган. Сарой хоналарининг поли турлича рангли, юзи сиркор нақшли плиткалар билан пардозланганки, улар яхлит бир кўп гулли рангдор гиламни эслатган. Х.Т.Султонов раҳбарлигидаги археологлар гуруҳи Оқсарой ҳудудидан 650 кв.м ана шундай сирланган рангдор плиткалар билан қопланган пол саҳнини топишган ва очишган [4].

Н.В.Гильманова саройнинг умумий энини 115 – 120 м, бўйлама ўқ бўйлаб узунлигини эса 240 – 250 м чамасида бўлган, деб ёзади [5]. Унинг фикрича, "саройнинг умумий ҳудуди учта ҳовлидан: маъмурий, истроҳат ва яшаш қисмларидан тузилган. Оқсаров тарҳи тўғри тўртбурчакли, сарой ичида жойлашган катта ва иккита кичик ҳовлилардан тузилган. Ҳовлилар марказида фавворалар ишлаб турган. Фаввораларни сув билан таъминлаш учун махсус қурилмалардан фойдаланилган. Сув аввал юқорига том устига ўрнатилган резервуарга ҳўкизлар ёрдамида ишга тушириладиган махсус механизмлар орқали чиқарилиб, сўнгра у ердан сопол қувурлар орқали фаввораларга ўз босими билан юборилган" [5]. Хуллас, Амир Темурнинг Шаҳрисабздаги Оқсаройи Ўрта Осиё тарихий саройлари ичида энг юксак мақом ва даражага эга бўлган.

Бухоро арки, Хивадаги Кўҳна арк, Қўқон ўрдаси ва бошқа хон саройларининг архитектурасида Самарқанд ва Фарғона меъморий мактаблари услублари ўз ифодасини топган. Уларда халқ усталарининг саройсозлик анъаналари, нақшинкорлик безаклари, миллий меъморий услублар намоён бўлган. Ситораи Мохи Хоса, Нуриллабой саройи, Романов саройида Европа ва миллий меъморлик анъаналари ўзаро уйғунлашган. XIX – аср охири – XX – аср бошларида кўҳна сарой биноларидан музей, кутубхона, дам олиш уйлари сифатида фойдаланилган.

Бухоро хонлиги боғ-саройлари Фарғона ва

Хоразм хонликлари боғ–саройларидан шаҳарлардан ташқарида, кенг ҳудудда, алоҳида боғ–ансамбл тарзида шаклланганлиги билан фарқ қилади. Бухоронинг охириги юз йиллик боғ–саройлари архитектурасида Европага хос қурилиш маданияти ўз аксини топган. Ширбудунда, Когонда ва Ситораи Моҳи – Хосадаги боғ–саройлар архитектурасида турли даврлар ва ўлкаларга хос боғ–паркчилик маданияти ўзаро қўшилиб кетган. Жумладан, уларда Ўрта Осиёга хос чорбоғ услуби, рус ва мавритания, готик ва маҳаллий бадиий унсурларни кузатиш мумкин.

Оддий бой хонадони, ҳоким ва катта ер эгаси бўлган феодал деҳқонларнинг кўшклари тузилиши жиҳатидан саройларга ўхшаб кетган. Улар фақат катта–кичиклиги, оддий ёки бой беага билан саройлардан фарқ қилади.

Бизнинг изланишларимизда Ўзбекистоннинг ўрта аср саройлари архитектураси Ўрта ва Яқин Шарқ ислом мамлакатлари саройлари билан таққосланган. Бунинг натижаси шуни кўрсатдики, Ўзбекистоннинг тарихий саройлари архитектурасининг шаклланишида ўтмишда Буюк Ипак йўли билан боғланган Шарқ мамлакатлари саройлари архитектурасининг тасири қай даражада бўлса, ўрта асрларда, айниқса Амир Темур ва Темурийлар даври саройсозлиги анъаналари ҳам Ўрта Шарқ мамлакатлари, хусусан Афғонистон, Шимолий Ҳиндистон саройлари архитектурасига ўшанчалик даражада тасир кўрсатган. Аградаги Тожи – Маҳал сарой макбара боғи, Шоҳжаҳонободдаги Шоҳжаҳон саройи, Эрондаги Исфохон “Шаҳарбоғ” меъморий ландшафт мажмуалари таркибидаги сарой боғлари бунинг исботидир.

Ўзбекистон тарихий шаҳарларидаги саройларни комплекс тарзда меъморий–типологик, ғоявий–мазмуний, функционал, ҳажм–фазовий, бадиий декоратив ва архитектоник ўрганиш асосида уларни меъморий шакл–лантиришда қуйидаги **қонуниятлар ва услублар, меъморий композициявий ечимлар** қўлланилганлиги аниқланди:

- Саройлар тархининг тўғри тўртбурчакли, бир ва кўп ҳовлили, айрим ҳолларда квадрат ихчам, бўйлама ўқ бўйлаб симметрик композицияларда қурилиши;

- Саройлар атрофининг, одатда, буржли му-

дофаа истехком деворлари билан ўралиши, сарой бош дарвозасининг маҳобатли пешток билан бўрттирилиши;

- Сарой биносининг баланд тагкурси устига қурилиши;

- Антик ва илк ўрта асрлар давридаги саройлар асосий залининг марказий қисми шифтининг “чорхона” услубда ёпилиши;

- Саройлар экстерьерларига хос салобатлик, мужассамлик ва композициявий яхлитлик;

- Интерьерларга хос тантанаворлик, ҳашаматлилик, маҳобатли дево-рий расмларнинг кўплилиги;

- Интерьерлар деворларининг безаклари бир неча қатор (одатда 2–3 ярус)ларга бўлиб ишланиши;

- Саройлар атрофи ва ҳовлисининг гўзал боғ, чорбоғ, чорчаманлар тарзида ободонлаштирилиши ва кўкаламзорлаштирилиши;

- Сарой бинолари ва уларнинг ҳовли ҳудудида сув ва соя композицияси, микроклим ландшафти, меъморий шакллар ва артоф муҳит уйғунлиги ва масштаблилигининг таъминланиши.

Саройлар архитектурасининг шаклланишида юқорида тилга олинганлардан ташқари энг муқим, меъморий анъаналар турғунлиги, маҳаллий табиий–иқлим шароитлари, диний, ижтимоий ва ахлоқий кадриятлар, урф–одатлар ҳам ўз аксини топган. Масалан, Ўрта Осиё саройлари архитектурасида иссиқ ва қуруқ иқлимли Ислон шарқи мамлакатлари меъморчилигига хос жаннатмакон ҳовлилик, ички ва ташқи ҳовлилар феномени ва айвонлар, шийпонлар, кўшк шакллари, ҳовузлар, фавворалар, боғлар, боғ–саройлар, сайргоҳлар, гулзорлар, чаманлар ўз аксини топган.

Адабиётлар:

1. Нурмухамедова Ш. Закономерности и стилевые особенности архитектуры Узбекистана античного периода. – Т., 2018.

2. Нозилов Д.А. Шўрта Осиё меъморчилигида интерьер. – Т., 2005.

3. Массон М.Е., Пугаченкова Г.А. Шаҳрисабз при Темуре и Улугбеке. //Труды СамГУ. – Т., 1953.

4. Султонов Х.Т. Шаҳрисабз. – Т., 1993.

5. Гилманова Н.В. Архитектура Темуридов и Бобуридов отраженная в миниатюре. – Т., 2019.

УДК: 72.032(575)

ЎРТА ОСИЁ ШАҲАРЛАРИ ТАРИХИЙ САРОЙЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ЭВОЛЮЦИЯСИ

Маликов У.Э. – мустақил тадқиқотчи

Самарқанд давлат архитектура қурилиш институти (Ўзбекистон)

В статье на основе анализа античного, ранне средневекового и средневекового периодов, а также периода ханства в Средней Азии раскрыта эволюция формирования дворцовых зданий в исторических городах Узбекистана.

Based on the analysis of the ancient, earlier medieval and medieval period, as well as the khanate period in Central Asia, the article reveals the evolution of the formation of palace buildings in the historical cities of Uzbekistan.

Ўрта Осиё ва Ўзбекистон тарихий шаҳарлари архитектурасида ва, умуман, тезкор ривожланаётган Мустақиллик йилларининг замонавий архитектурасида ҳам саройлар меъморчилиги ва сарой бинолари мажмуа-ларининг роли ва ўрни каттадир. Айнан ана шундай бинолар ўз даврларининг муҳандислик қурилиш санъати, архитектураси, шаҳарсозлиги, халқ амалий ва безакчилик санъати соҳаларидаги энг муқим илғор анъаналар ва бадиий –эстетик дунёқарашларни ўзида намоён этган. Бирок, Ўрта Осиё олимлари томонидан мазкур мавзу бўйича бирон – бир жиддий тадқиқотлар олиб борилмаган. Биз мазкур мақолада ушбу муаммонинг бир қиррасига, яъни тарихий саройлар шаклланишининг ривожланиш жараёнларига тўхтаб ўтмоқчимиз.

Сарой деб дастлаб ҳукмдорларнинг қароргоҳлари ҳисобланган ҳашаматли ва маҳобатли улкан бино ёки қасрларга айтилган. Кейинчалик асрлар давомида ҳовлили турли серҳашам бинолар ҳам сарой номини олган.

Сарой атамасининг архетипик аҳамиятига эътибор берадиган бўлсак, унга кўра “сарой” сўзи аслда иккита иборадан: форсча “сар” –бош, яъни катта, “ой” –бу туркча “эв”, яъни уй сўзининг “сар”га қўшиб ўзгартириб айтилишидир. Демак, сарой деганда биз ҳар қандай уйни эмас, балки бош ёки катта уйни тушунишимиз тўғридир. Сарой сўзининг этимологиясида симбиоз мавжуд бўлиб, унинг таркибида турар жой (хусусийлик) ва бошқарув жамоавийлик функциялари ётади. Шунинг учун ҳам сарой бинолари кўп асрлик шаклланиш ва ривожланиш давомида ўзининг типологик архитектуравий анъаналарини асрлар оша йўқотмаган, балки такомиллаштирган. Сарой ўзининг этимологик негизини, яъни бош уйлик аҳамиятини турғун ҳолда сақлаб қолган ва турли шарқ халқларида арк, қалъа, қаср, ўрда (орда) сўзлари билан ҳам айтилиб келган.

Дастлабки сароймонанд иморатлар Ўрта Осиёда бронза даври шаҳарларида юзага келди [1]. Антик даврлар (мил.авв.IV а. – мил.IV а.) ларга келиб саройлар Хоразм худудида (Гаур – қалъа, Тупроқ – қалъа), шунингдек Бактрияда (Ай – Ханум, Саксонохур, Зартепа, Холчаён) ва Согдианада ҳам (Еркўрғон) шакллана бошлайди. Ўрта асрларга келиб сарой

иморатларининг сони “маъмурий бошқарув маркази” сифатини олиб орта боради, улар Пенжикент, Будикат, Кофир – қалъа, Варахша ва бошқа шаҳарларда ҳам қурилади [1].

Турли хил тарихий жараёнлар даврида саройлар функцияси ўзгариб турган. Антик даврларда, масалан, саройлар мураккаб режавий ечимларда ва турли мақсадлар учун қурилиб, ўзига тураржой ва маъмурий бошқарув функциясини (Ай - Ханум маъмурий - сарой биноси, Айртом форт – саройи) ҳамда ибодат (Саксонохур ва Елхарас сарой – ибодатхона комплекслари) функцияларини бирлаштирган [2]. Кейинроқ ўрта асрларда саройлар ҳукмдорларнинг маъмурий – бошқарув қароргоҳи ва истироҳатига айлана боради ва шунга мос равишда ҳукмдорнинг қишги (шаҳардаги саройи) ва ёзги (шаҳардан ташқаридаги) саройларига бўлинади. Ҳукмдорнинг шаҳар саройи, одатда, шаҳарнинг бошқа иморатларидан каттароқ, баландроқ, салобатлироқ ва кенг худудли қилиб қурилган. Саройлар учун асосан ташқаридан ёпик ҳовлили – айвонли кўп устунли залларга эга композиция қўлланилган(Кўзали қир, Қалъали қир ва Тупроқ – қалъа). Сарой ҳовлилари бир – икки, уч ҳовлили ва ташқи ҳовлиларга бўлинган.

Ўзбекистон худудидаги бизгача ўрганилган ва илму–фанга маълум илк ўта аср саройларига Бухородаги Варахша, Самарқанддаги Афросиёб, Сурхондарёдаги Холчаён саройлари кирди. Бу саройлар археологик ёдгорликлар ҳисобланиб, уларнинг харобалари бизгача сақланиб қолган.

Холчаён саройлар мажмуаси бир нечта тепаликлар устига қурилган бўлиб, улкан меъмурий–шаҳарсозлик мажмуаси кўринишидаги иморат-лардан тузилган. Қадимги саройларнинг марказий зали “чорхона” услубида ёпилган, залларининг ичига деворлар бўйлаб пол устига супалар ўрнатилган [3]. Саройларнинг мудофаа деворлари бўлиб, улар, одатда, пахсадан, ички заллар эса йирик хом ғиштлардан, айвонлар ёғоч устунлардан, тақкурсилар табиий тошлардан ишланган. Илк Ўрта аср саройларининг деворлари маҳобатли суръатлар, ҳайкаллар, гулли нақшлар, тоқчалар билан безатилган [3].

Варахша ҳукмдорининг саройи Шарқий ва

Ғарбий меҳмонхоналар ва Қизил хона (заллар)дан иборат бўлган. Сарой ғарб томондан 3 равоқли ганчкори устунлар ўрнатилган ҳашаматли пешайвон билан ўралган. Айвон равоқларининг устунлари ва тоқилари ганчкори қабартма тасвирлар ҳамда турли хил гирихлар билан безатилган. Саройнинг Қизил хона ва Шарқий меҳмонхоналари тўла кавлаб очилган. Хона деворлари майда сомонли лой сувоқ устидан юпқа ганч сувоқ қилиниб, деворий расмлар қизил, сарик, кулранг, қора, зангори, пушти ва жигарранг бўёқлар билан безатилган [3].

Саройларни қуриш учун атроф муҳити кенг, хушхаво, серсув, ландшафти манзарали нисбатан текис бўлган жойлар танланган. Бундай сифатларга эга жойлар етишмаганда, улар сунъий тарзда чаман ва сўлим боғлар кўринишида яратилган. Амир Темур ва Темурийлар қурдирган, сўнгра Ўрта Осиёда хонликлар даврида яратилган боғ – саройлар бунинг исботидир.

Амир Темурнинг Шаҳрисабзда қурган оксаройи ҳақидаги маълумотлар етарлича, бироқ унинг Самарқанддаги Арк – қалъаси ҳудудида қурилган Кўксарой ва Бўстонсаройлар ҳақида маълумотлар жуда кам. Кўксаройнинг гумбази феруза рангда бўлганидан у Кўксарой номини олгани. Аслида унинг ҳукуматнинг расмий ишларига мўлжаллангани, тўрт қаватли бўлгани, таркибида қабул зали, расмий фармойишларни эълон қилиш зали ва улкан ҳовлиси, масжид, кутубхона, шифоҳона, хазина ва бошқа хоналар бўлгани манбалардан маълум. Бўстонсарой эса Амир Темурнинг оиласи яшайдиган саройи ва ҳарамни ҳисобланган. Бўстонсарой сўзининг арабчада боғзор маъносини билдиришини ҳисобга олсак, ушбу сарой атрофи ва ичидаги ҳовлиларда боғ бўлганлигини фаҳмлаш мумкин. Ушбу икки сарой орасида уларни боғловчи хиёбон, чаманлар ва ҳовуз бўлганлиги эҳтимолдан холи эмас.

Хоразм ҳукумдорларининг ҳамда Бухородаги Убайдуллахон ва Абдуллахонларнинг саройлари шаҳар ташқарисида боғ ичида жойлашгани учун уларни “чорбоғ” ҳам дейишган [4]. Ушбу боғларнинг мунтазам режаси ва саройларининг шакллари Темур боғларининг композицияси аънаналарига асосланган.

Саройлар ва сарой мажмуалари ўтмишда ҳатто шаҳарларни ташкил этувчи зарур тарихий атрибутлар қаторига кириб, шаҳарларнинг энг ишончли меъзонларидан бири ҳисобланган [5]. Шаҳарлар ҳали икки қисм: арк – қалъа ва шаҳристондан иборат бўлган пайтларда ҳам

арк – қалъанинг асосий ҳудудини сарой иморатлари эгаллаган.

Ўрта Осиё тарихий шаҳарларидаги саройларнинг хронологик шаклланишини ўрганиш натижасида улар архитектурасининг қадимги даврлар (мил. авв. IV аср - мил. IV асрлар)дан бошлаб илк ўрта ва Ислом даври, ўрта асрлар (Қорахонийлар, Темурийлар), хонликлар ва Чор Россияси колониал даври узра ўтиб, собиқ Иттифоқ давригача шаклланиб тараққий этганлиги аниқланди, тарихий тизимга солинди ва асослаб берилди. Ҳар бир даврнинг сарой бинолари ва мажмуаларига хос архитектуравий ҳажм-фазовий ва меъморий-режавий хусусиятлари аниқланди.

Сарой мажмуалари ва улар архитектураси ва умуман саройларнинг мавжудлиги тарихий шаҳарлар структуравий тузилмасининг муҳим атрибутлари қаторига кирган. Бундан ташқари сарой мажмуалари, арк ва қалъалар меъморий сифатларининг энг муҳим белгиларидан бири, уни ўраб турган ташки девор ва мудофаанинг мавжудлигидир. Таъкидлаш жоизки, арк ёки қалъа бу саройнинг ўзи эмас, сарой арк ва қалъа таркибининг энг муҳим иморатидир.

Тарихий **саройларнинг шаклланиши, ривожланиш эволюцияси** ва архитектурасини тадқиқ қилиш асосида шу нарса аниқландики, сарой бинолари ва мажмуаларининг архитектураси инсоният тамаддунида ўзининг етакчи ўринни эгаллаши билан бирга кенг жамоатчиликни ўзига бўйсиндирувчи бошқарув объекти сифатида макон ва замонда санъат, меъморчилик, қурилиш ва халқ амалий санъатига хос юксак чўққиларни ўзида акс эттира олган. Шунинг учун ҳам саройлар архитектурасини улар яратилган даврлардаги ҳокимият бойлиги ва халқ маданиятининг кўзгуси деб тушуниш мумкин. Айнан шу сабабли саройлар архитектурасида ўзига хос маҳобатлилик, ҳашаматлилик, куч-қудрат, бойлик ва адолатлилик рамзлари шаклланган.

Адабиётлар:

1. Нурмухаммедова Ш. Закономерности и стилевые особенности архитектуры Узбекистана античного периода. – Т., 2018.
2. Сулейманов Р.Х. Древний Нахшаб. Проблемы цивилизации Узбекистана VII в. до н.э. – VII в. н.э. – Самарқанд – Ташкент, 2000.
3. Нозилов Д.А. Марказий Осиё меъморчилигида интерьер. – Т., 2005.
4. Аскарлов Ш.Д. Генезис архитектуры Узбекистана. – Т., 2000.
5. Маматмусаев Т.Ш. Ўзбекистон тарихий шаҳарларининг типологик ривожланиши. – Т., 2019.

УДК712.3(09)

АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР САРОЙЛАРИ АРХИТЕКТУРАСИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Маликов У.Э. – мустақил тадқиқотчи

Самарқанд давлат архитектура қурилиш институти (Ўзбекистон)

В статье реч об архитектурных особенностях дворцовых зданий периода Амира Темура и Темуридова примере дворцов Аксарай в Шахрисабзе, куқсарой и Бустансарой в Самарканде.

In the article about the architectural features of palace buildings from the period of Amir Temur and Temuridov, the example of the Aksaray palaces in Shakhrisabz, the kuksara and Bustarsaray in Samarkand.

Калит сўзлар: Саройлар архитектураси, Амир Темур ва Темурийлар даври саройлари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, Оксарой, Кўқсарой, Бўстонсарой.

Амир Темур ва Темурийлар саройларининг архитектураси ҳақида айрим тадқиқотчилар ёзган бўлсаларда, улар бу масалага ўз фикри ва таҳлили билан ёндошган. Биз ҳам мазкур мавзуга доир тадқиқотларни ўрганиб, уларни умумлаштириш ва чуқурлаштиришга ҳаракат қилиб кўрдик.

Амир Темур ва Темурийлар ҳукмронлиги даврида Шахрисабзда қурилган Оксарой, Самарқанддаги Бўстонсарой, Кўқсарой ҳамда Амир Темур, Ҳиротдаги Шохрух Мирзо ва бошқа Темурийлар боғларидаги кўплаб боғ саройларининг меъморий тузилиши, архитектура-сининг салобатлилиги ва мунаққашлиги, улардаги серҳашам безаклар ўзига хос нафислиги билан ажралиб турган.

Амир Темур 1378 йили Шахрисабз қўрғонини қуриш ҳақида фармон беради. Шаҳар қўрғонининг гир атрофи чуқур ҳандақ билан айлантрилиб, дарвозалари осма кўприк билан таъминланган эди. Қўрғон пойдевори қурилиши билан Темур Оксаройдек маҳобатли қаср қурилишини ҳам (1380 й.) бошлаб юбормоққа буйруқ беради. Бу муҳташам бино кўрки не-не алломаларни ўзига жалб этмаган. Иморат шу қадар улуғвор ва фавқуллода жозибали эдики, “..ҳатто кекса муҳандис бўлмиш гардун шунча йиллар жаҳон атрофида айланган бўлишига қарамай бундай гўзал бинони кўрмаган эди”, -деб ёзади машҳур тарихчи Шарафиддин Али Яздий [1]. Оксаройнинг қурилиши ҳақида Абдураззоқ Самарқандий: “Темур ишга яроқли бўлганларнинг ҳаммасини Хоразмдан Мовароуннаҳрга кўчиришга буйруқ берди.. хоразмлик усталар баланд ва салобатли сарой қуришди”, деб ёзса [2], можор олими Вамбери Оксаройни “Эрон меъморларининг ҳолис ишидир”, деб таъкидлайди [3].

Маълумки, Оксарой меъморий тузилиши жиҳатидан анча мураккаб, фавқуллода улуғвор ва муҳташам бино бўлганлиги сабабли қарийб 24 йил вақт ичида (1380-1404) қурилади. Қурилишни чўзилиб юборилишига Темурнинг Самарқандга кўчиб ўтиши ва у ердаги қурилишлар кўлами, ҳарбий юрпшлари сабаб бўлган кўринади. Оксарой қурилиши вақти-вақти билан тўхтаб турган ва яна давом эттирилган бўлиши ҳам мумкин. Хуллас, Оксарой қурилишининг асосий қисмини Хоразмлик усталар битирган бўлса-да, эронлик меъморлар қурилишни ниҳоясига етказган. Оксарой қурилишида Озарбойжонлик усталар ҳам қатнашганки, бу сарой пештоқига ёзиб қолдирилган китобадан ҳам сезилиб туради. Унда табризлик меъмор ва наққош Муҳаммад Юсуфининг исми ёзилган.

Испан элчиси Клавихо Самарқандга Темур ҳузурига келатуриб (1403 й.) Шахрисабзда тўхтади ва Оксаройни томоша қилади. Ўшанда Оксаройдаги қурилиш ишлари асосан тугалланган бўлсада, лекин жиҳоз ишлари тамомила битмаган эди. Клавихонинг ёзишича, Оксарой Темур ва унинг оиласига мўлжалланган шоҳона истиқомат саройи бўлган. Унда Темурнинг зебу зийнатга бой қабул заллари, ўзи ва оиласи учун яшаш хоналар, дам олиш ва оройиш хоналари, эни 300 кадам, гир атрофи тоқдор раҳрав (галерея) дан иборат улкан ички ҳовли, сатҳи ок мармардан фаршланган катта ҳовузи, салобатли пештоқ ва равоқлар, боғ ва ундаги мевали ҳамда манзарали дарахтлар бор эди. Оксарой безакларидан ҳайратга тушган Клавихо: “Ҳатто моҳир усталарга сероб Парижда ҳам бу тариқа ишлар гоят кўркам ҳисобланар эди”, - деб завқланган эди [4]. Саройнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири шу эдики, иморат томи устига антиқа ҳовуз ишланган бўлиб, унга Ургут тоғлари бағридаги “Тахти қорача” дово-нидан қаҳрабон сув кўрғошин қувурлар орқали

35 километр масофадан оқиб келар, сўнгра шаршара ҳосил қилиб пастга тушар эди [5].

Ўз даврида Оқсаройдек улкан, маҳобатли ва ўта мунаққаш иншоот Турону Эронда ягона эди. Оқсаройнинг бош пештоқи Шарқ меъморчилигидаги энг йирик пештоқлардан ҳисобланиб, умумий кенглиги 40 метрлар чамасида, руй-рост баландлиги эса 50 метрдан ошиқроқ бўлган деб тахмин қилинади. Оқсаройдек улкан обидадан ҳозирда ушбу пештоқнинг биридан ажралган икки асосигина сақланиб қолган. Ана шу асос миноралар оралиғидаги равокнинг кенглиги 22,5 метрдир. Агар бу ҳозирда сақланиб қолган Темур даврига оид обидалар пештоқи билан таққосланса, унинг нақадар кенглигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Масалан, Туркистондаги Хожа Аҳмад Ясавий ва Самарқанддаги Темурнинг жоме масжиди энг катта пештоқларининг кенглиги 18,5 метрдан ошмайди.

Оқсарой безаклари Самарқанд обидаларидаги нақшлардан фарқ қилади. Ташқи безаклардаги тилла суви югуртирилган нақшлар бош пештоқ ҳуснига хусн қўшади. Нақшлардаги қора ранглар Маккадаги тошга, кўк ранглар эса беғубор осмонга қиёсланган. Оқсаройга хусн баҳшида этиб турган арабий ёзувлар ичида Амир Темурнинг “қудрагимизга шубҳанг бўлса биз қурдирган иморатларга боқ” деган сўзи бор. Оқсарой пештоқида соҳибқирон салтанатининг рамзий белгиси ҳам бўлган. Бу белги уч халқадан иборат бўлиб, улар уч ҳудудий иқлимда-шимол, жануб, ғарб минтақаларида барпо этилган салтанатга ишорадир. Халқадан ташқари куёш ва шер тасвири ҳамда “Куч адолатда” деган арабча ёзув ҳам бўлган [7].

М.Е.Массон ва Г.А.Пугаченкова ўрта аср ёзма манбалари ва археологик тадқиқотлар маълумотларига асосланиб, 1950 йилда биринчи бўлиб Оқсарой қурилган ҳудуднинг бир – бири билан боғланган уч қисмдан иборат бўлгани, саройнинг ўзи эса икки қаватли қилиб қурилгани ҳақидаги фикрни билдиришган [6]. Сарой ҳовлиси безакларга бой галереялар билан айлантирилган, ҳовлида бир нечта ҳовузлар бўлган. Сарой хоналарининг поли турлича рангли, юзи сиркор нақшли плиткалар билан пардозланганки, улар яхлит бир кўп гулли рангдор гиламни эслатган. Х.Т.Султонов раҳбарлигидаги археологлар гуруҳи Оқсарой ҳудудидан 650 кв.м. ана шундай сирланган рангдор плиткалар билан қопланган пол саҳнини топишган ва очишган [7].

Н.В.Гильманова саройнинг умумий энини 115 – 120 м, бўйлама ўқ бўйлаб узунлигини эса

240 – 250 м чамасида бўлган, деб ёзади. Унинг фикрича, “саройнинг умумий ҳудуди учта ҳовлидан: маъмурий, истроҳат ва яшаш қисмларидан тузилган. Оқсаров тарҳи тўғри тўртбурчакли, сарой ичида жойлашган катта ва иккита кичик ҳовлилардан тузилган. Ҳовлилар марказида фавворалар ишлаб турган. Фаввораларни сув билан таъминлаш учун махсус қурилмалардан фойдаланилган. Сув аввал юқорига том устига ўрнатилган резервуарга ҳўкизлар ёрдамида ишга тушириладиган махсус механизмлар орқали чиқарилиб, сўнгра у ердан сопол қувурлар орқали фаввораларга ўз босими билан юборилган” [8].

Хуллас, Амир Темурнинг Шаҳрисабздаги Оқсаройи Ўрта Осиё тарихий саройлари ичида ўзининг физик ўлчамлари, режавий параметрлари, маҳобатлилиги, мунаққашлиги, функциявий жозибадорлиги, ташқи ва ички меъморий – бадий безакларининг ўзига хослиги ва хилма – хиллиги, сарой ҳовлиларидаги боғларнинг гўзаллиги ва ландшафт дизайни, сарой хоналари ва залларининг халқ амалий санъатининг нафис наъмуналари билан жиҳозланганлигига ва ниҳоят, саройни қуришда кўп миллатли қатор усталар маҳоратининг синтезлашганлигига асосланиб айтишимиз мумкинки, ўз даврининг энг юксак даражали ва олий мақомли саройи бўлган.

Г.А.Пугаченкова Темурийлар даври саройларини 2 хил типга бўлади: биринчиси – ҳуқумдор аркида ёки мудофааланган “ҳисор” да жойлашган сарой бўлиб, у давлат ишларини бошқариш, расмий тантаналарни ўтказиш, элчиларни қабул қилиш, ҳуқумдор оиласининг яшashi учун қароргоҳдир; иккинчиси – ҳуқумдорнинг шаҳардан ташқарида жойлашган боғ – саройи, яъни ёзги қароргоҳи [9].

Г.А.Пугаченкова биринчи типдаги саройларга мисол тарзида Амир Темурнинг Самарқанд аркидаги Кўк саройи. Ҳиротдаги Боғи – Шаҳр саройи, Шаҳрисабздаги Оқсаройни келтирган. Боғи – Шаҳр саройи Темурнинг ўғли Шохрух учун Ҳиротда 1400-йилда шаҳар боғи ичида қурилган энг гузал сарой ҳисобланган. Афсуски, унинг меъморий тузилиши ҳақидаги маълумотлар бизгача сақланмаган.

Амир Темур ўз ҳаёти даврида бир нечта саройлар қурдирган. Уларнинг энг аълоси Темур Шаҳрисабзда қурдирган Оқсарой ҳисобланса, кейингилари Самарқандда ўз салтанатининг кўргони сифатида қурдирган арк-қалъа ва ундаги мухташам саройлар: Кўксарой ва Бўстон саройлардир.

Арк-қалъа Самарқанд шаҳри ташқи мудофаа деворининг ғарбий қисмига туташ қурил-

ган маҳобатли ички кўрғон ҳисобланган. Шаҳар ташқи мудофаа деворининг узунлиги, Бобур ибораси билан айгганда, "ўн минг олти юз қадам", яъни тахминан 10 километрга яқин ва олти мунаққаш дарвозалари бўлган. Арқ-қалъа ичида халқ тилида "Кўксарой" ва "Бўстонсарой" деб аталган улуғвор бинолар қурилган бўлиб, улар бу ерда ҳозирги вақтда "Афросиёб" деб аталган меҳмонхонанинг шимолий қисмида жойлашган. Ушбу маҳобатли саройлардан ташқари арқда масжид, кутубхона, шоҳона уй-жойлар, Амир Темурнинг хазинаси ва тахтгоҳи, пул зарбланадиган бўлим, қатор аслаҳасозлик устахоналари, ҳаммомлар ҳамда зиндон ҳам бўлиб, атрофи баланд ва қалин девор билан ўралган эди. Кўксаройнинг тўрт қаватли муҳташам бино бўлганлиги, унинг юксак маҳобат билан безатилганлиги ҳақида кўп адабиётларда ёзилган. Олдида чорбоғи бўлган Бўстонсарой эса Кўксарой ёнида, унинг шимолий қисмида жойлашган эди. Шаҳар арқи даҳлзлигини ғарб томондан Хисорнинг мудофаа деворлари, шарқ ва шимол томондан эса унинг 8 метрлар чамаси баланд деворини ўраб олган сувга тўла чуқур зовур таъминлаб турган. Арқ дарвозаларидан бири ўша даврда шаҳар савдо маркази ҳисобланган ҳозирги Регистон майдони билан кенг кўприк ва кўча орқали боғланган.

Ўз вақтида 34 гектар ҳудудни эгаллаган Амир Темурнинг Самарқанд арқи ва ундаги машҳур Кўксарой ва Бўстонсаройлар бугунги кунда йўқ. Улардан "Тепакўрғон" деган ном қолган ҳалос. Бироқ, улар Кауфман кўшинлари томонидан тўшларга тутилган ва батамон вайрон қилиниб, текислаб юборилгунча Самарқанд шаҳрини безаб садафдаги марварид каби унга ярашиб турган шаҳар ичидаги гўзал шаҳарча бўлган. Агар арқ ва ундаги саройлар бугун бўлганда эди, Самарқанд шаҳри ҳам Республикамизнинг бошқа тарихий шаҳарлари-Бухоро ва Хивага ўхшаб тарихан тўла қонли, тақибан яхлит ва мазмунан янада бой тарихий шаҳар бўлар эди. Арқ ва саройларнинг вайрон этилганлиги Самарқанддек тарихий шаҳарнинг таркибий яхлитлигига катта путур

этқизган. Ана шу масалани қисман бўлса-да юмшатиш мақсадида бугунги кунда Самарқанд арқининг тўртта дарвозасидан лоақал биттасини, яъни уни Регистон майдони билан боғловчи бош дарвозани ва унга туташ мудофаа деворларининг бир қисмини ўз ўрнига асл тарихий кўринишда тиклаш мумкин. Бунинг учун зарур имкониятлар бор. Бахтга қарангки, арқнинг ўша тарихий деворлари, буржларининг жойи ва пойдеворларининг ўрни сақланиб қолган, уларнинг ўрни археолог олимлар томонидан қовланиб топилган. Профессор А.С. Уралов раҳбарлигида ана шу бош дарвоза ва унга туташ деворларнинг бир қисмини қайта тиклаш бўйича лойиҳавий таклифлар ишлаб чиқилган. Бу масалада иккита битирув малакавий иши ва битта магистрлик диссертацияси ҳимоя қилинган. Бордию таклиф этилаётган ушбу ғоя амалга оширилса, бу Самарқанддек тарихий шаҳар учун фойдали иш бўлар эди. Самарқанд арқида қурилган гўзал саройлар-Кўксарой ва Бўстонсаройларни қуриш энди бизга насиб этмасда, қайта тикланган Амир Темур арқ-қалъасининг бош дарвозаси ва мудофаа деворларининг бир қисмини кўриб томоша қилиш бизга ва шаҳримиз меҳмонларига насиб этарди.

Адабиётлар:

1. Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. – Т., 1972.
2. Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. – Т., 1969.
3. Вамбери Ҳерман. Бухоро ёхуд Моварауннаҳр тарихи. – Т., 1991.
4. Руи Гансалес де Клавихо. Дневник путешествия в Самарқанд ко двору Тимура (1405-1406). – М., 1990.
5. Уралов А., Хожихонов М. Темурийлар маънавияти ва маданият. – Самарқанд, 1996.
6. Массон М.Е., Пугаченкова Г.А. Шаҳрисабз при Темуре и Улугбеке. //Труды САГУ. – Т., 1953.
7. Султонов Х.Т. Шаҳрисабз. Монография. –Т., 1993.
8. Гильманова Н.В. Архитектура Тимуридов и Бобуридов отраженная в миниатюре. – Т., 2019.
9. Пугаченкова Г.А. Зодчество Центральной Азии. XVв. – Т., 1976.

УДК 347.787

ЎЗБЕКИСТОН ОЛИМЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ САРОЙЛАР АРХИТЕКТУРАСИ ВА ИНТЕРЬЕРЛАРИНИ ГРАФИК ҚАЙТА ТИКЛАШ ТАЖРИБАЛАРИ

Маликов У.Э. – мустақил тадқиқотчи

Самарқанд давлат архитектура қурилиш институти (Ўзбекистон)

В статье речь идёт об архитектуре и интерьерах исторических дворцов Узбекистана, которые изучены на примере опыта графической реконструкции узбекских ученых в разные периоды.

The article discusses the architecture and interiors of the historic palaces of Uzbekistan, which are studied on the example of the experience of graphic reconstruction of Uzbek scientists in different periods.

Калит сўзлар: Ўзбекистон, тарихий саройлар, уларнинг архитектураси, интерьерлари, график қайта тиклаш тажрибалари.

Мазкур мавзунини қўйиш ва уни ўрганишдан мақсад Ўзбекистон тарихий саройлари архитектурасининг илмий ва кенг жамоатчиликка оммалаштириш, туризмни ривожлантиришда мазкур объектлар аҳамиятини оширишдир. Гап шундаки, Ўзбекистон архитектурашунослик фанида тарихий саройлар архитектураси, уларнинг интерьерларига хос хусусиятлар ҳанузгача етарли даражада очиқ берилмаган. Шу мунособат билан биз Ўзбекистон олимларининг тарихий саройлар архитектураси ва интерьерларининг график тиклаш тажрибаларини ўрганишни ўз олдимишга вазифа қилиб қўйдик.

Тарихий саройларнинг шаклланиши, ривожланиш эволюцияси ва архитектурасининг тадқиқ қилиш асосида шу нарса аниқландики, сарой бинолари ва мажмуаларининг архитектураси инсоният тамаддунида ўзининг етакчи ўринни эгаллаши билан бирга кенг жамоатчиликни ўзига бўйсиндирувчи бошқарув объекти сифатида макон ва замонда санъат, меъморчилик, қурилиш ва халқ амалий санъатига хос юксак чўққиларни ўзида акс эттира олган. Шунинг учун ҳам саройлар архитектураси улар яратилган даврлардаги ҳокимият бойлиги ва халқ маданиятининг кўзгусидир. Айнан шу сабабли саройлар архитектурасида ўзига хос маҳобатлилик, ҳашаматлилик, куч-қудрат, бойлик ва адолатлилик рамзлари шаклланди.

Сарой мажмуалари ва улар архитектураси ва умуман саройларнинг мавжудлиги тарихий шахарлар структуравий тузилмасининг муҳим атрибутлари қаторига кирган. Бундан ташқари сарой мажмуалари, арк ва қалъалар меъморий сифатларининг энг муҳим сифатларидан бири, уни ўраб турган ташқи девор ва мудофаанинг мавжудлигидир. Таъкидлаш жоизки, арк ёки қалъа бу саройнинг ўзи эмас, сарой арк ва қалъа таркибининг энг муҳим иморатидир.

Саройлар архитектурасининг шаклланишида юқорида тилга олинганлардан ташқари энг муҳим, меъморий анъаналар турғунлиги, маҳаллий табиий-иқлим шароитлари, диний, ижтимоий ва ахлоқий қадриятлар, урф-одатлар ҳам ўз аксини топган. Масалан, Ўрта Осиё саройлари архитектурасида иссиқ ва қуруқ иқлимда Ислом шарқи мамлакатлари меъморчилигига хос жаннатмакон ҳовлилик, ички ва ташқи ҳовлилар феномени ва айвонлар, шийпонлар, кўшк шакллари, ҳовузлар, фавворалар, боғлар, боғ-саройлар, сайргоҳлар, гулзорлар,

чаманлар ўз аксини топган.

Саройлар монументал архитектурасида сарой бинос конструкцияси бадиий санъат асарлари билан уйғунлашганлиги сабабли сарой интерьерига ўзига хос тантанаворлик, баҳаволик, бадиийлик бағишлаган.

Антик даври саройлари экстерьерларига безаклар ишланмаган бўлсада, асосий эътибор интерьерларга қаратилган бўлиб, уларни безашда тасвирий санъат, рангтаъсир ва ҳайкалтарошлик санъати намуналаридан фойдаланилган. Бу санъат турлари сарой биносининг архитекtonикаси ва ўлчамларига мутаносиб тарзда яратилган ва ички яхлитликни намоён этган. Ушбу бадиий воситалардан ташқари антик даври саройлари интерьерлари ва айвонларида устунлар, плястрлар, равоқлар, капителларнинг метрик ритмга асосланган симметрик услублардан фойдаланилганлигини кўриш мумкин [1].

X–XII асрларда сарой интерьерлари безагида гишт билан ганч ўймакорлиги кенг қўлланилган. Интерьерларда тоқчаларнинг икки ёни гиштли декоратив устунчалар билан безатилган. XI–XII асрларда саройларнинг ички ва ташқи безагида, интерьер қисмларида "куфи" ва "наسخи" эпиграфик дастхатларини қўллаш жорий қилинган [2].

Саройлар интерьерининг тузилиши, асосан уларнинг тарҳи ва функциясидан келиб чиққан, илк ўрта асрларда тўғри тўртбурчак хона, атрофи супа билан ўралган тарҳ, тўғри тўртбурчак марказий ўқи бўйлаб бир қатор устунлар ўрнатилган тарҳ, тўрт устунли, устунсиз, тўғри тўртбурчак атрофи супа билан айлантилган тарҳ ва бошқа режавий ечимлар кенг қўлланилган. Ўрта асрларда томонлари тенг тўғри тўртбурчак, икки қатор устунларга эга тўртбурчак тузилишидаги тарҳ, томи гумбаз билан ёпилган салобатли хоналардан ташкил топган тарҳ, XIX–XX аср бошларида эса бир хонадан иккинчисига ўтиладиган, деворлари ранг-баранг безакли тарҳ, хоналар оралигида сербезак, баланд айвонлар билан алмашииб келган тарҳ ва бошқалар қўлланилган.

Ўрта Осиёда саройлар интерьерларида ҳам тарҳ, ҳам бадиий безак орқали монументал композицияга эришишга ҳаракат қилинган. Антик ва илк ўрта асрларда Хоразм саройларида тўғри тўртбурчак тузилишидаги зал, унинг маркази бўйлаб ўрнатилган бир қатор устунлар ёрдамида икки қисмга бўлинган. Хуросонда

(Парфия) томонлари тенг тузилишдаги баланд зал икки ярусга бўлинган (Нисо саройи). Бактрия ва Суғд саройлари тархда томонлари тенг ёки тўғри тўртбурчак тузилишидаги катта залларга эга бўлган. Улар икки қатор устунлар ёрдамида уч қисмга бўлинган. Бактрия, Хуросон, Хоразм саройлари интерьерлари маҳобатли рангтасвир ва ҳажмли бадиий санъат асарлари, ҳайкаллар кенг қўлланилган [1].


Ўрта Осиёда ислом дини ўрнатилгандан сўнг тирик мавжудотни тасвирлашнинг ман қилиниши саройлар безагида маҳобатли (монументал) паннонинг йўқолишига олиб келади, лекин интерьернинг монументаллигига путур етказилмайди. Унинг ўрнига ўсимликсимон ва геометрик нақшлардан ҳар хил услубда (техникада), яъни девор юзига рангда нақш чизиш, ганчли юзага нақш ўйиш, кўш қаватли ганчнинг устки қатламига ўймакорлик қилиш, турли ранглик кошнлар териб нақш чиқариш, ғиштни турли йўналишда териб, безак ишлаш йўллари билан тузилган паннолар кенг қўлланилган.

Умуман, саройларнинг қайси даврда қурилганлигидан катъий назар, улар интерьерлари композициясида монументаллик, мунаққашлик, тантанаворлик, улуғворлик ва архитектуроник яхлитликка эришилган.


Ўзбекистон олимлари бизгача сақланмаган тарихий **саройлар архитектураси ва интерьерларини график қайта тиклаш** тажрибасига эга. Профессор Д.А.Нозилов Самарқанддаги Афросиёб саройи интерьерининг архитектуроникаси ва деворий безакларини, Амир Темурнинг Боғи Дилкушосидаги боғ – саройининг интерьерини [2], Н.В.Гильманова Амир Темурнинг Шаҳрисабздаги Оксарой мажмуаси архитектурасини, Самарқанд шаҳри атрофидаги Боғи Дилкушо ва Боғи Давлатобод боғ – саройларининг умумий кўринишини [3], Т.Ш. Маматмусаев эса Мирзо Улуғбекнинг Боғи Майдондаги “Чилсутун” боғининг саройи (1-расм) ҳамда Боғи Давлатобод боғ – саройлари архитектурасини график қайта тиклашга (2-расм) муваффақ бўлганлар [4] ва бу ишлар орқали улар Ўзбекистон архитектурашунослик фанига ўз хиссаларини кўшган ва тарихий саройлар архитектураси ҳамда интерьерлари ҳақидаги тушунчаларимизни бойитган.


Ўзбекистон тарихий шаҳарларидаги саройлар, шу жумладан маҳобатли монументал архитектура санъати собиқ Иттифоқ даврига келиб республика пойтахтида қуришга мўлжалланган айрим ҳукумат ва маданият саройлари биноларининг меъморий образлари учун наъмуна бўлиб хизмат қилди. Хусусан, 1930

йилларда Тошкент шаҳри марказий майдонини шакллантирувчи ҳукумат биноларини лойиҳалашда Ўзбекистон монументал сарой архитектураси шакллари: пештоқ, гумбаз, тоқ ва равоқлар композициялари, боғ – саройлар меъморий образи шаклларида фойдаланилди [5].



1-расм. Мирзо Улуғбекнинг Боғи майдондаги “Чилсутун” саройи архитектураси (Т.Ш. Маматмусаев бўйича).





2-расм. Боғи Давлатобод боғ саройининг архитектураси (Т.Ш. Маматмусаев бўйича).

Масалан, Тошкент шаҳридаги маданият ва меҳнат саройи архитектурасини яратишда Ш.Д. Асқаровнинг китоби, 85 – расм, Самарқанддаги Советлар уйи (1927 – 1928 йй.) (ўша китоб, 69 – расм) лойиҳаларини ишлашда республикамиз тарихий саройлари архитектураси анъаналари кенг қўлланилди ва, ниҳоят, республикада Мустақиллик йилларида қурилган айрим мемориал музейлар, масжидлар ҳам монументал сарой бинолари архитектурасидан наъмуна олиб лойиҳаланди (ўша китоб, 287 – расм). Тошкентдаги Алишер Навоий номидаги опера ва балет театри, Ўзбекистон миллий академик театри, Ислон университети биноси, Форумлар саройи, Оқ уй (Оқ сарой), Тошкент шаҳар ҳокимлиги биноси, Темурийлар музейи,

УДК 711.4.011.

ҚИШЛОҚ АҲОЛИ ПУНКТЛАРИНИНГ ЖАМОАТ МАРКАЗЛАРИ ҲУДУДЛАРИНИ ОБОДОНЛАШТИРИШ ВА КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ

Худоярова М.Б. доцент; Маматқулов Ў.Ў. катта ўқитувчи; Тохиров А.И., ўқитувчи Самарқанд давлат архитектура қурилиш институти (Ўзбекистон)

Мақолада қишлоқ аҳоли пунктларини ободонлаштириш муаммолари кўриб чиқилган. Ободонлаштиришнинг ташқи воситаларига, ободонлаштиришда қўлланиладиган йўналишлар, архитектуравий элементлар, материаллар ва табиий ва сунъий ландшафт элементларидан кенг фойдаланиш батафсил ёритиб берилган.

В статье рассмотрены вопросы благоустройства сельских населенных мест. Широко освещены направление и способы использования внешнего благоустройства, материалов и элементов искусственного и естественного природного ландшафта, малых архитектурных форм.

The article considers issues of improvement of rural settlements. Expansion of external tools of beautification, directions used for beautification, architectural elements, materials, and natural and artificial landscape elements are detailed.

Кейинги йилларда республика шаҳарлари ва аҳоли пунктларининг замонавий қиёфасини шакллантиришга, кўчалар, скверлар, хиёбонлар, ёдгорлик мажмуалари ва умумий фойдаланиладиган бошқа кўкаламзор зоналарни кўкаламзорлаштириш, дов-дарахтларни парвариш қилиш бўйича агротехника тадбирларини ўтказиш, йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини замонавий шаҳарсозлик меъёрлари ва талабларига мувофиқлаштириш борасида кўламли чора-тадбирлар

Андижондаги Бобур боғи музейи биноси ва бошқалар бунга мисол бўла олади.

Саройлар архитектурасини яратган меъморлар ва халқ усталари гўзаллик ва уйғунлик шакллари, ранглар, инсон, объект ва атроф муҳит мутаносиблиги асосларини ташкил этувчи меъморий – бадиий ва табиий қонуниятларга, объектив тамойилларга қатъий риоя қилганлар. Мазкур ишда ушбу тамойилларнинг туб моҳиятини тўғри англаш, улар заминда ётган меъморий қонуниятларни жиддий ўрганиш ва уларни замонавий ижод жараёнига тадбиқ қилиш тақлиф этилган.

Адабиётлар:

1. Нурмухаммедова Ш. Закономерности и стилевые особенности архитектуры Узбекистана античного периода. – Т., 2018,
2. Нозилов Д.А. Марказий Осиё меъморчилигида интерьер. – Т., 2006.
3. Гилманова Н.В. Архитектура Темуридов и Бобуридов отраженная в миниатюре. – Т., 2019.
4. Маматмусаев Т.Ш. Мирзо Улугбек даври архитектураси. – Т., 2014.
5. Асқаров Ш.Д. Архитектура Узбекистана и стран СНГ. – Т., 2012.

кўрилмоқда.

Халқимиз саранжом-саришталикни, ободликни доим қадрлаган. Шаҳару қишлоқларимизда янги уйлар, равон йўллар барпо этилаётгани юртдошларимизнинг кайфиятида, уларнинг эзгу мақсадлар сари интилишлари кучайиб бораётганида ҳам намоён бўлмоқда. Ободонлаштириш ишларига эътибор кучайгани аҳолига қулай экологик муҳит яратилишига сабаб бўлаётгани ҳам қувонарли.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

2018 йил 29 мартдаги “Обод қишлоқ” дастури тўғрисида”ги ПФ-5386-сон Фармонида белгиланган вазифалар ижросини самарали ташкил этиш, 2019 йилда “Обод қишлоқ” дастурини бажариш қишлоқларни ободонлаштириш ишларини амалга оширишда катта аҳамият касб этади.

Қишлоқ аҳоли пунктларини ободонлаштиришда қишлоқ ансамблларининг бирлиги, архитектуравий кўринишнинг яхлитлиги, композициявий тугалланишига эришишидаги ютуқлари кўп жиҳатдан архитектуравий ифодаликни берувчи турли воситаларга тегишли бўлади. Жамоат марказларини архитектуравий фазовий шакллантиришда монументал – декоратив санъат, кичик архитектуравий элементлар қатори ташқи ободонлаштириш ҳам муҳим рол ўйнайди.

Ободонлаштиришнинг ташқи элементлари ва кичик архитектура шакллари, соф хизмат вазифасини бажариш билан бирга архитектура ва табиат орасидаги боғловчи бўғин бўлиб ҳисобланади. Ташқаридан худудни ободонлаштириш ёпилма, майдонларга тош ётқизиш, кўчаларга, пиёдалар юрадиган йўлакларга, қияликларга, пандуслар, зинапоялар, тирговучли деворчалар, бордюлар ва парпетли тўсиқлар, кўкаламзорлар ва сунъий сув ҳовзалари архитектура воситалари ёрдамида амалга оширилади.



Самарқанд вилоятининг Ургут тумани Қоратепа қишлоғи дам олиш масканида умумий овқатланишни миллий элементлардан фойдаланиб ташкил этиш ўзига хос, ўзбекона. бетакрор архитектуравий муҳитни яратиш имконини берган. Диплом иши лойиҳаси СамДАҚИ, талаба Турсунов С. раҳбари катта ўқитувчи Султонов И.З.

Худудларни ободонлаштириш даражасидан аҳоли турар жойлари архитектураси кўриниши тўғрисида тасаввур пайдо бўлади. Маҳобатли бинолар ҳам ободонлаштирилмаган худуд билан ўралган бўлса майдон қурилиши тугалланмаган ҳисобланади. Ундан ташқари ташқи ободонлаштиришнинг даражаси ва сифати қурилиш маданияти ва қишлоқ ансамблининг архи-

тектуравий кўринишини боҳолашнинг аниқловчи меъзони ҳисобланади.

Ташқи ободонлаштиришнинг архитектуравий воситалари қишлоқ аҳоли турар жойлари худудининг функционал вазифасига қараб қабул қилинади. Жамоат марказини ташқи ободонлаштиришда қўлланиладиган йўналишлари ва материаллари турар жой ва ишлаб – чиқариш зоналаридан принципиал ажралиб туради.



Самарқанд вилоятининг Ургут тумани Қоратепа қишлоғи дам олиш масканида ободонлаштиришни миллий элементлардан фойдаланиб ташкил этиш ўзига хос, ўзбекона. бетакрор архитектуравий муҳитни яратиш имконини берган. Диплом иши лойиҳаси СамДАҚИ, талаба Турсунов С. раҳбари катта ўқитувчи Султонов И.З.

Битта катта майдондан ёки бир неча бир – бирига бўйсунган майдонлардан ташкил топган йирик қишлоқнинг жамоат маркази, ободонлаштириш воситалари билан режавий ва кўз билан кузатиш ёрдамида функциясига қараб бошқалардан ажратилади.

Бу турли йўллар билан амалга оширилади. Мисол учун битта майдон участкаси аҳамиятсиз даражада бошқасига нисбатан иккита, учта зинапояга, пастга силжийди. Баъзи участкалар бардюор тошлари билан, кўкаламзорлаштирилган ёки ободонлаштирилган майдонлар билан, турли ўлчамлари ва плитканинг шакли ва тош ётқизиши билан ажралиб туради. Кўпинча табиий рельефнинг қияликларидан фойдаланилганда майдон террасали қилинади. Шундай йўл билан машина юрадиган йўллар, вақтинча машина сақланадиган жойлар ажратилади ёки ажралиб чиқади, байрам тадбирлари, дам олиш жойлари, ишлар бўйича учрашувлар ўтказиладиган жойлар аниқланади.

Шундай қилиб, ташқи ободонлаштириш элементлари на фақат худудларни ободонлаштириш имкониятини беради, балки худуднинг функционал зоналарга бўлинишига ҳам ёрдам беради.

Маълум жой билан чегараланган баландлик ёки кичик жойларнинг пастлиги ва худди тош ётқизиш характери каби эътиборни бош биного

қаратишга, одамлар оқимини ва транспорт харакатини ташкил қилишга имконият беради.

Ташқи ободонлаштириш лойиҳасини амалга ошириш учун материал ва ишланадиган нарсаларни танлаш жуда муҳим масала ҳисобланади.



Маданият уйи олдидаги майдонни ободонлаштириш лойиҳаси.



Ернинг сиртида миллий ва глобал фазовий геодезик таянч тармоқларни, уларни триангуляция пунктларини вақт ўтиши билан силжиб ўрни ўзгариб туришини ҳисобга олиб, қуриш ва хизмат кўрсатишда, геодезик ходисаларни (ер қутбларини ҳаракати, ер қобиғини силжиши ва бошқалар) ўлчаш ва тавсифини аниқлашда, Ер гравитация майдонини, уни даврий ўзгариб туриши билан бирга аниқлашдан иборат. GPS ер сиртидаги ҳар қандай нукта координаталарини аниқлаб беришга хизмат қилгани сабабли, у эллипс сиртига асосланган геодезик координаталар системасидан фойдаланади. GPS системасида қўлландиган эллипсоидга WGS84 ёки 1984 йилда қилинган Умумжаҳон Геодезик Система деб аталади. Маълумки ер сиртидаги нуктанинг ўрни унинг кенглиги, узоклиги ва эллипсоид баландлиги билан аниқланади. GPS ёрдамида ўлчанган баландликлар WGS-84 эллипсоиди сиртига 57 тегишли бўлади ва эллипсоид баландликлар дейилади. Амалдаги каталогларда эса ўртача денгиз сатҳига нисбатан ўлчанган

ортометрик баландликлар берилади.

GPS курилмасининг қулайлиги, қилинган ишлардан қўриниб турибдики, курилмадан фойдаланилса юқори аниқликдаги маълумотлар олинади ва ишни сифат ва самарадорлиги ошади.

Шунинг учун GPS оддий усулларга нисбатан катта афзалликка эга бўлганлигини ҳисобга олиб у курилмадан атрофлича фойдаланишни талабаларга ўргатишимиз лозим. Геодезик ўлчаш ишларини тез ва сифатли бажариш мақсадида замонавий GPS приёмникларини қўллаш тавсия этилади.

UDK 528

УЧУВЧИСИЗ УЧУВЧИ АППАРАТЛАР (ДРОН) ЁРДАМИДА КАРЬЕРЛАР ХАРИТАЛАРИНИ ЯРАТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Тухтамишев Ш.Ш. - катта ўқитувчи; Худайкулов Ш.Ш. - ўқитувчи; Есенов Ш.М. - талаба Самарқанд давлат архитектура қурилиш институти (Ўзбекистон)

Мақолада учувчисиз учувчи аппаратлар (дрон) ёрдамида карьерларнинг топографик хариталари яратиш технологияси ишлаб чиқилди. Шу жумладан, ер ости карьерлар ва конларни контурини аниқлашда, карталарини яратишда ҳам, дронлардан фойданалиш мумкин. Карьерларни ер усти худудини хариталарини яратишда ва майдонини аниқлашда, бундан ташқари кавлаб олинган худудини аниқлашимизда қўл келади.

kalit so'zlar: план, карта, дрон, мониторинг, оптималлаш, съёмка.

В статье разрабатывается технология создания топографических карт с использованием беспилотных пилотных устройств (дронов). Он также может быть использован для обнаружения всплесков подземных пещер и отложений, а также для создания дренажных карт. Обследования местности помогают нам определить площадь и площадь картирования, а также определить протяженность местности.

In this article technology for creating topographical mappings using unmanned pilot devices (dron) has been developed. It can also be used to detect the outbreaks of the underground caverns and deposits, as well as to create drainage cards. Land Surveys help us to determine the area and area of the mapping, as well as to determine the extent to which it is cultivated.

Ҳозирги даврда барча соҳаларда янгиликлар ва ривожланишлар бўлмоқда, шулар қаторида геодезия ва картография йўналиши ҳам шулар жумласидандир. Объектларни съёмка қилиш жараёнида маълумотлар онлайн ва қисқа вақтда қайта ишлаш имконияти мавжуд. Бу маълумотларни учувчисиз учувчи аппаратлар (дрон) билан амалга ошириш кенг қўлланилмоқда. Учувчисиз учувчи дронлар халқ хўжалигининг турли соҳаларида қўлланилади: қишлоқ хўжалиги, энергетика, қурилиш ва худудни муҳофаза қилиш органлари дронлардан фойдаланади. Дронларнинг вазифалари маълумотлар йиғиш, мониторинг, шарҳлаш ва оптималлаш тиришининг энг янги технологияларини интеграциялашган ҳолда тадқиқот, хариталаш, мониторинг кузатиш учун учувчан технологиядан фойдаланилади. Мисол тариқасида карьерларни


Адабиётлар:

1. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. “Тарбияда инновацион технологиялар”. Тошкент. Истеъдод – 2010. 141 – бет.

2. Тошпўлатов С.А., Авчиев Ш.Қ., Ковалёв Н.В.. Олий геодезия. Ўқув қўлланма. Тошкент 2002-29 бет


3. Инамов А.Н., Лапасов Ж.О., Хикматуллаев С.И. “Инженерлик геодезияси” Тошкент – 2017. 175 – бет.

www.Galileoju.com




1-расм.

Дронлардан фойдаланиб белгиланган жойларда олинган маълумотларни қайта ишлаганимизда жойнинг гео-референтлики 3Д нукта булути, ернинг рақамли модели, кодланган мина векторини хариталаш, контурлар ва ортогонализацияланган геореферент тасвирлар, топографик хариталаш, контурлар тасвирли тасвирлар мавжуд бўлади (2-расм).



2-расм.

Шу жумладан, ер ости карьерлар ва конларни контурини аниқлашда, карталарини яратишда ҳам, дронлардан фойданалиш мумкин. Карьерларни ер усти худудини хариталарини яратишда ва майдонини аниқлашда, бундан ташқари кавлаб олинган худудини аниқлашимизда қўл келади. Жойни съёмка қилишда дронни станциядан туриб, автоматик ёки қўлда бошқариш усулларидан фойдаланиш мумкин. Автоматик бошқаришда дронни учиш ҳолатига келтирамиз ҳамда станцияга антенналарни улаб, ўрнатиб оламиз. Станцияда туриб берилган жойни аниқлаб олиб, экранда кавландиган карьер худудини аниқлаб топиб оламиз. Маршрут бўйича нукталар белгилангандан сўнг дронга маълумот экспорт қилинади, маршрути белгиланган дрон автоматик съёмка жараёнини бошлайди (3-расм).



3-расм.


Белгиланган маршрут бўйича дрон учишда станцияда жойни катта ёки кичиклигини қараб ўзи автоматик равишда бориш, қайтишини ҳисоблаб чиқаради. Дронларни қўлда бошқаришда, ўзининг пункти, яъни икки қўл ёрдамида ҳаракатлантирилади. Бир қўл учиш, қўниш ва рулни бошқаришни назорат қилади. Иккинчи қўл ёрдамида съёмка жараёнидаги дронни ҳаракати яъни олдинга -орқага, чапга-ўнгга бошқариш учун фойдаланилади (4-расм).




4-расм.

Хитойлик мутахассислар билан биргаликда белгиланган жойни суратга олиб, олинган маълумотларни қайта ишлашда станцияда туриб, бошқарув технологиядан маълумотларни флешкага ёки тўғридан-тўғри компьютерга улаиб маълумотлар кўчирилиб олиш мумкин. Компьютер технологияларига ўрнатилган янги дастурлардан фойдаланиб, контурлар ва ортогонализацияланган гео-референт тасвирлар, топографик хариталаш, контурлар тасвирини тасвирлайди. Карьерларни ер усти қисмини съёмка қилишда суратга олиш ҳамда маълумотлар тўплаш учун жойга бориб станция ўрнатилиб, бошқарув тизимига берилган жой маршрут бўйича киритилиб дрон учурилади. Дрон учурилгандан сўнг, станцияда туриб, олинаётган суратларни яқинлаштириб ёки


узюклаштириб олиш мумкин. Белгиланган жойни суратга олиш тугатилгач, олинган маълумотларни компьютер дастуридан фойдаланиб қайта ишлаймиз. Компьютерда ўрнатилган “Пих4Драппер” дастури орқали қайта ишланади. Олинган суратлар тартиб бўйича чиқарилади. Компьютер олинган маълумотларни гео-референтликли 3Д нуқта булути, ернинг рақамли модели, кодланган мина векторини хариталаш, контурлар ва ортоорганизацияланган гео-референд тасвирлар, топографик хариталаш, контурлар тасвирли экранда тасвирланади (5-расм).




Очиқ керьерларни сурати



Сурататларни ранглар асосида тасвири.



Ёпик карьерларнинг чегараси



Дастурлар ёрдамида карьерларнинг тасвирланиши.

6-расм.

Компьютер технологиясидан фойдаланиб очик керьерларни қайта ишлашда Гео-референтликли 3Д нуқта булути кўриниши тасвирланиши (6-расм).

Биз ҳам геодезик ишларда дронлардан фойдаланишни кенг йўлга қўйишга бевосита ўз хиссамизни қўшамиз.

Adabiyotlar:

1. “YERGEODEZKADASTR” Davlat qo'mitasi tomonidan o'tkazilgan amaliy mashg'ulot, 24.04.2018
2. N3 Geoinforkadastr. T. 2002
3. E.Y.Safarov, H.A.Abdurahimov Kartografiya.
4. Q.Oymatov Geoinformatsion. T. 2012
5. www.dron.com

УДК 528.44

ДАВЛАТ КАДАСТР ЯГОНА ТИЗИМИНИНГ БУГУНГИ КАРТОГРАФИК ТАЪМИНОТИ

Хусанова М. И., ўқитувчи Жўраев Ш.

Самарқанд давлат архитектура курилиш институти (Ўзбекистон)

Сегодняшнее картографическое обеспечение единой системы государственного кадастра.

Географическое местообъектов кадастркарт, их связи между собой, качество и количественные показатели и цена разработать картографический модель цены и юридического статуса по условным знакам выражающий в общем виде, считается научно-теоретической основой в создание планов и кадастр карт. Карта и модели местностей дают возможность методов получения данных информацией событиях явлениях.

Modern cartographic support of the Unified system of state banks of geographical data.

Cadastral maps are the scientific and theoretical foundations of the geographical location of objects, their interrelationship, structure, qualitative and quantitative indicators, the development of a cartographic model that summarizes their cost, price and legal status in accordance with conventional criteria, cadastral maps and plans. And

provide information and information about events in specific ways.

Кадастр карталари объектларнинг географик ўрни, уларнинг ўзаро алоқаларини, тузилиши, сифат ва миқдор кўрсаткичларини ҳамда баҳоси, таннархи ва юридик мақомини шартли белгиларга мувофиқ умумлаштирилган ҳолда ифодалайдиган картографик моделни ишлаб чиқиш, кадастр карталари ва планларини яратишнинг илмий-назарий асослари ҳисобланади. Карта ва жой моделлари воқеа ва ҳодисалар тўғрисида йиғиб бориладиган ахборот ва маълумотларни ўзига хос усулларда тасвирлаш имконини беради.

Кадастр карталари қуйидаги хусусиятларга эга:

- объектларнинг геометрик ўхшашлиги карта ва планда ифодаланганда уларнинг шакли ва катта-кичиклиги, ҳаётдаги ҳақиқийлигига жуда яқин бўлиши, планларда эса аниқлик даражаси янада юқори бўлишини таъминлайди. Карталарнинг бу хусусияти картографик ишларни берилган масштаб доирасида картада ўлчаш ишларини аниқ олиб боришни таъминлайди;

- вақт ўтиши билан ўзгаришларни. Маълум даврда (вақтга, аср, йил, ой, кун ва х.к.) тегишли воқеа ва ҳодисаларни ҳолатини ҳамда ривожланишини картада тасвирланиши;

- алоқаларнинг ўхшашлиги, воқеа ва ҳодисаларнинг бир-бири билан бўлган алоқаларининг ва ички муносабатларининг ўхшашлиги;

- объектларнинг бир-бирига мослиги, картада тасвирланган воқеа ва ҳодисаларнинг жойдаги ҳолати билан бир-бирига мослиги, бир-бирини инкор қилмаслиги кадастр карта ва планларнинг асосий хусусиятларидан биридир. Маъно ва уларнинг чегаралари бир-бирига мос келиши, кадастр карталарида воқеа ва ҳодисаларнинг ўзоро алоқаларини ҳамда иерархиясини ўрганилганлиги, маълумотларнинг аниқлиги, илмий асосланганлиги, карта ва планларда тасвирланганда умумлаштириш (генерализация) жараёнининг қўлланишига ҳам боғлиқ;

- модел ва объектнинг бир-бирига айнан мос келиши давлат кадастр план ва карталарининг (айниқса, улар аналитик ва инвентаризацион карталар бўлгани учун) ўзига хос хусусиятларидан биридир.

Кадастр план ва карталарида мавҳумлик даражаси, уларда тасвирланадиган воқеа ва ҳодисаларни умумлаштириш, генерализация қилиш даражасига боғлиқ. Мақсадга мувофиқ маълумотларни танлаб олиш, умумлаштириш ва қайта ишлаш карта мазмунини бир мақсадга йўналтиришга катта имкон беради.

Давлат кадастрини юритишнинг асосий та-

мойилларига (принциплари) асосланган ҳолда, давлат кадастрлари ягона тизимининг таркиби учун қуйидаги масштаблар тавсия этилади:

1. Давлат ер кадастри карталари учун, асосан, уларнинг қамрови ва мақсадларига қараб 1:1 000 дан 1:200 000 гача. Суғориладиган ерлар учун 1:1 000, лалмикор ерлар учун 1:5 000, тоғ яйлов ерлари учун 1:100 000 текислик яйловлари учун 1:200 000 масштабда план ва карталар тузиш лозим бўлади.

2. Фойдали қазилма конлари, белгилари ва техноген ҳосилалар давлат кадастри карталари учун 1:100 дан 1:100 000 масштабга тавсия этилади. Техноген ҳосилалар ва очиқ усулда қазиб олинадиган конлар учун 1:1 000 – 1:10 000 масштаблар мақсадга мувофиқ.

3. Давлат сув кадастри учун асосан 1:50 000 ва 1:200 000 масштабларни қўллаш яхши самара беради.

4. Давлат ўрмон кадастри учун 1:10000 то 1:200 000 масштаб, ўсимликлар дунёси объектлари давлат кадастри учун 1:50 000 то 1:200 000 масштаб.

5. Ҳайвонот дунёси давлат кадастри учун 1:200 000 дан то 1:500 000 гача бўлган масштаблар тавсия этилади чунки, бу карталарда асосан ҳайвонот турининг яшаш ареаллари кўрсатилади.

6. Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар давлат кадастри ва табиий хавфи юқори бўлган чегаралар давлат кадастри ҳамда техноген хавфи юқори бўлган ҳудудлар давлат кадастри планлари учун 1:1000–1:10 000 масштабларни қўллаш тавсия этилади. Ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндиларини кўмиб ташлаш ва утилаштириш жойлари давлат кадастри карталари учун 1:1000 –1:10 000 бўлган масштаблар тавсия этилади.

7. Бинолар ва иншоотлар давлат кадастри ва давлат шаҳарсозлик кадастрлари учун 1:100, 1:500, 1:1000, 1:2000 ва 1:5 000, ҳамда 1:10 000 масштабларни қўллаш тавсия этилади.

8. Гидротехника иншоотлари давлат кадастри; алоқа объектлари давлат кадастри ва энергетика объектлари давлат кадастри учун 1:100, 1:500, 1:1000 ва 1:2000 масштаблар тавсия этилади.

9. Автомобил йуллари давлат кадастри, темир йуллар давлат кадастри ва транспорт қувирилари давлат кадастрлари план ва карталари учун 1:10000, 1:100000 -1:500000 бўлган масштаблар тавсия этилади.

10. Тарихий ва маданий ёдгорликлар давлат кадастри учун 1:100 ва 1:200 000 масштаблар.

Ёдгорликларнинг ўзи учун 1:100–1000 масштабдаги планлар, уларни маълум ҳудудлар бўйича тарқалиши учун 1:200 000 масштабли карталар тавсия этилади.

11. Картография – геодезия давлат кадастри учун 1:100 000 – 1:500 000 масштабларни қўллаш мақсадга мувофиқ.

12. Алоқа объектлари давлат кадастри карталари шаҳарларда 1:1000–1:2000 кишлоқ жойларда эса 1:10 000–25 000 масштабларда тузиш керак.

Давлат кадастрлари карталарининг легенда ва шартли белгилари давлат кадастр хизмати талабларига мос ва карталардан фойдаланувчилар имкониятларини ҳисобга олган ҳолда тузилган бўлиши лозим.

Сўнгги йилларда геодезик тармоқларни ҳосил қилишда глобал позицион тизим (GPS) қўлланилмоқда. Бу тизим ер юзасидаги хоҳлаган нуқтанинг координатасини аниқлашда ернинг сунъий йўлдошларидан фойдаланишга асосланган.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 16 февралдаги 66-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат кадастрлари ягона тизими (ДКЯТ)ни яратиш ва юритиш тартиби тўғрисидаги Низом”

2. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг “Алоқа объектлари давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисида Низомини”ни тасдиқлаш ҳақидаги 2005 йил 30 июндаги 152-сон қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг “Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ 1730-сонли қарори (2012 йил, март)

4. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2016. – 56 б.

5. Мирзиёев Ш.М. Танкидий таҳлил қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 104 б.

UDK: 55:502

QURILISH JARAYONLARINING BIOSFERAGA TA’SIRLARI.

Eshqobilov Sh.A., Nurmatov P.A., Mirzayev M.H., Raxmonov B.

Samarqand davlat arxitektura qurilish institute (O'zbekiston)

Ushbu ishda qurilish jarayonlarining atrof-muhit va ekotizim tarkibiy qismlariga salbiy ta'siri o'rganilgan hamda, chiqindilarning miqdorini kamaytirish, qayta ishlash choralari haqida taklif berilgan.

Kalit so'zlar: Atmosfera, gidrosfera, litosfera, muxandislik kommunikatsiya, ifloslanish, ishlab chiqarish, resurslar, tabiiy atrof-muhit, urboektizimlar, ekologik muvozanat.

В этом исследовании были изучены негативные последствия процессов строительства на окружающей среде и компонентов экосистемы, и были приняты меры по сокращению отходов и их обработке.

In it research the negative consequences of processes of construction on environments and components экосистемы were investigated, and the measures on reduction отходов and their processing were accepted.

Qurilish texnogenezi biosferaning barcha tarkibiy qismlariga antropogen ta'sirning kuchli omillaridan biri hisoblanadi. Har qanday inshoot qurilishi va foydalanilishi doimo tabiiy ekologik muvozanat holatidan salbiy yoki ijobiy jarayonni keltirib chiqradi. Barcha qurilish ishlab chiqarish me'yor va qoidalariga diqqat bilan o'zida rioya qilinishida ham hattoki tabiiy sharoit buzilishi yuzaga kelishi muqarrardir. Qurilish tarmog'i tabiiy resurslardan yirik foydalanuvchi hisoblanadi, bu esa ko'pincha ularni kamayishiga olib keladi. Olib borilgan izlanishlar shuni ko'rsatdiki, mlrd. tonnada o'lchanadigan mahsulotlar, ya'ni qurilish materiallari va buyumlarini ishlab chiqarish antropogen faoliyatning material sarflanish hajmining eng katta ko'rinishi hisoblanadi. Dunyoda faqatgina

beton ishlab chiqarish uchun yiliga bir necha million tonna sement, chaqiq tosh, qum va boshqa tiklanmaydigan tabiiy resurslar sarflanadi.

Qurilish materiallarini ishlab chiqish tabiiy resurslarni eng ko'p iste'mol qiluvchi soha hisoblanadi. Qurilish materiallarini tayyorlash uchun yiliga 3 mlrd. tonnaga yaqin xomashyo – qum, tuproq, gips, ohaktosh, granit, bazalt kabi cho'kindi jinslar qazib olinadi hamda qayta ishlanadi. U atmosfera va yerni ifloslantiruvchi eng asosiy manbalardan hisoblanadi. Atmosfera havosini chang bilan ifloslantirish bo'yicha qurilish materiallari sanoati birinchi o'rinda turadi[2].

Biosferaga bo'lgan ta'sir qurilish jarayonida va foydalanish davrida yuz beradi. Shovqin-suron hayvonlarni maydon (areal)larini o'zgartirishga

sabab bo'ladi. Buning oldini olish uchun avval shu yerdagi hayvon va o'simliklarning fiziologiyasini o'rganish lozim.

Yer yuzasida har xil muxandislik kommunikatsiya (gaz, suv, neft, issiqlik kanalizatsiya quvurlari, elektr, telefon kabellari va b.) quvurlarni yotqizish tuproq holatiga salbiy ta'sir etib, tuproqdagi biokimyoviy jarayonlarni buzadi va ifloslantiradi. Yotqizilgan kabellar atrofidagi tuproq tarkibi buziladi, tuproqdagi mikroorganizmlar nobud bo'ladi, o'simliklar quriy boshlaydi, tuproq mikrostrukturasi o'zgaradi va b.

Ma'lumotlarga ko'ra, gaz quvurlari atrofidagi 100 metr tuproq zaharlansa, issiqlik quruvlari 24 metr bo'lgan joyda tuproqni quritib, suv tartibini buzadi, tuproqdagi mikroorganizmlar nobud bo'lishiga, o'simliklarning qurishiga olib keladi.

Tuproqni muxandislik kommunikatsiya tarmoqlari tizimlari ta'sirida ifloslanishidan saqlashda quyidagilarga amal qilish lozim:

- yer osti muxandislik kommunikatsiya qurilishlarida quvurlar va kabellar yotqizish qoidalariga to'liq rioya qilish lozim;

- har xil quvur va kabellar yotqizilayotganda ekologik maydonning kengligiga rioya qilish zarur;

- muxandislik kommunikatsiya quvurlari, har xil kabellar maxsus tunel qazilib, shu tunel orqali o'tkazilishi lozim [3].

Ushbu tadbirlar amalga oshirilsa, tuproq ifloslanmaydi va kommunikatsiya quvur hamda kabellarining ishlashi ustidan nazorat qilinishi osonlashadi.

O'zbekistonda shaharsozlik atrof-muhitni muhofaza qilish, fuqarolarni tabiiy va texnogen holatlardan saqlash hamda aholi salomatligini muhofaza qilish masalalari bilan uzviy bog'liq holda amalga oshiriladi. Bu O'zbekiston Respublikasining Shaharsozlik kodeksida ham mustahkamlab qo'yilgan. Ma'lumki, qurilishlarning salbiy ta'siri uning barcha bosqichlarida – qurilish materiallarini olishdan tortib tayyor obyektlardan foydalanishgacha ro'y berishi mumkin. Qolaversa, dunyo miqyosida tuproq qazish ishlari va qurilish materiallari qoldiqlari ko'rinishidagi qattiq chiqindilar hajmi yildan yilga oshib bormoqda. Qurilish ishlab chiqarishi ko'plab miqdorda yer ostidan ochiq usulda qazib olinadigan tosh, qum, tuproq, ohak, sement va boshqa resurslarni sarf etadiki, bu tuproqqa, o'simlik va hayvonot dunyosiga katta zarar yetkazadi. Qurilish materiallari, buyum va detallarini ishlab chiqarish chang, qurum, zararli gazlar ajralib chiqishi bilan bog'liq bo'lib, bu atmosfera havosining ifloslanishiga olib keladi, ayni paytda inson salomatligiga ham salbiy ta'sir

ko'rsatadi[1].

Yerlarni qazishda qorishmalar komponenti sifatida suvoq va bog'lovchi modda qorishmalarida, texnologik qurilmalarni sovutish tizimida hamda boshqa barcha jarayonlarda suvdan keng foydalaniladi. Ayrim hollarda ishlatib bo'lingan ifloslangan suvlar suv havzalariga oqizib yuboriladi, natijada havzalar ham ifloslanadi. Bundan tashqari, bino va inshootlar qurilishi joylardagi gidrologik rejimning o'zgarishiga turtki bo'ladi.

Noqulay sharoitlarda esa grunt qatlamlarining siljishi, suv arteriyalarining yo'nalishi va tezligi o'zgarishi kuzatilishi mumkin. Bu ayniqsa, cho'kuvchan gruntli hududlarda xavfli tus oladi. Mutaxassislarining hisob-kitobiga ko'ra, dunyo bo'yicha qurilishlar uchun yiliga 50 million kub metr yog'och talab etiladi. Qurilishlar o'simlik dunyosiga hamda yerdagi o'simlik qatlamiga ham o'z ta'sirini o'tkazmay qolmaydi. Ko'p hollarda, hatto loyihalarda ham o'simlik va hayvonot dunyosini muhofaza qilish chora-tadbirlari ko'rilmasdan obyektlarni rejalashtirish, joylashtirish natijasida nafaqat o'simlik dunyosiga, balki hayvonot dunyosiga ham zarar yetkazilmoqda. Boisi, ko'plab qushlar asosan baland daraxtlarda jon saqlaydi. Yana bir muammo tuproqqa bosim o'tkazilishi bilan bog'liqdir [1].

Baland binolar og'irligi oqibatida yerning yuqori jinslari siqiladi (50 metrgacha chuqurlikda). Shuningdek, hosildor tuproq qatlamiga ham jiddiy zarar yetadi. Qurilish obyektlarini loyihalashtirishda mo'ljallanayotgan obyektning atrof-muhitda qanday ta'sir etishigina emas balki, uning keyinchalik faoliyat ko'rsatishini va lozim bo'lganda buzilishi ham ko'zda tutilishi darkor. Engasosiysi, inson bilan atrof-muhitning uzviy bog'liqligini unutmaslik darkor [3].

Tabiat muvozanatini ta'minlash, qurilishlar natijasida atrof tabiiy muhit ifloslanishining oldini olish, flora va faunani saqlab qolish, joylarning barqaror rivojlanishini hisobga olib, tabiat va qurilish obyektining o'zaro ta'sirini ekologiyalashtirish usullarini ishlab chiqish muhim ahamiyat kasb etmoqda. Shuningdek, urboekologik, me'moriy-ekologik va qurilish ekologiyasi vositalari yordamida yashash joylari bilan tabiiy muhit o'rtasida geokologik muvozanatni saqlash maqsadida barqaror loyihalash va qurish, shaharlarni, alohida bino hamda inshootlarni ekologik rekonstruksiyalash, barcha resurslarni tejash, ulardan barqaror foydalanish, qayta tiklanadigan energiya manbalaridan keng foydalanish, chiqindilarni qisqartirish, atrof tabiiy muhitga salbiy ta'sir ko'rsatuvchi obyektlarni ekologik-iqtisodiy monitoring yordamida o'z

vaqtida aniqlash, tegishli qarorlar qabul qilish qurilish sohasida ekologik xavfsizlikni ta'minlash borasidagi eng muhim tadbirlar sirasiga kiradi. Bu o'rinda qurilish ishlab chiqarishining ekologik madaniyatini sezilarli darajada yuksaltirish zarurati yuzaga keladi. Bu albatta, nafaqat quruvchilarga, balki qurilish buyurtmachilariga, loyihachilar va davlat nazorat organlariga ham bog'liq bo'ladi.

Rejalashtirish va qurilish loyihalarida atmosfera havosini qurilish hamda transport vositalaridan chiqariladigan zararli chiqarilmalardan muhofazalash tadbirlari, suv havzalari, tuproqni muhofazalash, shovqinni, tebranishlarni va elektromagnit nurlanishlar darajasini kamaytirish choralari, sanitar gigiyenik sharoitlarni yaxshilash tadbirlari o'zaksini topgan bo'lishi darkor. Bino va inshootlarni buzishda ham tabiatni muhofaza qilish chora-tadbirlari ko'rilishi shart.

Qurilish jarayonining atrof-muhitga salbiy ta'sirini va chiqindilarning miqdorini kamaytirish uchun ularni yig'ib, tarkibi bo'yicha taqsimlab, qayta ishlashga jo'natish eng samarali yo'l hisoblanadi. Chiqindilarni qayta ishlash jarayoni ishlab chiqarishning o'sishiga, shu bilan birga uning tabiatga, ekologiyaga bo'lgan ta'sirini kamaytirishga yordam beradi. Bunday qayta ishlangan materiallardan foydalanish qurilish materiallarini tejashga va chiqindilar miqdorining kamayishiga imkon yaratadi.

Qurilish chiqindilarini qurilish maydonida qayta ishlashning kamchiligi materiallar tarkibi bo'yicha taqsimlanmaydi. Bunda qo'shimcha elektr energiyasi, tashish ishlari va shu kabilar uchun mablag' talab etiladi. Chiqindilarni qayta ishlash jarayonida ba'zi hollarda ulardan sezilarli zararli moddalar ajralib chiqish ehtimoli mavjud.

To'liq ta'kidlash zarurki, zamonaviy qurilish texnologezi tabiiy majmualar va ekotizimlarda sodir bo'ladigan jarayonlarga, biosferaning barcha tarkibiy qismlari: atmosfera, gidrosfera, litosfera va biotiklar dunyosiga nihoyatda jiddiy ravishda salbiy ta'sir ko'rsatadi. Salbiy ta'sirni kamaytirish va oldini olish uchun quyidagilarga e'tibor berish lozim.

1. Gidrosferaga bo'ladigan ta'sir asosan yer qazish ishlaridan chiqqan suvlarni tindirib keyin irrigasion tizimga quyish talab qilinadi.

2. Atmosferaga bo'ladigan ta'sirlar ifloslanish, shovqin, chang. Bu ta'sirlar qurilish bosqichida amalga oshadi. Ifloslanish har xil texnikalarning harakati, ishlashi jarayonida sodir etiladi. Tuproqni yumshatish, qazish, to'ldirish, tekislash, portlatish ishlarida chang ko'tariladi va atrof-muhitga shovqin tarqaladi. Yetarlicha belgilash mumkinki, faqatgina bir tonna sement ishlab chiqarish atmosferaga 1 tonna CO₂ chiqarishini keltiradi. Dunyoda sement ishlab chiqarish bilan bog'liq umumiy CO₂ tashlamasi 1,2 mlrd. tonnadan oshib ketadi. Energetika tashlamasi (shovqin, infratovush, tebranish, ion hosil qiluvchi nurlar va sh.k.) anchagina xavfli hisoblanadi. Sement zavodlari va qurilish industriyasining boshqa korxonalarining ishlashida qattiq chiqindilar va yirik hajmdagi oqova suvlarning paydo bo'lishi kuzatiladi[2].

3. Litosferada asosiy ta'sir tuproq resuslariga bo'lib, bunda tuproqning unumdor qatlamiga zarar yetadi va ma'lum darajada ifloslanadi. Buning oldini olish uchun ish jarayonida suvdan foydalanish va namlik yetarli sharoit bo'lishi kerak.

Xulosa qilib ta'kidlash zarurki, zamonaviy qurilish texnologezi tabiiy majmualar va ekotizimlarda sodir bo'ladigan jarayonlarga, biosferaning barcha tarkibiy qismlari: atmosfera, gidrosfera, litosfera va biotiklar dunyosiga nihoyatda jiddiy ravishda salbiy ta'sir ko'rsatadi.

Adabiyotlar:

1. Charles J. Kibert, Jan Sendzimir, and G. Bradley Guy (Edited by 2003) Construction ecology: nature as the basis for green buildings. London and New York - p. 303.

2. Пачаури Р.К., Мейер Л.А. Иқлим ўзгариши, 2014 йил. Иқлим ўзгариши бўйича Ҳукуматлараро экспертлар гуруҳининг умумлаштирилган маърузаси. Женева, Швейцария, 2015 йил, 163 б.

3. Sattarov Z.M., Qurilish ekologiyasi /Darslik / -T.: 2017 yil – 364 b.

УДК 528.44

АЛОҚА ОБЪЕКТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ҲУСУСИЯТЛАРИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ

Хусанова М. И., ўқитувчи; Ортиков Н.

Самарқанд давлат архитектура қурилиш институти (Ўзбекистон)

Объекты связи и исследования и их свойства

Модернизация и внедрение компьютерных и информационных технологий в сети телекоммуникаций с доступом к интернет-услугам в настоящее время находится на переднем крае нашей страны.

Необходимость компьютеризации образовательных процессов и повседневной жизни людей, а также необходимость обеспечения поддержания информации и баз данных должны широко ис-

пользоваться в экономическом секторе и для обмена информацией в сообществе.

Research objects and their features.

In present day computers and communication technologies, telecommunication networks, the information transmission of Internet services improved and modernized dominant is coming out in Republic.

The need for computerization of educational processes and the daily lives of people, as well as the need to ensure the maintenance of information and databases should be widely used in the economic sector and for sharing information in the community.

Ҳозирги вақтда компьютер ва ахборот технологиялари, телекоммуникациялар тармоқлари, маълумотлар узатилиши Интернет хизматларига кириб боришини ривожлантириш ва замонавийлаштириш республикада устувор ўринларга чиқмоқда.

Иқтисодиёт тармоқлари ва жамиятда ахборот алмашиш тезкорлиги, жаҳон ахборот манбааларига кириб боришига юқори эҳтиёж, таълим жараёнларини ва кишиларнинг кундалик турмушни компьютерлаштириш зарурияти, шунингдек, ахборот ва маълумотлар базаси сақланишини таъминлаш эҳтиёжи қарорда қабул қилинди.

Республика бўйича алоқа ва ахборотлаштириш тизимидаги компаниялар, жамиятлар ва корхоналар томонидан ахборот коммуникация технологияларини ривожлантиришга оид ҳукумат қарорлари билан белгиланган дастурлар ва тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш бўйича мамлакатимизда ҳозирга қадар муайян ишлар олиб борилди ва қуйидаги кўрсаткичларга эришилди.

Кейинги йилларда соҳа корхоналари томонидан 3,7 трлн. сўмлик хизматлар кўрсатилди, ўсиш суръати 22,4 фоиз, жумладан, аҳолига 2,4 трлн. сўмлик алоқа хизматлари кўрсатилди, ўсиш суръати 21 фоизни ташкил этди. 2014 йилнинг биринчи чорак натижаларига кўра, алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация тизимида фаолият кўрсатиб келаётган корхоналар томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажми 23,0 фоизга, жумладан, аҳолига кўрсатилган хизматлар ҳажми 19,0 фоизга ўсган. Телекоммуникация хизматларини экспорт ҳажми 187,9 млн. АҚШ долларини ташкил этди, режада белгиланганга қараганда 3,8 фоизга ошди.

Замонавий телекоммуникация технологияларини татбиқ этиш ва ривожлантириш бўйича натижаларни кўрадиган бўлсак телекоммуникация технологиялари, тармоқлари ва алоқа инфратузилмасини 2013-2020 йилларда ривожлантириш дастурига асосан бир қатор лойиҳалар амалга оширилди.

Коммутация марказлари, жумладан, Қўқон ва Бухоро шаҳарларидаги халқаро коммутация марказлари сифими 1386 Е1 портга (5 баробар) кенгайтирилди ва халқаро коммутация марказлари умумий сифими 3262 Е1 портга етказилди.

Халқаро коммутация марказини янги авлод тармоғи технологиялари асосида модернизация қилиш лойиҳаси доирасида умумий қиймати 9,3 млн. АҚШ долларига тенг қурилмалар келтирилди ва халқаро коммутация марказларида усқуналарни монтаж қилиш ишлари олиб борилмоқда.

Магистрал, зона ичи ва маҳаллий тармоқларни заҳиралаш ва кенгайтириш, шунингдек, абонент тармоқларини (Fiber To The X) FTTx оптик толали архитектураси асосида модернизация қилиш мақсадида умумий узунлиги 2,1 минг км. оптик алоқа линиялари қурилди. Кенг полосали маълумотлар узатиш тармоғини кенгайтириш мақсадида, бир вақтнинг ўзида 128 минг кенг полосали уланишларни амалга ошириш имконига эга қурилма ўрнатилди. 2013-2014 йилларда Ахборот-маълумот хизматлари марказини (Call-center) яратиш лойиҳаси бўйича қурилмаларни келтириш ва ўрнатиш учун умумий қиймати 1,45 млн. АҚШ долларига тенг шартнома имзоланди ва ҳозирги кунда ҳудудларда қурилмаларни ишга тушириш ишлари кетмоқда.

Кейинги 3 йилда мамлакатимизда интернет ва кўрсатилаётган хизматлар кўламини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиб бериш мақсадида “Ўзбектелеком” АК тегишли давлат органлари билан келишган ҳолда халқаро интернет каналлари учун оператор ва провайдерлар томонидан тўланадиган ижара тарифлари 2,5 баробарга камайтирилди. Бугунги кунга келиб, Халқаро пакетли коммутация марказига уланган оператор ва провайдерларга Интернет-хизматлари учун белгиланган тариф 1 Мбит/с учун 312,58 АҚШ долларини ташкил этиб, 2013 йил бошига нисбатан 26 фоизга камайтирилган. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, мамлакатимиздаги интернет провайдерлар (Мисол учун: МЧЖ “Техноprosistem”, ҚК “Buzton”, МЧЖ “Dost Link”, ҚК “Sarkor Telecom”, ҚК МЧЖ “Unitech”, ҚК МЧЖ “NetCity”, МЧЖ “Амалий Алоқалар Бизнеси”, МЧЖ “Skyline”) жисмоний шахслар учун интернет хизматлари тарифларини 15 фоиздан 80 фоизгача арзонлаштирган (1-жадвал).

1-жадвал
“Техноprosistem” МЧЖнинг жисмоний шахслар

учун интернет тарифлари

Тариф режаси	Тезлик (Кбит/с)	Абонент тўлови (USD)	Текин трафик (Mb)	Лимитдан ортиқча 1Mb нархи–кундузи (09:00 дан 01:00 га-ча)(USD)	Лимитдан ортиқча 1Mb нархи – кечаси (01:00 дан 09:00 га-ча)(USD)
Night Ultra	512 (08:00–24:00) 1024 (00:00–08:00)	30	3000	(08:00-24:00) 0,04	(24:00-08:00) unlimited
Jet Mini new	1024	15	3000	0,05	0,02
Jet Optima new	1024	20	4500	0,05	0,02
Jet Maxi new	1024	25	7000	0,05	0,02
Jet Mini 2 new	2048	35	10000	0,03	0,02
Jet Optima 2 new	2048	45	13000	0,03	0,02
Jet Maxi 2 new	2048	55	16000	0,03	0,02

Ҳозирги кунга келиб Ўзбекистонда абонентлар миқдори бўйича энг йирик мобил оператор (10,5 млн. дан ортиқ абонентлар) Beeline ҳисобланадиган бозордаги улуши 53,6 фоизни ташкил этади. Ucell компаниясининг абонент базаси 8,5 млн. абонентни ташкил этади ва Ўзбекистон мобил алоқа бозорининг 43,4 фоиз улушига эга.

Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг 2016 йил январь ойи маълумотларига кўра республикамизда АКТнинг жорий этилиши ва ривожлантирилиши бўйича қуйидаги кўрсаткичлар мавжуд:

- АТС ларнинг барчаси рақамли хизмат кўрсатишга ўтказилди;
- халқаро интернет тармоғига уланиш тезлиги 11,2 Гбит/сек;
- оператор ва провайдерлар умумий сони 924 та;

АҲОЛИ ЯШАШ ЖОЙЛАРИДА ЖУМЛАДАН ЖИЗЗАХ ШАҲРИ ИЧИМЛИК СУВИ ТАРКИБИНИНГ ЎЗГАРИШИ, УНДАГИ МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАРИ

Такабоев Қ. Ў., Мусаев Ш.

Джиззахский политехнический институт (Ўзбекистон)

Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, ичимлик суви таркибининг ўзгаришига сабаб бўлаётган манбаларни аниқлаш ва бартафат этиш муҳим аҳамиятга эга эканлиги ушбу мақолада илгари сурилган.

В этом статье поставлен вопрос, играющий важную роль определения объектов отрицательное влияние источников водных ресурсов и обеспечения населения чистой питьевой водой.

Она замин табиатнинг ажралмас бўлаги, шу сабабли аждодларимизнинг ерга меҳри ўзгача

- «UZ» доменлар 17400 та;
 - дастурий таъминот ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи хўжалик субъектлар 274 та;
 - йиллик рўйхатга олинган дастурий таъминотлар 208 та;
 - электрон рақамли имзо калитлари ва сертификатлари 376000 та;
 - давлат ахборот ресурслари 195 та;
 - давлат ахборот тизимлари 110 та;
 - давлат интерактив хизматлари 194 та;
- Кўриб турганимиздек, мамлакатимиз Президентини ва тегишли вазирликлар томонидан олиб борилаётган оқилона сиёсат туфайли алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация соҳасидаги ишлар такомиллаштирилмоқда. Бу эса ушбу соҳанинг иқтисодий тизимдаги ўрни бекиёс эканлигини исботлаб бермоқда.

Адабиётлар:

1. Алоқа объектларини давлат кадастрига юртиш учун кадастр ахборотини йиғиш ва уни давлат кадастрларининг ягона тизимига тақдим этиш тартиби тўғрисида услубий қўлланма RH 45-087. Т.: Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, 2008 – 41 б.
2. Алланазаров О.Р. Алоқа объектлари давлат кадастри рақамли карталарини яратишнинг баъзи масалалари // Ер ресурсларидан фойдаланиш ва бошқаришнинг тажрибалари ва истикболлари. Тошкент – Самарқанд, 2010. – 186–187 б.
3. Алланазаров О.Р. Алоқа объектлари кадастри рақамли карталарини яратиш йўллари // Ўзбекистон географияси: табиати, аҳолиси, хўжалиги. – Т., 2013. – 85-87 б.
4. Алланазаров О.Р. Географик ахборот тизимларидан фойдаланиб мавзули карталар яратиш // География фанининг долзарб назарий ва амалий масалалари. – Т., 2008. – 193-194 б.
5. Алланазаров О.Р. Географик ахборот тизимлари (ГИС): синфлари, турлари ва алоқа объектлари давлат кадастрида қўллаш йўллари // Географик тадқиқотларда картографик методлардан фойдаланиш. – Т., 2011. – 73–76 б.

бўлган. Заминимизни эҳтиёт қилишда сув барча бойликнинг асоси, бутун тириклик ман-

баидир.

Сув, тупрок, ҳаво, қуёшни эъзозлаш ва инсоннинг яратувчанлик меҳнатини улуғлаш ҳар доим бирламчи аҳамият касб этган. Инсон учун унинг саломатлигидан қадрлироқ нарса йўқ. Саломатликни мустаҳкамлаш унинг қадрига етиш аввало ўзимизга боғлиқ. Табиатнинг тозаллиги ҳавонинг беғуборлиги соғлигимиз учун катта аҳамиятга эга.

Атрофимизга бир назар ташласак, бунга нечоғли амал қилмаётганимизни кўрамиз. Биз доимо она табиат инъомларидан фойдаланиб келдик, келажак авлодлар ундан фойдаланиш учун ҳам уларни авайлаб-асрашимиз лозим.

Ҳозирги вақтда атроф-муҳит ва табиий ресурслардан фойдаланишнинг энг муҳим муаммоларидан бири аҳолини етарли миқдорда тоза ичимлик сув билан таъминлашдир.

Мамлакатда яшаётган аҳолига соғлом муҳит яратиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, сув ҳаво ва тупроқнинг ифлосланишига йўл қўймаслик ва бошқа масалаларни ижобий ечиш ҳозирги куннинг долзарб муаммосидир.

Жиззах вилоятининг туман ва шаҳарларида ҳам аҳоли сонининг ўсиши, маънавий хизмат турларининг шаклланиши ва янги индустриал sanoat худудининг барпо этилиши тоза ичимлик сувига бўлган талабни кескин ўсишига олиб келмоқда.

Дастлаб кичик провенциал шаҳар Жиззах бугунги кунда Вилоят маркази, вилоятнинг Мирзачўл регионидан яқин 40-50 йил давомида пайдо бўлган янги Пахтакор, Дўстлик, Арнасой ва Зафаробод шаҳарлари ҳамда 60 дан ортиқ катта кичик аҳоли яшаш жойлари асосан Сангзор дарёси дельтаси худудида жойлашган ер ости ичимлик суви манбаларида ишлаб чиқарилаётган тоза сувлардан фойдаланмоқда.

Мавжуд куйидаги сув олиш иншоатларидан А.Темур 26 минг м³/кун, Сангзор 18 минг м³/кун, Ўзбекистон 12 минг м³/кун, Саноат худуди иншооти 30,0 минг м³/кун, Сангзор қишлоқ сув иншооти 40,0 минг м³/кун ва Қўйтош сув иншооти 64,8 минг м³/кун. Жами: 190,8 минг м³/кун қувватга эга бўлган ер ости сув захиралари асосан Сангзор дарёси дельтасида жойлашган.

Эски Сангзор дарёси ўзани Бахмал, Ғаллорол ва Жиззах туманлари худудларидан оқиб ўтиб “ҚЛИ” канали ўзанига қўшилади ва Арнасой қўлига қўйилади.

Ичимлик суви захираларининг дастлабки кимёвий, физик таркиби ва кейинги 30 йиллик даврдаги тахминлар билан таққослашганда сувнинг таркиби ўзгариб бораётганлиги аниқланди.

Ичимлик суви таркибидаги Са, Mg нитратлар ва хлоридларининг меъёрий қиймати ўзгариб бориши кўзатилади.

Сув иншоатлари номи	Йиллар									
	1980	1985	1990	1995	2000	2005	2010	2014	2018	
ҚАТТИҚЛИК (мг-экв/л)										
Тошлок с.и.	6.6	7.0	7.8	8.7	9.4	9.9	10.0	10.1	10.2	
Ўзбекистон с.и.	7.0	6.7	8.4	8.8	8.7	10.5	10.5	10.5	10.6	
Промзона с.и	8.5	6.7	7.9	9.7	9.8	10.0	10.0	10.0	10.0	
Санзар с.и.	6.8	6.9	7.8	8.7	8.5	10.0	10.0	10.0	10.1	
Санзар-туман с.и	7.0	9.5	11.2	11.2	10.2	10.0	10.0	10.1	10.2	
Ўртача:	7.18	8.15	8.62	9.42	9.32	10.08	10.1	10.14	10.2	
НИТРАТЛАР (мг/л)										
Тошлок с.и.	7.0	7.2	11.4	12.4	30.0	44	44.2	44.2	44.3	
Ўзбекистон с.и.	9.6	7.4	14.8	14.0	24.0	46.2	46.3	46.4	46.4	
Промзона с.и.	7.0	7.4	18.5	14.8	22.0	46.0	46.0	46.0	46.1	
Санзар с.и.	6.5	7.0	18.4	15.7	26.0	44.6	44.6	46.5	46.5	
Санзар-туман с.и.	8.8	7.4	18.0	16.0	29.6	42.0	42.3	42.0	42.0	
Ўртача:	7.78	7.28	16.22	14.58	26.32	44.56	44.68	45.2	45.06	
ХЛОРИДЛАР (мг/л)										
Тошлок с.и.	327.0	333.0	348.0	340.0		343.0	348.0	349.5	349.5	
Ўзбекистон с.и.	327.0	332.5	347.5	339.0		341.0	345.0	346.0	346.0	
Промзона с.и.	340.0	344.0	357.0	353.0		363.5	365.0	366.0	366.0	
Санзар с.и.	319.5	332.0	345.0	338.5		340.0	345.0	347.0	347.0	
Санзар-туман с.и.	360.0	357.5	373.5	380.5		365.0	360.0	360.0	360.0	
Ўртача:	334.6	339.8	354.2	350		350.6	352.6	353.1	353.1	

Мониторинг натижасига кўра кўзатув даврида (1980-2018) ичимлик сувининг қаттиқлиги 3,04 мг-экв/л, нитратлар 37,28 мг/л, хлоридлар 18,5 мг/г миқдоридан ошганлиги аниқланди.

Ичимлик суви таркибидаги нитратлар, оғир Са, Mg элементларининг йиллар давомида кўпайиши инсон ҳаётининг физиологик ривожланишига муайян таъсир кўрсатиши табиий.

Сув таркибидаги Са ва Mg элементлари инсон организмнинг буйрак, ўт пуфаги тизимида холцидон тошига ўхшаш қотишма ҳосил қилади. У ўзининг ўсиш жараёнида қиррали, думалоқ, силлиқ ва япалоқ донатор ҳолда ранги эса оқ кулранг, қора ва жигар ранг ҳолда учрайди.

Кўп йиллик таҳлил натижасига кўра Жиззах шаҳрида Буйрак тизимида тош пайдо бўлиш жараёни олдинги йилларга қараганда 2-3 %

ошганлиги тасдиқланмоқда.

Кўриниб турибдики ичимлик сувининг таркибий ўзгариши ушбу ҳудудда яшовчи инсонлар организмига салбий таъсир этиб келмоқда.

Сангзор дарёси оқимида юқорида кўрсатилган элементларнинг кўпайишига сабаб бўлувчи омиллар таҳлил қилинганда қуйидаги натижалар олинди.

Дарёга қуйилувчи Ғаллаорол тумани “Шўрбулоқ” коллектори сувининг таркибида нитратларнинг юқори қийматлари аниқланди. Бунга асосий сабаб “Шўрбулоқ” коллектори ҳавзасида жойлашган “Товуқчилик” фабрикасининг чиқиндилари эканлиги маълум бўлди, бундан ташқари “Шўрбулоқ” коллектори сувлари Са, Mg элементи бирикмаларига ҳам бойлиги мазкур муаммони янада кескинлаштиради. Бундан ташқари ерга ишлов беришда фойдаланиладиган калийли ва азотли ўғитларни кўп миқдорда ишлатилиши, Сангзор дарёсининг юқори

оқимида жойлашган аҳоли пунктлари, маиший ва саноат корхоналари тўғридан тўғри ташлаб юборадиган чиқиндилар ичимлик суви таркибининг ўзгаришига сабаб бўлмоқда.

Мазкур муаммонинг ечимини топиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Сангзор дарёси сувини бўлгаётган “Шўрбулоқ” ва шунга ўхшаш кичик коллекторларнинг сувларини махсус канализация тармоғи орқали янги кўрилаётган Жиззах оқова сувларни тозалаш иншоотига боғлаш ва бу тозаланган оқова сувлардан суғоришда фойдаланилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Адабиётлар:

1. Абрамов А.А. Водоснабжения. -М. 1985.
2. Абдуллаев Т.А. Ичимлик сувини тозалаш. -Т. 1997.
3. Жиззах вилояти “Сув оқова” корхонасининг йиллик ҳисобатлари.

УДК. 628.14

РАЗРАБОТКА ГИДРОМЕХАНИЧЕСКОГО ПРЕОБРАЗОВАТЕЛЯ СТРУКТУРЫ ГАЗОЖИДКОСТНОГО ПОТОКА, УВЕЛИЧИВАЮЩЕГО ДЕБИТ НЕФТИ И ПЕРИОДА ФОНТАННОГО СПОСОБА ЭКСПЛУАТАЦИИ СКВАЖИН

Хажиматова М., катта ўқитувчи.

Жиззах политехника институти (Ўзбекистон)

Кудуқларни ҳамроҳ газ миқдорини камайтирувчи янги техник ечимга ва илмий асосга эга бўлган, такомиллаштирилган қурилмани яратиш.

Работы является исследование и решение задач движения нефтегазовой смеси в подъемной трубе во взаимодействии с подвижными частями устройства.

The aim of this study is to investigate and to solve the problems of motion of oil-gas mixture in lifting pipe during the interaction with moving parts of the device.

Целью работы является исследование и решение задач движения нефтегазовой смеси в подъемной трубе во взаимодействии с подвижными частями устройства, определение способов преобразования энергоемких структур потоков в скважине в раздельно-четочную структуру, а также геометрических размеров устройства. Создание усовершенствованного отечественного устройства, обладающего новыми научно обоснованными техническими решениями, обеспечивающего уменьшение газового фактора, увеличение дебита нефти и продление периода фонтанной эксплуатации скважин и изготовление опытного образца.

- исследованы процессы распространения гидравлических ударов в одно- и двухфазных средах и его воздействие на стенки трубы. Составлено уравнение движения двухфазной среды для определения давления и получено его

решение. Определены: силы воздействия нефтегазового потока на элементы устройства, преобразующего структуру потока; масса патрубков и геометрические размеры щелей устройства в зависимости от гидродинамических параметров газонефтяного потока. Разработаны схемы и чертежи усовершенствованного устройства со слезниковыми конденсационными элементами. Изготовлен промышленный образец усовершенствованного устройства, преобразующего структуру газонефтяного потока в раздельно-четочный режим движения. Увеличение дебита при введении устройства в подъемную трубу, достигается за счет следующих гидродинамических процессов, выявленных в ходе теоретических и практических исследований:

- устройство создает гидродинамическое сопротивление и поддерживает забойное дав-

ление на оптимальном уровне, снижает или убирает газовый и водяной конусы. Несмотря на то, что снижается депрессия на пласт дебит скважины по нефти возрастает за счет перераспределения фазовых потоков вблизи перфорационных отверстий, а также освобождения части из них от газового и водного конусов в пользу нефти;

- изменение устройством различных структур потока в чётко поршневой режим движения приводит к уменьшению относительной скорости фаз и более эффективному использованию подъемной силы газа в транспортировании нефти;

- последовательно размещенные устройства дают возможность несколько раз использовать один и тот же объем газа в ускорении одного и того же количества нефти;

- упругая сила газа, сжатого гидравлическим ударом в сепарационной полости устройства дает вклад после ее выхода в НКТ в ускорение движения нефти в направлении к устью скважины;

- конденсация в сепарационной полости устройства газа и легколетучих паров компонент нефти и ее расширение за счет уменьшения давления и испарения их после выхода в НКТ приводит к проявлению дополнительной подъемной энергии, которая используется в подъеме нефти.

Осуществляемые устройствами вышеперечисленные принудительные циклические гидродинамические процессы в газонефтяном потоке, движущимся в скважине без использования дополнительной внешней энергии, увеличивают дебит нефти на 10-20 %, уменьшают газовый фактор до 30 и более процентов и дает возможность экономно расходовать пластовое давление продлевая фонтанный период эксплуатации скважин на 1-2 года.

При заканчивании скважин более целесообразным является способ периодического газлифта. Основная особенность периодического газлифта заключается в том, что сжатый газ нагнетается в подъемные трубы не постоянно как в непрерывном газлифтном способе, а в виде отдельных порций (пробок) в тот момент, когда в подъемных трубах накопится достаточное количество жидкости. Эти газовые пробки действуют как поршень и проталкивают жидкость, накопившуюся в подъемной трубе. Суточный удельный расход сжатого газа в удовлетворительном приближении равен удельному расходу газа за каждый цикл. Для периодического газлифта при низких дебитах и низких забойных давлениях скважины требует-

ся меньшее количество сжатого газа, чем для непрерывного газлифта; с понижением забойного давления потребное количество сжатого газа почти не уменьшается, пока количество жидкости, поднимаемого за цикл, остается постоянным.

В последние годы появились новые технологии так называемая гирляндная система преобразования потока (ГСПП), система оптимизации добычи нефти (СОД) и др., которые более подробно рассмотрены в разделе 6-8 данного отчета.

Как нами выше отмечено, эксплуатация фонтанирующих скважин наиболее экономична по сравнению с другими. Поэтому параметры закачивания и эксплуатации этих скважин должны выбираться таким образом, чтобы была гарантия ее фонтанирования в течении возможно продолжительного времени. В последние годы разработаны такие технологии эксплуатации скважин, применение которых снижает не только газовый фактор в лифтируемой смеси, но и увеличивает дебит по нефти, а также продлевает срок фонтанируемого режима скважины на 1,5-2 года. Тем самым дает возможность сократить расходы до 200 млн. сум на одну скважину по переходу с фонтанного режима добычи на механизированный, плюс усилия по поддержанию пластового давления.

Осуществив анализ технологий добычи нефти с вводимыми и устанавливаемыми в НКТ устройствами: штуцеров, эжекторов, трубок Вентури, плунжера и клапанов (ГСПП), установлена возможность разделения их (по принципу действия последних на структуру потока) на две группы:

1. Устройства, дисперсирующие газовую фазу и перемешивающие ее в потоке (приводящие к хаотическому движению).

2. Устройства, аккумулирующие газовую фазу и создающие чёточный (упорядочно-раздельный) режим движения фаз.

Из анализа действия выше рассмотренных устройств следует, что во всех рассмотренных технологиях, где в НКТ вводятся устройства, преобразующие структуру потока, создается дополнительное гидродинамическое сопротивление, способствующее повышению забойного давления, уменьшению депрессии, вследствие которой в той или иной степени происходит снижение скин-эффекта в призабойной зоне, смешение газового и водяного конусов от отверстий перфораций, освободив часть из них для поступления нефти, что приводит к некоторому увеличению дебита по нефти.

В технологии с использованием устройств

ГСПП, расстояния между которыми рассчитывается с учетом разрушений четочного и следующего за ним пузырькового режимов движения, где начинается образование снарядной структуры потока.

Каждое устройство аккумулирует газовую фазу в течение некоторого времени, сжимая ее до максимально возможных давлений. Жидкая фаза за это же время нагоняет и опережает ранее опередивших его и аккумулируемых объемов газа, а при самопроизвольном залповом нагнетании газа в НКТ последние за счет сил инерции и расширения проталкивают жидкость вверх. По мере движения к верхнему устройству жидкие и газовые чётки за счет сил взаи-

модействия начинают перемешиваться и образуют различные структуры потока.

Литература:

1. "Обзор нефтегазовых технологий компании" FRANKLIN GROUP INTENATIONAL, 2000. 17 с.
2. Информационный лист фирмы "Lincoln capital corp". Представитель фирмы: 195272 Санкт-Петербург, Малоохтинский проспект, 68.
3. Сидикходжаев Р.К. Об эффективности применения устройств по преобразованию потока в фонтанных нефтедобывающих скважинах. Узб.ж. NEFT
4. Kutateladze S.S., Burdukov A.P., Nakoryakov V.Ye., Kuzmin V.A. Electrochemical method for measurement shear stress.- Heat Transfer Soviet Research.-Ser.A, ASME. -1969, v.1.

УДК 628.1

РЕСПУБЛИКАМИЗДА МАВЖУД СУВ ТАЪМИНОТИ ВА КАНАЛИЗАЦИЯ ТИЗИМЛАРИ ҲАМДА БУ БОРАДА МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Такабоев Қ. Ў., Мусаев Ш. М.

Жиззах политехника институти (Ўзбекистон)

Сув таъминоти ва канализация тизимидаги бугунги кундаги долзарб муаммолар ҳақида тўхталган. Муаллифлар масалани ёритиш мақсадида мавжуд камчиликлар, уларни бартараф этиш йўллари бўйича тавсиялар беришган ва хулосалар қилинган.

Калит сўзлар: Сув таъминоти, оқова сув, истъеъмолчи, хизмат кўрсатиш.

Бугунги кунда Республикамизда 78 шаҳар (шаҳарлар умумий микдорининг 65% марказлаштирилган сув таъминоти билан қамраб олинган), 39 шаҳар типигадаги қўрғон (34,8%) ва 105 қишлоқ аҳоли шаҳобчалари марказлаштирилган канализация тармоқлари тизими (1,1%) билан таъминланган. Канализация тармоқларини қуриш ва улардан фойдаланиш аҳолининг маданиятини оширади ҳамда ҳаёт тарзини яхшилайдди.

Канализация – бу аҳолининг ижтимоий ша-роитини яхшиланишига катта ҳисса қўшадиган долзарб соҳалардан биридир.

Умуман Республикамиз бўйича марказлаштирилган канализация тизимлари билан аҳолининг ўртача 14,1% қамраб олинган. Канализация оқоваларини тозалаш қурилмаларининг умумий қуввати 2018 йилда - 4,5 млн. м³/суткани ташкил этиб, 1990 йилда - 3,49 млн. м³/сутка, 1985 йилда - 2,69 млн. м³/суткани ташкил этган. Бу кўрсаткичлар ҳозирги кундаги аҳолининг талабларини қониқтирмайди, келгусида мазкур масала юзасидан йирик лойиҳаларни амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг қатор

қарорлари қабул қилинди⁴.

Нафақат канализация тизимини ривожлантириш, оқова сувларни тозалаш тизимини такомиллаштириш, айти вақтда жаҳон андозаларига мос замонавий технологияларни қўллаб тозалаш иншоотидаги қайта ишланган оқова сувларни аҳоли эҳтиёжлари учун қайта ишлатиш бугунги куннинг долзарб вазифаси бўлиб келмоқда. Чунки мазкур соҳада ривожланган давлатлар АҚШ, Италия, Дания ва Германия давлатлари яхши натижаларга эришганлиги бизга маълум.

